

МАДАНИЯТ ЧОПРАҲАЛАРИ

ПЕРЕКРЁСТОК КУЛЬТУРЫ

CROSSROADS OF CULTURE

№4 (2019)



TOSHKENT-2019

Бош муҳаррир:

Юсупова Марина Римовна
санъатшунослик фанлари
номзоди, доцент

Главный редактор:

Юсупова Марина Римовна
кандидат
искусствоведения, доцент

Chief Editor:

Yusupova Marina Rimovna
candidate of art science,
assistant professor

Масъул котиб:

Маматқосимов Жаҳонгир
Абиркулович - доцент

Ответственный секретарь:

Маматқосимов Джаҳонгир
Абиркулович - доцент

Executive Secretary:

Mamatkasimov Jakhongir
Abirkulovich - assistant
professor

Таҳрир ҳайъати:

Маврулов Абдухалил
Абдулхаевич - тарих
фанлари доктори,
профессор

Редакционная коллегия:

Маврулов Абдухалил
Абдулхаевич - доктор
исторических наук,
профессор

Editorial team:

Mavrulov Abdukhalil
Abdulkhaevich - Doctor of
Historical Sciences, Professor

Иброҳимов Оқилхон
Акбарович - санъатшунослик
фанлари доктори,
профессор

Иброҳимов Оқилхон
Акбарович - доктор
искусствоведения,
профессор

Ibrokhimov Okilkhon
Akbarovich - Doctor of Arts,
Professor

Исакулова Нилуфар
Жаникуловна - педагогика
фанлари доктори,
профессор

Исакулова Нилуфар
Жаникуловна - доктор
педагогических наук,
профессор

Isakulova Nilufar Zhanikulovna
- Doctor of Pedagogical
Sciences, Professor

Нишонбоева Қундузхон
Вахобовна - тарих фанлари
номзоди, доцент

Нишонбоева Қундузхон
Вахобовна - кандидат
исторических наук, доцент

Nishonboeva Kunduzkhon
Vakhobovna - candidate of
historical sciences, assistant
professor

Хайтматова Сабохат
Агзамовна - санъатшунослик
фанлари номзоди, доцент

Хайтматова Сабохат
Агзамовна - кандидат
искусствоведения, доцент

Khaytmatova Sabokhat
Agzamovna - candidate of art
science, assistant professor

Худоев Ғани Муҳаммадович -
санъатшунослик фанлари
бўйича фалсафа доктори,
доцент

Худоев Ғани Муҳаммадович
- доктор философских наук
в области по
искусствоведению, доцент

Khudoev Gani
Muhammadovich - Doctor of
Philosophy (PhD) in the field
of art sciences, assistant
professor

Турсунметова Робия Абдулла
қизи - PhD таянч докторант

Турсунметова Робия Абдулла
қизи - PhD докторант

Tursunmetova Robiya Abdulla
qizi - PhD researcher

Саҳифаловчи: Хуршид Мирзахмедов

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot город Ташкент,
улица Амир Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000

Мақолада келтирилган фактларнинг тўғрилиги учун муаллиф масъулдир.

МУНДАРИЖА \ СОДЕРЖАНИЕ \ CONTENT


1.Исоков Зиёдулло МАРКАЗИЙ ОСИЁДА САНЪАТ ВА МАДАНИЯТГА ЭЪТИБОР - ИЖТИМОЙ ИСЛОҲОТЛАРНИНГ БОШ МЕЗОНИ СИФАТИДА.....	4
2.Умарова Хурсаной, Усмонов Шамсиддин, Саттаров Акмалжон САНЪАТГА БАҒИШЛАНГАН УМР.....	14
3.Талабоев Азизжон ЎЗБЕК МИЛЛИЙ АНЪАНАВИЙ ИЖРОЧИЛИК САНЪАТИДА МАҲАЛЛИЙ УСЛУБЛАР.....	21
4.Юнусходжаева Сауле ЁШ РАССОМНИ ЎҚИТИШДА САМАРАЛИ УСУЛЛАРДАН Фойдаланиш.....	28
5.Юлдашева Диёра МАДАНИЯТ ВА САНЪАТ ОРҚАЛИ ЁШЛАРНИ КАСБГА ЙЎНАЛТИРИШНИНГ ИЖТИМОЙ МАСАЛАЛАРИ.....	32
6.Мадаминов Сиддиқжон, Акбаров Тошпўлат МИЛЛИЙ МУМТОЗ ҚЎШИҚЧИЛИК САНЪАТИНИ ЎРГАТИШДА ЭЪТИБОР ҚАРАТИЛИШИ ЛОЗИМ БЎЛГАН ЖИҲАТЛАР.....	39
7.Аҳмедов Зоҳиршоҳ ЎЗБЕК ПРОФЕССИОНАЛ ТЕАТРИ ТАРАҚҚИЁТИДА МИЛЛИЙ РЕПЕРТУАР МАСАЛАЛАРИ.....	44
8.Мадаминова Умидахон ЧИНГИЗ АЙТМАТОВ ИЖОДИДА УМУМБАШАРИЙ МУАММОЛАР.....	52

МАДАНИЯТ ЧОРРАҲАЛАРИ ПЕРЕКРЁСТОК КУЛЬТУРЫ CROSSROADS OF CULTURE

Исоков Зиёдулло Сафаралиевич

Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти доценти,
тарих фанлари номзоди

МАРКАЗИЙ ОСИЁДА САНЪАТ ВА МАДАНИЯТГА ЭЪТИБОР - ИЖТИМОЙ ИСЛОҲОТЛАРНИНГ БОШ МЕЗОНИ СИФАТИДА (Ўзбекистон Республикаси мисолида)

 <http://dx.doi.org/10.26739/2181-0737-2019-4-1>

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада сўнгги йилларда Ўзбекистон Республикасида санъат ва маданият соҳасига қаратилаётган эътибор ҳақида сўз боради. Шунингдек муаллиф томонидан ушбу соҳани ривожлантириш орқали бугунги кунда эришилаётган ютуқлар ҳақида тўхталиб, санъат ва маданиятнинг миллий тараққиётда тутган ўрни атрофлича ёритиб берилган.

Калит сўзлар: санъат, маданият, театр, мусиқа, мақом санъати, фольклор, аския.

Исаков Зиёдулла Сафаралиевич

доцент Государственного института искусств и культуры Узбекистана,
кандидат исторических наук

ВНИМАНИЕ НА ИСКУССТВО И КУЛЬТУРУ ЦЕНТРАЛЬНОЙ АЗИИ КАК ГЛАВНЫЙ КРИТЕРИЙ СОЦИАЛЬНЫХ РЕФОРМ (на примере Республики Узбекистан)

АННОТАЦИЯ

В данной статье показана государственная политика Узбекистана по отношению к сферам искусства и культуры. В том числе автор раскрыл роль и значение искусства и культуры в национальном преобразовании, подробно рассмотрев достигнутых побед на сегодняшний день в развитии этих сфер.

Ключевые слова: искусство, культура, театр, музыка, искусства маком, фольклор, аския

Isokov Ziyodullo Safaralievich

Assistant professor of Uzbekistan State Institute of arts and culture,
candidate of history sciences

ATTENTION TO THE ART AND CULTURE OF CENTRAL ASIA - AS THE MAIN CRITERION OF SOCIAL REFORMS (on the example of the Republic of Uzbekistan)

ANNOTATION

This article discusses the attention paid to art and culture in the Republic of Uzbekistan in recent years. The author also pointed to the achievements of today thanks to the development of this area, as well as detailed coverage of art and culture in national development.

Key words: art, culture, theater, music, maqom art, folklore, hangy.

Тарихдан маълумки санъат ва маданият башарият тараққиётининг муҳим омилларидан бири ҳисобланган. Ҳар бир жамиятнинг тараққиёт даражаси ўша жамиятда санъат ва маданиятнинг ривожини билан белгиланган. Тарихда яшаб ўтган ҳар бир ҳукмдор ёки давлат арбоби ўз фаолиятида фан, маданият ва санъат соҳасини қадрлаган тақдирдагина у юртда тинчлик ободончилик ҳамда фаровонлик бўлган. Марказий Осиё ҳудудларида IX-XII асрларда рўй берган уйғониш даври, кейинчалик XV-XVI асрларда юз берган маданий юксалишларда биринчи навбатда ўша даврдаги ҳукмдорларнинг ҳиссаси беқиёсдир. Шундай экан бугунги кунда Ўзбекистонда санъат ва маданият соҳасининг давлат сиёсати даражасига кўтарилиши ҳам бежиз эмас албатта. Сўнгги йилларда республика ҳукумати томонидан чиқарилаётган фармон ва қарорлар ҳам бевосита ушбу соҳани янада тараққий топтиришга хизмат қилади.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947 фармони билан қабул қилинган Ўзбекистон Республикасини 2017-2021 йилларда ривожлантиришнинг устувор йўналишларини ўз ичига қамраб олган Ҳаракатлар стратегиясининг тўртинчи йўналиши Ижтимоий соҳани ривожлантириш бўйича комплекс тадбирлар, биринчи навбатда, фуқароларни ижтимоий ҳимоя қилиш ва соғлиғини сақлашни кучайтириш, аҳолини арзон ва сифатли дори воситалари билан таъминлаш, фуқароларнинг бандлиги ва реал даромадларини ошириш, арзон ижтимоий уй-жойлар қурилишини кенгайтириш, ногиронлиги бўлган шахсларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга қаратилган [1].

Ҳаракатлар стратегиясини "Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили"да амалга оширишга оид Давлат дастури доирасида 30 дан ортиқ қонунлар ҳамда 900 дан ортиқ қонуности ҳужжатларининг қабул қилинди. Жумладан, Халқ билан мулоқот натижалари бўйича 11 йиллик умумий ўрта таълимни қайта тикланди. Мактабгача таълим вазирлигини ташкил этилди. Ҳозирда ушбу соҳанинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, яқин 3-4 йилда барча ҳудудларда минглаб янги боғчалар қуриш, таълим-тарбия сифати ва даражасини янги босқичга кўтариш бўйича муҳим ишлар амалга оширилмоқда. Шунингдек республика маънавий ҳаётида муҳим воқеа бўлган ана шундай лойиҳалар ҳақида гапирганда, Ўзбекистондаги Ислон цивилизацияси маркази, Имом Бухорий ва Имом Термизий

номларидаги халқаро илмий-тадқиқот марказлари, Ислом академияси каби илмий-маърифий муассасалар фаолиятини йўлга қўйиш ишлари бошланганини алоҳида қайд этиш зарур.

Ўзбекистонда санъат ва маданият соҳасини ривожлантириш бўйича ҳам кўплаб салмоқли ишлар амалга оширилмоқда. 2017 йил давомида Ўзбекистон Республикаси Президентининг санъат ва маданият соҳасига оид 12 та фармон ва қарорлари чиқди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 15 февралдаги ПФ-4956 сонли Фармони "Маданият ва спорт соҳасида бошқарув тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида" бўлиб, ушбу фармонда Маданият ва спорт соҳасидаги бошқарув тизимини такомиллаштириш, мазкур соҳада Ўзбекистон халқининг бой ва ўзига хос маданияти, санъати ва ижодиётини янада ривожлантиришни таъминлашга йўналтирилган давлат сиёсатини амалга ошириш самарадорлигини тубдан юксалтириш, аҳоли кенг қатламлари орасида маънавий-ахлоқий камолот ва соғлом турмуш тарзига интилишни кучайтириш мақсадида бир қатор чора тадбирлар ишлаб чиқилди. Хусусан фармонга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги тугатилиб, унинг негизида Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси ташкил этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 31 майдаги ПҚ-3022 сонли Қарори "Маданият ва санъат соҳасини янада ривожлантириш ва такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида" бўлиб, унда мамлакат ижтимоий ҳаётини янгилаш ва модернизация қилишнинг бугунги янги босқичида маданият ва санъатнинг инсонлар ҳаётидаги ўрни ва аҳамиятини ошириш, ёш авлодни миллий ва умуминсоний қадриятлар, ўз Ватанига меҳр ва садоқат руҳида тарбиялаш мақсадида Ўзбекистон Республикасида маданият ва санъат соҳасини янада ривожлантириш ва такомиллаштириш бўйича 2017 - 2021 йилларга мўлжалланган чора-тадбирлар дастури тасдиқланди.

Ушбу дастурда белгилаб берилган асосий вазифа ва йўналишлар ҳам Ўзбекистонда санъат ва маданиятга берилаётган эътиборни нақадар кучли эканлигини кўрсатади. Шу ўринда алоҳида қайд этиш лозимки Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2017 йил 17 ноябрдаги "Ўзбек миллий мақом санъатини янада ривожлантириш чора тадбирлари тўғрисида"ги, ҳамда 2018 йил 6 апрелдаги "Халқаро мақом санъати анжуманини ўтказиш тўғрисида"ги қарорлари ўзбек мумтоз мусиқаси тарихида янги даврни бошлаб берган муҳим ҳужжатлар бўлди. Ушбу қарорларга асосан 2018 йилнинг 6 - 10 сентябрь кунлари юртимиз халқаро "мақом" санъатига бағишланган нуфузли тадбирга мезбонлик қилди. Тадбир доирасида "Мақом мусиқа санъатининг жаҳон цивилизациясида тутган ўрни" мавзуида илмий-амалий конференция; жаҳон ва Ўзбекистон мақом санъати усталарининг якка концертлари; Мақом ансамбллари, хонанда ва созандаларнинг кўрик-танлови; Сайиллар, мамлакатимизнинг дунёга машҳур шахслари ҳаёти ҳамда ижодий фаолияти ҳақида замонавий ва креатив усулда саҳналаштирилган дастур намойишлари; Мақом санъати тарихига оид кўргазма, ўзбек, форс, араб, инглиз ва рус тилларида нашр этилган илмий асарлар ҳамда илмий-маърифий адабиётлар намойишлари ўтказилди. Анжуманда 70 дан ортиқ давлатлардан санъаткорлар қатнашиб, хорижий мамлакатлардан 300 дан зиёд меҳмонлар кутиб олинди. Анжуман 40 дан ортиқ хорижий давлатларга тўғридан тўғри трансляция қилинди. Бу эса ўйлаймизки мамлакатимизнинг халқаро нуфузини

ошишига хизмат қилди. Юртбошимизнинг ушбу фармонига жавоб сифатида Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтининг Қўқон шаҳридаги Фарғона филиалида "Миллий мақом санъати" мактаби ўз фаолиятини бошлади.

2017 йилнинг 3 август куни Президент Шавкат Мирзиёев Ўзбекистоннинг ижодкор зиёлилари билан учрашувида "Адабиёт ва санъат, маданиятни ривожлантириш - халқимиз маънавий оламини юксалтиришнинг мустақкам пойдеворидир" мавзусида давра суҳбати уюштирилди. Ушбу учрашувда аввало Ўзбекистондаги адабий муҳит, кино, театр соҳасидаги муаммолар, борингки Ўзбекистондаги маънавий-маърифий ва маданий соҳага оид барча масалалар муҳокама этилди.

Шунингдек, Ёшларнинг ижодий фаоллигини қўллаб-қувватлаш учун замонавий талабларга жавоб берадиган қулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида 2017 йил 4 августда Президент Ш.Мирзиёевнинг "Ёшлар симфоник оркестрини қўллаб-қувватлаш тўғрисида"ги Ф-5009 сонли яна бир муҳим фармони эълон қилинди. Бу фармон республикада амалга оширилаётган Ёшларга оид давлат дастури вазифаларини ҳаётга тадбиқ этишда муҳим омилларидан бири бўлишига шубҳа йўқ.

2017 йилнинг август ойи Ўзбекистонда санъат ва маданият соҳаси билан боғлиқ янгиликларга бой бўлди. 2017 йилнинг август ойида яна Президент Ш.М.Мирзиёевнинг ПҚ-3176 сонли "Миллий кинематографияни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори эълон қилинди. Маълумки, Ўзбек кино санъати бир асрдан зиёд тарихга эга бўлиб, бу соҳа ўзига хос тараққиёт йўлини босиб ўтган. Бу давр мобайнида ўзбек киносининг пойдевори яратилиб, у Ўзбек халқининг маданий-маънавий ҳаётида муҳим ўрин эгаллаган.

Мустақиллик йилларида миллий кинематография ривожига республика ҳукумати томонидан қаратилаётган катта эътибор натижасида соҳада муайян ютуқларга эришилди. Мазмун ва шакл жиҳатидан ранг-баранг кино асарлар яратилиб, улар томошабинлар эътиборини қозонди. Айни вақтда бугун жаҳонда кечаётган глобаллашув жараёнлари, республикада жамиятнинг барча соҳаларини модернизация қилиш ва янгилашнинг устувор вазифалари барча соҳа ва тармоқлар қаторида кино санъати фаолиятини ҳам такомиллаштириш, соҳа ривожини учун янги имкониятлар яратишни талаб этмоқда. Бироқ, шу ўринда қайд этиш жоизки, кинематография соҳасида норматив-ҳуқуқий базанинг мукамал эмаслиги, кино ишлаб чиқарадиган етакчи корхоналар, жумладан "Ўзбекфильм", "Қорақалпоқфильм" ҳамда "Илмий-оммабоп ва ҳужжатли фильмлар" киностудияларининг моддий-техника базаси жисмоний ва маънавий жиҳатдан эскиргани, кинофильмларни молиялаштириш тизимининг бугунги кун талабларига жавоб бермаслиги, кинотеатрлар ва малакали кадрлар етишмаслиги соҳа ривожига салбий таъсир кўрсатаётгани айтиш ҳақиқатдир.

Юқоридагиларни ҳисобга олиб, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифаларга асосланиб, ўзбек халқи, аввало, юрт ёшлари онгига миллий истиқлол ғояларига садоқат, миллий ва умумбашарий қадриятларга ҳурмат, Она-Ватанга муҳаббат туйғуларини сингдиришда катта таъсир кучига эга бўлган кино санъатининг ролини ошириш, "Ўзбеккино" Миллий агентлигининг фаолиятини такомиллаштириш мақсадида чора тадбирлар режаси ишлаб чиқилди. Жумладан, 2018 йилда - 20 та, 2020 йилдан бошлаб - 30 тадан тўлиқ метражли бадиий фильмлар ишлаб чиқариш, 2018 йилда - 40 қисмдан

иборат 20 та, 2019 йилда - 50 қисмдан иборат 25 та ва 2020 йилдан бошлаб - 60 қисмдан иборат 30 та ҳужжатли, илмий-оммабоп, ўқув-услубий фильмлар, киносолномалар, киножурналлар ишлаб чиқариш, мультипликацион фильмларни 2018 йилда 15 та, 2022 йилдан бошлаб ҳар йили 50 тадан ишлаб чиқариш, ёш кино ижодкорларнинг 10 соатдан иборат қисқа метражли фильмлари, болалар учун юмористик киножурналлар суратга олиш, давлат буюртмаси асосида ишлаб чиқарилган фильмларни жаҳон бозорига чиқариш ва фестивалларда намойиш этиш учун чет тилларга субтитрлаштириш ва дубляж қилиш, миллий кинематографиянинг энг сара асарларини тиклаш, реставрация қилиш ва замонавий форматга ўтказиш бўйича аниқ вазифалар белгилаб берилди.

Булардан ташқари ушбу қарорга мувофиқ яна бир тузилма - миллий кинематография санъатини замон талаблари асосида ривожлантириш, ёш кино ижодкорларни қўллаб-қувватлаш мақсадида "Ўзбеккино" Миллий агентлиги ҳузурида Миллий кинематографияни ривожлантириш жамғармаси ташкил этилмоқда. Шунингдек, қарорда "Ўзбеккино" Миллий агентлиги, Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги ҳамда Ўзбекистон ёшлар иттифоқи томонидан билдирилган таклифлар асосида кинофильмлар намойишини самарали ташкил этиш, аҳоли, айниқса, ёшларга маданий хизмат кўрсатиш учун шароит яратиш мақсадида мамлакатимиздаги мавжуд ёшлар марказлари, маданият ва аҳоли дам олиш марказлари, лицей ва коллежлар биноларидан фойдаланган ҳолда, "Ўзбеккино" Миллий агентлиги ҳузурида Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда таркибида кичик киностудиялари ва замонавий форматдаги кинозаллари бўлган минтақавий маданий-кўнгилочар комплекслар бунёд этиш вазифаси ҳам белгилаб берилди.

Юқорида келтирилган маълумотларнинг мантиқий давоми сифатида таъкидлаш ўринлики Ўзбекистонда мустақиллик йилларида маданият соҳасини изчил ривожлантириш, жаҳон миқёсидаги ижобий тажриба ва тенденциялар, ютуқ ва натижаларни ҳар томонлама чуқур ўрганиш асосида маданият ва санъат муассасалари фаолиятини самарали йўлга қўйиш, уларнинг тармоғини кенгайтириш, моддий-техник базаси, кадрлар салоҳиятини мустаҳкамлаш масалаларига алоҳида эътибор бериб келинмоқда.

Айни шу мақсадда 2002 йилда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонида биноан Тошкент давлат консерваторияси учун янги бино қурилиб, у замонавий талаблар асосида жиҳозланиб, "Ўзбекистон давлат консерваторияси" номи берилди, ҳамда консерватория қошида иқтидорли ёшлар учун академик мусиқа лицейи ҳам ташкил этилди. Аммо, Ўзбекистон давлат консерваторияси фаолиятининг танқидий таҳлили шуни кўрсатдики, ўтган давр мобайнида ушбу олий таълим муассасаси томонидан академик ва миллий мусиқа санъати йўналишларида юқори малакали кадрлар тайёрлаш, ўқув-педагогик ва илмий-ижодий ишларни ташкил этиш борасида муайян ютуқларга эришилганлиги билан бир қаторда, жиддий камчилик ва нуқсонларга ҳам йўл қўйилган. Юқоридагиларни ҳисобга олган ҳолда, ёшларимизнинг дунёқараши, маънавий савияси ва эстетик тарбиясини юксалтиришда гоаят муҳим ўрин ва аҳамиятга эга бўлган мусиқа санъатини ҳар томонлама ривожлантириш, бой мусиқий меросимизни чуқур ўрганиш, ёш авлодни миллий ва жаҳон мусиқа санъатининг мумтоз намуналарига муҳаббат руҳида тарбиялаш, соҳа учун юқори малакали кадрлар тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш мақсадида Президент Шавкат Мирзиёевнинг "Ўзбекистон давлат консерваторияси фаолиятини янада

ривожлантириш ва такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида" ги қарори эълон қилинди.

Ушбу қарорга кўра Ўзбекистон давлат консерваторияси фаолиятини янада ривожлантириш ва такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар дастури ишлаб чиқилди. Ушбу дастурга кўра Ўзбекистон давлат консерваториясининг фаолиятини тубдан такомиллаштириш ва ривожлантириш бўйича бир қатор аниқ режа ва вазифалар ишлаб чиқилди. Бу эса Ўзбекистон ҳукумати томонидан санъат ва маданият соҳасига берилаётган эътиборнинг яққол ифодасидир.

Санъат ва маданият соҳасини тараққий топишида шоир ва ёзувчиларнинг ўрни беқиёс албатта. Бу муҳим ҳақиқатни ҳеч қачон унутмаслик керак. Ўзбекистон ҳукумати томонидан айнан шу соҳада қалам тебратаётган зиёлилар учун ҳам "2017 йил муҳим воқеаларга бой бўлди", - десак муболаға бўлмайди. Маданият ва санъат ташкилотлари, ижодий уюшмалар ва оммавий ахборот воситалари фаолиятини янада ривожлантириш, шу соҳада меҳнат қилаётган, ўзининг бадиий, ижтимоий-сиёсий руҳдаги ижодий асарлари билан Ўзбекистон халқи маънавиятини юксалтириш, жамиятимизда тинчлик-осойишталик, ўзаро ҳамжиҳатлик ва меҳр-оқибат муҳитини мустаҳкамлашга муносиб ҳисса қўшаётган шоир ва ёзувчилар, рассомлар, маданият ва санъат ходимлари, журналистлар меҳнатини рағбатлантириш бўйича қўшимча шароитлар яратиш мақсадида 2017 йилнинг 14 август куни "Маданият ва санъат ташкилотлари, ижодий уюшмалар ва оммавий ахборот воситалари фаолиятини янада ривожлантириш, соҳа ходимлари меҳнатини рағбатлантириш бўйича қўшимча шароитлар яратишга доир чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПҚ-3201 сонли қарори эълон қилинди. Ушбу қарорда Ўзбекистон зиёлиларини моддий жиҳатдан қўллаб қувватлаш, уларни самарали ижод қилишлари учун барча шарт-шароитларни яратиш бўйича чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилиб, вазифалар белгилаб берилди. Бу эса мамалакат зиёлиларига маънавий жиҳатдан қувват бериб, уларнинг руҳларини кўтариб юксак савиядаги асарлар яратишида муҳим омил бўлишига ишониш мумкин.

2017 йилда Ўзбекистон Президенти Ш.М.Мирзиёев томонидан Ўзбек миллий санъати ва маданиятининг қадимий марказларидан бири бўлган, кўплаб атоқли санъат ва маданият намояндалари етишиб чиққан Фарғона водийсининг бу борадаги алоҳида ўрни ва нуфузини, ижодий салоҳиятини ҳисобга олган ҳолда, истеъдодли ёшларни ўзбек ва жаҳон санъатининг юксак намуналарига ҳурмат руҳида тарбиялаш, уларнинг ижодий қобилият ва интилишларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ҳамда рўёбга чиқариш, Фарғона водийси вилоятлари учун театр, халқ ижодиёти соҳаси бўйича актёрлар, маданиятшунослик ва санъатшунослик йўналишида юқори малакали мутахассислар тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш мақсадида "Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтининг Фарғона минтақавий филиалини ташкил этиш тўғрисида"ги ПҚ-3218-сонли қарори қабул қилинди.

Қарорга мувофиқ маданият ва санъат соҳасида фундаментал билим ва тушунчалар, тарихий ва замонавий анъаналар, инновация технологияларини, давлат стандарти бўйича белгиланган билим ва малакаларни пухта эгаллаган олий маълумотли мутахассис кадрлар тайёрлаш, тайёрланаётган мутахассис кадрларга меҳнат бозоридаги реал талаб ва эҳтиёжлардан келиб чиққан ҳолда, юқори сифатли билим ва малака бериш, битирувчиларни ишга жойлаштириш бўйича буюртмаларни шакллантириш, профессор-ўқитувчилар таркибининг ўз касб соҳасидаги билим ва тажрибаси, илмий-ижодий салоҳияти ва педагогик

маҳоратини доимий равишда ошириш, таълим жараёнига замонавий педагогик ва инновацион технологияларни, маданият ва санъат соҳасида илм-фан бўйича эришилган илғор ютуқларни татбиқ этиш, филиалнинг асосий вазифалари этиб белгиланди. Бугунги кунда Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтининг Фарғона филиалида ишлаб чиқилган дастурга мувофиқ унинг дастлабки тингловчилари таҳсил олмақдалар. Ўтган қисқа вақт давомида Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтининг Фарғона филиалида бир мунча ижобий ишлар амалга оширилди.

Хусусан филиалда бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 17 ноябрдаги "Ўзбек миллий мақом санъатини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорини амалиётга татбиқ этиш мақсадида "Миллий мақом санъати" мактаби, ҳамда бугунги кунда ЮНЕСКОнинг инсоният номоддий маданий меросининг репрезентатив рўйхатига киритилган халқ оғзаки ижодининг нодир намунаси ҳисобланган миллий аския санъатини янада ривожлантириш мақсадида "Аския" мактаблари иш бошлади.

Филиалда таҳсил олаётган талабаларга Ўзбекистон халқ артисти Шафоат Рахматуллаева, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар Ж.Пўлатов, Х.Умаровалар касб сирларини ўргатиб келмоқдалар. Филиалга Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтининг тажрибали профессор-ўқитувчилари ҳам ҳар томонлама қўмак бериб келмоқдалар. Жумладан хозиргача Филиал талабаларига Халқ артисти С.Маннопов, профессорлар Мунаввара Абдуллаева, Махсума Ҳожиматовалар томонидан мастер-класслар ташкил қилинди.

Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтининг Фарғона филиали жамоаси бугунги кунда водийнинг бир қатор мусиқали драма театрлари жамоалари билан ҳамкорликда самарали иш олиб бормоқда, хусусан жорий йилда Филиал талабалари Қўқон давлат мусиқали драма театри жамоаси билан биргаликда диний экстремизм ва фундаментализмнинг салбий оқибатларини очиб берувчи "Хазон бўлган умр" спектаклини саҳналаштирдилар. Бу албатта бошланиши, келажакда ушбу филиал талабалари орасидан Ўзбекистон ва жаҳонда машҳур бўладиган буюк санъаткорлар етишиб чиқишига барча асослар бор.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки юртимизнинг яна бир қадимий ва ҳамиша навқирон бўлган Қўқон шаҳри 2019 йил 10-15 сентябрь кунлари яна бир халқаро фестивалга мезбонлик қилди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2018 йил 1 ноябрдаги "Халқаро ҳунармандчилик фестивалини ўтказиш тўғрисида"ги қарорига мувофиқ Қўқонда биринчи халқаро ҳунармандчилик фестивали ўтказилди. Эътиборли жиҳати, жаҳон ҳунармандчилик Кенгашининг 2019 йилнинг 23 июлидаги қарорига кўра, Қўқон шаҳрига ёғоч ўймакорлиги бўйича Ҳунармандчилик шаҳри мақоми берилган. Шу кунгача жаҳоннинг турли мамлакатларидаги 35 та шаҳар мазкур мақомга сазовор бўлган. Қўқон шаҳри Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига аъзо давлатлар ичида биринчи бўлиб ушбу рўйхатга киритилди.

Фестивалда Ўзбекистоннинг 153 туманидан ҳунармандчиликнинг 34 йўналиши бўйича 1116 нафар ҳунарманд ва 87 нафар ташкилотчилар иштирок этди. Фестивалда 78 та давлатдан ҳунармандчиликнинг 29 та йўналиши бўйича 200 га нафарга яқин хорижлик ҳунармандлар қатнашдилар. Шунингдек, фахрий меҳмон сифатида 40 нафарга яқин юқори мартабали хорижлик давлат арбоблари ва олимлар иштирок этдилар. Фестиваль доирасидаги ташкил этилган илмий-амалий конференцияда 24 давлатдан 28 нафар хорижлик олимлар ва 6 нафар Ўзбекистонлик

олим иштирок этишди. Бу ҳам Ўзбекистонда ҳалқ амалий санъатини асраб-авайлашга бўлган эътиборнинг нақадар кучлилигидан далолат беради.

Юқоридагилардан кўринадикки бугунги кунда Ўзбекистон Республикасида санъат ва маданият соҳасига ҳар доимгидан ҳам эътибор катта, буни яна Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан Республикадаги барча театрларни етук ва малакали мутахассислар билан таъминлаш, театрларнинг олий маълумотли кадрларга бўлган эҳтиёжларини қондириш ва уларни тайёрлаш тизимини сифатли ташкил этишни янада такомиллаштириш мақсадида қабул қилинган "Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтида актёрлик санъати таълим йўналишида махсус сиртқи бўлимни ташкил этиш тўғрисида"ги қарорида ҳам кўриш мумкин.

Таъкидлаш жоизки, санъат гўзаллик, яхшилик ва эзгуликни ўзида акс эттириши керак. Санъат ва маданиятга ошуфта қалблар доимо эзгуликка интиладилар. Санъат аҳли инсон қалбидаги ички гўзалликни кўра олиши ва унга эзгулик улашиши зарур. Санъатнинг мақсади ҳам инсонларга маънавий озуқа бериш бўлиб, инсонни ахлоқий комилликга етаклаш санъатнинг асл муддаоси бўлиши шарт.

Маълумки, "Фольклор санъати бу - инсониятнинг болалик кўшиғидир", Халқ дostonлари фақат севги-муҳаббат тараннуми эмас, балки маданият, маърифат, тарбия воситаси бўлиб келган. Ёзма манбалар бўлмаган қадимги даврлардаёқ аждодларимиз оғзаки ижод орқали авлодларга мардлик, яхшилик, ҳалоллик, ватанпарварлик, дўстлик ибратини етказган. Шу жиҳатдан, бахшилар эзгулик элчилари бўлган ва ҳамиша эъзозланган. Зеро, "Бахшилар нафақат халқ ўтмишининг акс-садоси, айни пайтда бугунги куннинг ҳам жарангдор овозидир".

Бугунги глобаллашув замонида келиб ушбу тарихий санъат эътибордан четда қолди. Катта бахшилар кексайиб, кўп жойларда бу мерос унутилиб бораётган эди. Чунки эътибор, қизиқиш, рағбат йўқ эди. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан Сурхондарёда бахшичилик мактаби ташкил этилгани уни асраб-авайлаш, ёш авлодга етказиш учун яхши шароит яратди.

2018 йил 1 ноябрь куни бу соҳага доир яна бир тарихий қарор "Халқаро бахшичилик санъати фестивалини ўтказиш тўғрисида"ги ПҚ-3990 сонли Президент қарори қабул қилинди. Унга кўра, Сурхондарё вилоятида Халқаро бахшичилик санъати фестивали икки йилда бир марта ўтказилади, дostonчилик санъатини асраб-авайлаш ва кенг тарғиб қилиш, турли халқлар ўртасида дўстлик ва ижодий ҳамкорликни мустаҳкамлашга хизмат қилади. Ўзбек бахшичилик мактаби дунёга Эргаш Жуманбулбул ўғли, Исом шоир, Фозил Йўлдош ўғли, Пўлкан шоир, Бола бахши, Эсемурат жиров, Шерна бахши, Мардонақул Авлиёқул ўғли, Қодир бахши Раҳимов сингари машҳур намояндalарни етказиб берган.

Бугунги кунда ана шу ижодий анъаналар уларнинг издошлари бўлмиш Шомурод Тогаев, Шоберди Болтаев, Абдуназар Поёнов, Қаҳҳор ва Абдимурод Раҳимовлар, Қаландар бахши, Гулнара Аллембергенова, Файратдин Отемуратов, Шодмон Хўжамбердиев, Илҳом Норов каби ўнлаб истеъдодли ижрочилар томонидан янада бойитилмоқда. Уни илмий жиҳатдан ўрганиб, келажак авлодга етказишда эса атоқли шоир Ҳамид Олимжон, Ҳоди Зариф, Музайяна Алавия, Мансур Афзалов, Буюк Каримий, Зубайда Ҳусаинова сингари фан арбобларининг ҳиссаси беқиёсдир. Бугунги кунга келиб эса юқоридаги олимларнинг ишларини Тўра Мирзаев, Маматқул Жўраев, Жаббор Эшонқулов, Жалғас Хушниёзов, Сафарбой Рўзимбоев, Шомирза Турдимов, Тоштемир Турдиев, каби олимлар муносиб давом эттирмоқдалар.

Таъкидлаш жоизки ушбу санъатга бугунги кунда нафақат ўзбек олимлари балки

чет эллик олимлар ҳам ўз этиборини қаратган, ҳозирда ўзбек миллий фольклор санъатини чуқур ўрганиб, уни дунё миқёсида кенг тарғиб этиб келаётган корейлик Инг-Ёнг О, германиялик Карл Райхил, туркиялик Фикрат Туркман, Селами Фидакор сингари хорижий олимлар алоҳида қайд этиш жоиз. Термиз шаҳрида илк бора 2019 йил 5-10 апрель кунлари ўтказилган ушбу фестивалда 74 та мамлакатдан 160 дан зиёд вакиллар қатнашди. Фестивалнинг жаҳоннинг 20 га яқин ахборот агентликлари, маданий-маърифий сайтлар, ижтимоий тармоқлар, теле ва радио каналларида мумтоз санъат тури фаолиятини тарғиб қилишга доир материаллар, таҳлилий мақола ва кўрсатувлар, эшиттиришларнинг доимий ёритиб борилганлиги ҳам ушбу тадбирнинг нуфузини янада оширди.

Юқоридагилардан кўринадики туркий халқларнинг миллий ўзлигини, уларнинг тили ва ҳаёт тарзини, анъана ва урф-одатларини ифода этадиган бахшичилик санъати умумбашарий маданиятнинг узвий қисми бўлиб, ўлмас маънавий мерос сифатида эъзозланади. Юртбошимиз Ш.М.Мирзиёев такидлаганларидек, "Жаҳон маданий меросининг бу ўлмас асарлари бизга инсониятнинг наслу насаби, тарихий илдизлари, олижаноб идеаллари бир эканини, бинобарин, турли миллат ва элат вакилларининг келажак сари интилишлари ҳам муштарак эканини англатади".

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 18 май 371-сонли қарорига асосан 2019 йилнинг 11-13 июль кунлари Фарғона вилоятининг Марғилон шаҳрида биринчи "Буюк Ипак Йўли" Халқаро Фольклор Муסיқа фестивали ўтказилди. Ушбу фестивалга Эрон, Ҳиндистон, Франция, Россия, Жанубий Корея, Япония, Монголия, Туркия каби хорижий давлатлардан фольклор жамоалари иштирок этди. Шунингдек 80 га яқин давлатлардан хорижий сайёҳлар келганлиги, анжуман том маънода Фарғона вилоятининг туристик салоҳиятини юксалтириш, муқаддас қадамжоларни янада обод қилиш ва миллий санъатимизнинг қудратини дунёга тараннум этишда муҳим аҳамиятга эга эканлигини кўрсатди.

Ушбу йилда юртимиз яна бир халқаро фестивалга мезбонлик қилди, маълумки дунё халқлари ўртасида ҳамкорлик ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш, муסיқа санъати анъаналарини асраш ва ривожлантириш, маданиятлараро мулоқотни кучайтиришга қаратилган эзгу мақсадларни ўзида мужассам этган, ЮНЕСКО халқаро ташкилоти томонидан муסיқа оламининг йирик форуми сифатида эътироф этилган ҳар йили анъанавий тарзда ўтказилиниб келинадиган "Шарқ тароналари" муסיқа фестивали бу йил ҳар йилгидан ҳам файзли ва жозибали ўтди. Президентимизнинг 2019 йил 26 февралдаги қарорига мувофиқ Самарқанд шаҳрида 2019 йилнинг 26-30 август кунлари "Шарқ тароналари" халқаро фестивалини ўн иккинчи марта ўтказиш бўйича чора тадбирлар режаси белгилаб берилди.

Маълумки, "Шарқ тароналари" Халқаро муסיқа фестивалидан кўзланган асосий мақсад - халқлар ўртасида дўстлик ришталарини мустаҳкамлаш, дунё тинчлиги, халқлар ўртасида дўстлик ва аҳилликни кенг тарғиб этиш, Шарқ халқлари муסיқа санъатларини ривожлантириш ва унинг аҳамиятини янада ошириш, Ўзбекистон ҳамда бошқа давлат халқларининг муסיқа санъати анъаналарини қамраб олиш, улар билан яқиндан илмий ва ижодий мулоқотлар ва ҳамкорлик қилиш, Шарқ мамлакатлари муסיқа санъатининг анъаналарини асраш, маданий мулоқотни янада ривожлантириш, Шарқ халқлари анъанавий муסיқа санъати соҳасидаги илмий ўрганиш ва изланишларни ҳамкорликда амалга ошириш, ўзаро тажриба алмашиш, давра суҳбати, тақдимот ва маҳорат дарсларини ташкил этишдан иборат.

"Шарқ тароналари" ўн иккинчи халқаро муסיқа фестивалининг бу йилги

дастурига бир қанча янгиликлар киритилди. Фестивалга 80 га яқин давлатдан хонанда ва созандалар, бадийий жамоа ва ансамбллар, санъат ва мусиқашунослар иштирок этдилар.

Юқорида белгилаб берилган вазифаларни амалга ошириш ўз-ўзидан бўлмайдиган албатта. Аммо, ўзбек миллий санъати ва маданиятини асраб авайлаш ва уни келажак авлодга етказиш Ўзбекистон халқи олдида турган долзарб вазифаларидан биридир. Уни амалга ошириш эса миллатнинг ҳар бир зиёли вакили олдидаги муқаддас бурчдир.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида"ги Фармони. // Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами. - Тошкент: 2017.

2. Мирзиёев Ш.М. Адабиёт ва санъат, маданиятни ривожлантириш - халқимиз маънавий оламини юксалтиришнинг мустаҳкам пойдеворидир // Ўзбекистон ижодкор зиёлилари вакиллари билан учрашувдаги маърузаси. //Халқ сўзи. - 2017. 4 авг.

МАДАНИЯТ ЧОРРАҲАЛАРИ ПЕРЕКРЁСТОК КУЛЬТУРЫ CROSSROADS OF CULTURE

Умарова Хурсаной

Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган артист

Усмонов Шамсиддин Юлчибаевич

Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтининг


Фарғона минтақавий филиали директори, доцент

Саттаров Акмалжон Иброҳимович

Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтининг

Фарғона минтақавий филиали директори ўринбосари

САНЪАТГА БАҒИШЛАНГАН УМР

 <http://dx.doi.org/10.26739/2181-0737-2019-4-2>

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада узоқ йиллар давомида Қўқон ва Фарғона шаҳарларидаги театрлар, шунингдек бошқа санъат ва маданият муассаларида раҳбарлик лавозимида ишлаб келган, ўз касбига содиқ санъаткор шу давргача бирон кун бўлмасин ижодий меҳнат қилиш, элу-юрт ва халқига хизмат қилишдек шарафли ишдан тўхтамаган, таниқли театршунос Алижон Умаров фаолияти ёритилган.

Калит сўзлар: театр, санъат, мусиқали театр, спектакль, театршунос, ижод, санъаткор, раҳбар, режиссёрлик.

Хурсаной Умарова

Заслуженный артист Республики Узбекистан

Усмонов Шамсиддин Юлчибаевич

Государственный институт искусств и культуры Узбекистана

Директор Ферганского регионального филиала, доцент

Саттаров Акмалжон Иброҳимович

Государственный институт искусств и культуры Узбекистана

Заместитель директора Ферганского регионального филиала

ЖИЗНЬ ПОСВЯЩЁННАЯ ИСКУССТВУ

АННОТАЦИЯ

Эта статья является известным историком театра, который много лет работал в театрах и других художественных и культурных учреждениях в Коканде и Фергане и никогда не переставал чтить свою работу как творческого художника, служа

своей стране и народу. Деятельность Алижона Умарова освещена.

Ключевые слова: театр, искусство, музыкальный театр, спектакль, театральный теоретик, создатель, художник, режиссёр.

Hursanoy Umarova

Honored artist of the Republic of Uzbekistan

Usmanov Shamsiddin Yulchibayevich

State Institute of Arts and Culture of Uzbekistan

Director of Fergana regional branch, docent

Sattarov Akmal Ibrohimovich

State Institute of Arts and Culture of Uzbekistan

Deputy Director of Ferghana Regional Branch

LIFE DEDICATED TO ART

ANNOTATION

This article is a famous theater historian who worked for many years in theaters and other art and cultural institutions in Kokand and Ferghana and never ceased to honor his work as a creative artist, serving his country and people. The activities of Alizhon Umarov are highlighted.

Keywords: theatre, art, musical theatre, performance, theatre theorist, creator, artist, director, director.

Театр бу ойнайи равшандур, ким унда нимани кўришни хоҳласа шуни кўради. Ундаги асл моҳият ҳаёт қандай бўлса шундайлигича намоён бўлишидадур. Театр санъати ҳаётни, воқеа-ҳодисаларни, турли курашлар ва зиддиятларни, ички кечинмаларни драматик хатти-ҳаракатларда, актёр ижроси орқали акс эттиради. Бунда ёзувчи томонидан ёзилган пьеса ёки либреттога таянилади.

Театр фидоийлик талаб қилади. Ана шундай фидоий ижодкорлардан бири, театр санъатига улкан ҳисса қўшган Алижон Умаровнинг санъатга, жумладан, театр санъатига бўлган қизиқиши жуда ёшлигидан, мактабда ўқиб юрган кезларидан бошланган. Унинг санъатдаги ҳаёти ва фаолияти 1944 йилда II жаҳон уруши даврида Кўқонда ташкил этилган Ёш томошабинлар театрида актёрлик лавозимида ишга кирган кунидан бошланган.

Ёшлар театрида ишлаш даврида у ўзини биринчи устози, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби хожи Қурбон Назаров томонидан саҳналаштирилган таниқли болалар ёзувчиси Шукур Саъдуллонинг "Омонат" номли асарида унинг бош қаҳрамонларидан бири жасур ўзбек йигити Азамат, шу мавзуда ёзилган "Полк ўғли"да Охунбобоев, Гоголни "Уйланиш" асарида Анучкин, "Мардлик чўққиси"да мухандис, шунингдек, шаҳардаги Ҳамза номидаги мусиқали драма театрининг етакчи артисти Ўзбекистон халқ артисти Собоҳон Каримова томонидан саҳналаштирилган "Ёрил тош" мусиқали драмасида асарнинг бош қаҳрамони Гулноранинг ўғай акаси ролларини ёрқин ва ифодали қилиб ижро этиб, ёш томошабинлар ва уларнинг ота-оналарини ҳурмати ва эҳтиромига сазовор бўлади.

А.Умаров ёшлар театрида ижод қилиш билан бирга, шаҳардаги Ҳамза номи мусиқали драма театрининг спектаклларида ҳам қатнашиб, улардаги кичик ва эпизод ролларни ўйнаб, ўз касбий маҳорати ва тажрибасини орттира боради.

А.Умаров 1947 йилда биргина Қўқон шаҳри эмас, балки Фарғона водийсидан биринчи бўлиб II жаҳон урушидан сўнг Тошкентда очилган А.Н.Островский номидаги Ўрта Осиё театр санъати институтига ўқишга киради.

Институт раҳбарияти бу ёш ижодкорни илми, билими, санъаткорлик қобилияти ва маҳорати, Қўқон театридаги салкам тўрт йиллик тажрибасини ҳисобга олиб, уни бир йўла "Актёрлик" факультетини 2-курсига қабул қилади.

Бу санъат олийгоҳида А.Умаров ўзбек театрчилиги ва кино санъатининг келгусидаги йирик арбобларидан Ҳамид Абдуллаев, Ирода Алиева, Ҳамза Умаров, Лола Бадалова, Асил Алихўжаев ва Мушаррафхон Зайнутдиновалар билан бирга таҳсил ола бошлайди.

Уларга республикадаги йирик сахна усталари ва театр мутахассисларидан Жовод Обидов, Наби Раҳимов, Назира Алиева, Г.Березин ва Ҳолида Устабоевалар дарс беради.

А.Умаров институтдаги ўқиши давомида ўз курсдошлари билан тез-тез пойтахт театрларига бориб уларнинг репетицияларида қатнашиб, спектакллари томоша қилиб туради.

А.Умаров 1950 йили институтни аъло баҳолар билан тугаллайди. Курснинг диплом иши Ҳамзанинг "Бой ила хизматчи" спектаклида, унинг бош қаҳрамонларидан Солиҳ бой образини катта маҳорат билан ёрқин ва ҳаётий қилиб яратиб, давлат имтиҳон комиссияси ва институт раҳбарларининг таҳсинига сазовор бўлади.

Шундан сўнг институт раҳбарияти бу талабани билими, қобилияти, бадиий адабиёт ва санъатга бўлган эътиқодини назарда тутиб, соҳа бўйича илмий кадрлар тайёрлаш мақсадида, А.Умаров ва унинг курсдоши Х.Абдуллаевларни институтда қолиб "Театршунослик" факультетида ўқишни давом этдиришга маслаҳат беради ва ўқиш давомида уларни моддий томондан қўллаб-қувватлаб туришлик учун ассистентлик маошини ҳам тўлаб туришга ваъда беради.

Бу таклифларни мамнуният ва зўр хурсандчилик билан қабул қилган бу икки дўстни институт раҳбарияти бир йўла "Театршунослик" факултетининг III курсига қабул қилади.

А.Умаров энди, ўз курсдошлари билан театршунослик назарияси ва асосларини қунт билан ўрганишга киришади.

Бу факультетда дарслар фақат рус тилида олиб борилиб, унда Москвадаги Луначарский номидаги театр санъати институтидан таклиф қилинган йирик театршунос олимлар Мики Морозов, А.Т.Михайлов, К.Г.Березин, театр тарихи бўйича ёш мутахассис Х.Д.Устабоевалар дарс беради эди.

А.Умаровга диплом иши учун Қўқондаги Ҳамза номли мусиқали драма театрининг тарихини ёзиш топширилади. Бунга институтнинг директори, 1932-1935 йилларда Қўқон театрида директорлик лавозимида ишлаб келган М.В.Верхацкийни ўзи раҳбарлик қилади.

А.Умаров 1952 йили институтни муваффақият билан тугаллагач, шу йили уни собиқ Ўзбекистон Олий Совети қошидаги санъат бош бошқармасининг бошлиғи Али Муҳсиновнинг йўлланмаси билан Қўқондаги Ҳамза номли мусиқали драма театрига директор муовини лавозимига ишга юборилади.

А.Умаров ўзи билан Қўқон театрига шу йили театр институтини "Актёрлик факултети"ни битирган ёш мутахассислар Тўйчи (Мирҳосил) Орипов, Машрабхон Раҳимова, Рихси Орифжонов, Саъдулло Анорқуловларни ҳам етаклаб келади. Театр ижодий жамоасини олий маълумотли, ёш мутахассис кадрлар билан тўлдириш

ва мустаҳкамлаш ишига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшади.

Бу ёш мутахассис-раҳбар, театрда асосан илмий, ижодий ва тарбиявий ишлар билан шуғулланиш билан бирга, молия-хўжалик ва ташкилий ишларни ҳам бошқара боради.

Ўша даврда А.Умаров Фарғона водийсида яккаю-ягона театршунос бўлгани учун, ундан мақсадли ва унумли фойдаланишлик мақсадида, 1954 йили уни Фарғона вилояти бош бошқармасининг буйруғи билан шу бошқармада санъат ишлари бўйича катта инспекторлик лавозимида ишлашлик учун Фарғона шаҳрига олиб кетилади.

А.Умаров Фарғонада ишлаш даврида, вилоятнинг барча профессионал ва халқ театрлари, музейлар, мусиқа мактаблари, шунингдек, бадий ҳавоскорлик тўғараклари устидан назорат ишларини олиб боради. Шу билан бирга вилоятда ҳар йили ўтказилиб туриладиган миллий ва анъанавий байрамлар, халқ сайиллари, вилоят ва республика миқёсидаги фестивал ва кўрик-танловларни ташкил қилиш ва ўтказишда фаол қатнашиб туради.

А.Умаров ўзининг Фарғонадаги 17 йиллик меҳнат фаолияти даврида, вилоят халқ ижодиёти уйининг ташкилотчиси ва директори, М.Горький (ҳозирги Юсуфжон Шакаржонов) номидаги вилоят мусиқали драма ва хажвия театрининг директори, 1966-1968 йилларда бир вақтнинг ўзида, М.Горький номли вилоятлараро рус драматик театрида ҳам ўриндош сифатида театр директори, вилоят маданият бошқармаси бошлигининг муовини лавозимларида ишлаб келади.

Шу давр ичида у икки мартаба Москвада, собиқ СССР Маданият министрлиги қошида очилган иттифоқдош республикалар халқ ижодиёти уйлари ва театр директорларини бир ойлик малака ошириш курсларида ўқиб келади.

1966 йилда Тошкентда ўтказилган Ўзбекистон зиёлиларининг I съезида иштирок этади. 1969 йилда Москвада ўтказилган III ўзбек адабиёти ва санъати декадасида Фарғона вилоятидан бориб қатнашган санъаткорларнинг раҳбари сифатида қатнашади.

А.Умаров вилоят халқ ижодиёти уйининг директори лавозимида ишлаган даврида, ҳар йили баҳор палласида, вилоят маркази Фарғона шаҳрида, Москвада малака ошириш курсида ўқиган пайтида, пойтахт санъаткорлари ва маданият ходимларидан ўрганиб келган, ҳаваскорлик халқ драматик тўғаракларини бир ойлик "Театр баҳори" номли кўрик-танловини ўтказиб туради. Кўрик-танловда юқори ўринларни эгаллаган драматик жамоалар ва кўзга кўринган истъедодли ёш ҳаваскор йигит-қизларни "Фаҳрий ёрлик", "Диплом" ва қимматбаҳо эсдалик совғалари билан мукофотлаган.

А.Умаров Ўзбекистон маданият министрлигининг буйруғига асосан 1959-1961 йилларда вилоят халқ ижодиёти уйи қошида, Фарғона водийси бўйича 3 ойлик вилоятлараро драматик ва мусиқа тўғараклари раҳбарларини тайёрлов курсини очиб, унда Фарғона, Андижон ва Наманган шаҳарларидан келган ёшларни ўқитиб туради.

1961 йилда А.Умаров Кўқон театрининг раҳбарияти ва ижодий жамоасининг талабига биноан, вилоят маданият бошқармасининг буйруғига асосан, оила аъзолари билан Кўқонга қайтиб, 1989 йилгача, яъни меҳнат пенсиясига чиққанига қадар, театрдаги катта-кичик раҳбарлик лавозимларида, жумладан театр директорини муовини ва театр директори бўлиб ишлаб келади.

А.Умаров нафақага чиққан бўлса ҳам лекин ўтган йиллар мобайнида бир кун бўлса ҳам меҳнат қилишдан тўхтагани йўқ. Шу давр ичида у талаб ва таклифларга

биноан шаҳар ҳокимлигининг маданият ишлари бўлимини "асосий ишлар" бўйича катта инспектори, Занжирали Мирзатов номидаги халқ театрининг режиссёри, шаҳардаги "Янги обод" номи 52-маҳалла фуқаролар йиғинининг ташкилотчиси ва оқсоқоли, 2003 йилнинг бошидан бошлаб то 2007 йилнинг охиригача Ҳамза номидаги шаҳар театрининг адабий эмакдоши лавозимларида ишлаб, ижодий меҳнат қилиб келди.

А.Умаров санъат ва маданият соҳасида ишлаш давомида, ўзининг ёшлиқдан меҳр қўйиб ишлаган актёрлик касбини унутгани йўқ. У Фарғона ва Қўқон театрларига раҳбарлик қилиб юрган кезларида, ҳар иккала театр саҳнасида яратилган "Йўлчи юлдуз" спектаклида, инглиз разведкачилари Маллисон ва Бейли, Қўқон театрида саҳналаштирилган "Дўст нидоси" асарида Афғонистон соғлиқни сақлаш вазири образларини чуқур талқин қилиб, уларни характери, ички-ташки дунёси ва олий мақсадини ёрқин бадиий бўёқлар билан очиб бера олди.

А.Умаров актёрлик касби билан бирга, ёшлигиданоқ режиссёрлик санъатига ҳам катта меҳр қўйиб келган. Шу боис у Тошкентдаги театр санъати институтида ўқиб юрган кезларида "Беш ёғоч" даҳасидаги 75-сонли ўрта мактабда очилган бадиий ҳаваскорлик тўғарагига раҳбарлик қилиб, унинг саҳнасида рус драматурги С.Михалковнинг "Уйимга кетаман" номи пьесасини саҳналаштирган. Ёшлар ижросидаги бу спектакль муваффақиятли чиққан. Бу ҳақида 1950 йилда республика ёшлар газетасида босилган мақолада билдирилган фикр ва мулоҳазалар бунга ёрқин мисол бўла олади.

А.Умаров Фарғонада вилоят маданият бошқармасида ишлаб юрган йилларида Марғилон шаҳридаги маданият уйи қошида очилган "Нурхон" номидаги халқ театрида ҳам ўриндош сифатида бош режиссер лавозимида ишлаб, дастлаб унинг саҳнасида Ҳамзанинг "Заҳарли ҳаёт" (ёхуд "Ишқ қурбонлари") асарини саҳналаштиради.

Спектакль шаҳар томошабини ҳамда ёш йигит-қизларига маъқул ва машҳур бўлган бу спектакль узоқ йиллар давомида халқ театри саҳнасидан тушмай, унинг репертуаридан мустаҳкам ўрин олади. А.Умаров кейинчалик бу фожиавий асарни мусиқали намунасини яратиб уни 1999 йили Қўқондаги З.Мирзатов номидаги халқ театри саҳнасида қўйишга муваффақ бўлади. Асарни саҳнага қўйилишида, унинг жанри ва ғоявий мазмундан келиб чиқиб Ҳамзанинг ўз шеърлари, ўзбек халқ ва мумтоз куй қўшиқларидан унумли ва мақсадли фойдаланилгани, спектаклни бадиий қийматини оширишга катта омил бўлади.

"Заҳарли ҳаёт"дан сўнг А.Умаров Марғилон халқ театри саҳнасида биринкетин Уйғуннинг "Шубҳа", маҳаллий драматург Х.Усмоновнинг "Фарзанд доғи" асарларини қўйиб, томошабинларни обрў-ҳурмати ва таҳсинига сазовор бўлади.

Бу ҳақда "Марғилон ҳақиқати" газетасининг 1971 йил 9 июль № 98 (7025) сонидан босилган "Фарзанд доғи", "Коммуна" газетасининг 1971 йил 24 июль сонидан босилган "Фарзанд доғи", "Марғилон ҳақиқати" газетасининг 1971 йил 19 сонидан босилган "Шубҳа", "Ферганская правда" газетасининг 1971 йил 23 февраль 38 (13958) сонидан босилган "Разрешенное сомнение", "Марғилон ҳақиқати" газетасининг 1961 йил 24 январдаги "Халқ олқиши", "Ўзбекистон хотин-қизлари" журналининг 1961 йил 2 сонидан босилган "Марғилон халқ театри", ёзувчилар А.Аркаева ва И.Тихоновларнинг Тошкент шаҳридаги "Ўзбекистон ССР давлат нашриёти" томонидан чоп этилган "Маргеланские народные таланты" китоби ёрқин мисол бўла олади.

А.Умаров ўзи директорлик қилиб юрган кезларида, Фарғона театри саҳнасида

қўйган маҳаллий драматург Муҳаммаджон Хайруллаевнинг "Гавҳар" номли драмаси ҳам театр мухлислари ва мутахассисларида яхши таассурот қолдирган. Спектакль Фарғонада ўйналишидан ташқари, 1968 йилда Андижон ва Наманган вилоятларида ўтказилган ёзги гастрол сафари даврида томошобинлар, шу ерлик театр ва маданият ходимларига ҳам маъқул ва манзур бўлган.

А.Умаров санъат ва маданият соҳасидаги тажрибали раҳбарлардан бири, театр мутахассиси сифатида вилоятдаги профессионал ва халқ театрларининг янги спектакль ва концерт дастурларини тайёрлаш жараёни ва уларни театр бадиий кенгаши ва жамоатчилик кўрикларида фаол қатнашиб, уларни ғоявий ва бадиий жиҳатдан юксак саҳна асарлари бўлиб чиқиши учун доимо катта ғамхурлик ва жонбозлик кўрсатилиб келган. Уларни шаҳар, туман, вилоят ва республика матбуотида ёритиб турган.

А.Умаровнинг ярим асрдан ортиқроқ давр давомида, республика матбуоти, шунингдек қўшни республикаларнинг газеталарида чоп этилган 200 га яқин мақола, тақриз ва ижодий портретлари Қўқондаги вилоят ўлкашунослик музейи фондида сақланиб келмоқда.

Ҳозирги кунда А.Умаров ўзбек миллий театри санъатининг машҳур саҳна усталаридан Ўзбекистон халқ артисти Муроджон Аҳмедовнинг ҳаёти ва ижодий фаолияти ҳақида ёзган "Олтин водий куйчиси" деб номланган китобини нашрга тайёрлаб қўйган.

Шу билан бирга у республикамизнинг энг тўнғич театрларидан бири "Қўқон театрининг тарихи" китоби устида ҳам астойдил иш олиб бормоқда.

А.Умаров театр санъати соҳасида тажрибали ва омилкор мутахассис сифатида, доимо ўзи раҳбарлик қилиб келган Қўқон ва Фарғона театрларини йиллик репертуар, ишлаб-чиқариш ва молиявий режаларини ўз вақтида бажарилиши ва ошиб бажарилиши устидан назорат ўрнатиб келган. Уларнинг моддий-техник базасини яхшилаб, керакли маблағ, материал, асбоб-ускуна ва жиҳозлар билан таъминлаб турган.

А.Умаров вилоят театрларида ишлаган чоғларида уларнинг ижодий жамоаларини янги, ёш истеъдодли мутахассис актёр, режиссёр, созанда ва бошқа техник ходимлар билан тўлдириш ва улардан самарали фойдаланиш ишига алоҳида эътибор бериб келган.

Ўтган давр ичида А.Умаровни ғамхўрлиги ташаббуси ва саъи-ҳаракатлари туфайли, вилоят театрларининг 20 дан ортиқ ходимлари Ўзбекистон Республикасининг юксак унвонлари, орден ва медаллари, шунингдек диплом ва фахрий ёрлиқлари билан мукофотланган.

Ўзбекистон халқ артистлари - Соли Аҳмедов, Зуннун Мадалиев, Ҳафиза Иброҳимова, Муроджон Аҳмедов, Тавакқал Қодиров, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби - Деҳқон Жалилов, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист - Абдурахим Маткаримов, Юнусжон Орипов, Фанижон Хатамов, Қаноатхон Хатамова, Юнусжон Орипов, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими - Мухторжон Муртазаев (Фарғона вилоят ўзбек театри), Ўзбекистон халқ артисти - Валентина Шукарёва, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист - Тамара Шляпинкова (Фарғона вилоятлараро рус драма театри), Ўзбекистон халқ артисти - Рашиджон Содиқов, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар - Ҳаётхон Маҳмудов, Махбуба Мансурова, Хурсаной Умарова, Султон Собиров, Ойшахон Жўраева, Шомурод Хақимов (Қўқон театри) шулар жумласидандир.

А.Умаров ўзининг санъат ва маданият соҳасидаги 64 йиллик меҳнат фаолияти

давомида, ўнлаб шогирдларни тарбиялаб, етиштириб берди. Ҳозирги кунда уларнинг аксарияти шаҳримиз, вилоятимиз ва республикаimizдаги санъат ва маданият муассасаларида ишлаб, ижод қилиб, миллий маданиятимиз, маънавиятимиз ва қадриятларимизни ўсдириш ва юксалтириш ишига ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшиб келмоқдалар.

Меҳнатсевар, камтарин инсон, тажрибали ва омилкор раҳбар, кўпчилик санъат ва маданият ходимларини устози А.Умаров ва унинг хизматлари ҳақида республикаimiz матбуотида кўплаб материаллар чоп этилган.

Қўқонлик таниқли журналист ва драматург Коммуна Олимованинг "Меҳнат байроғи" газетасининг 1989 йил 6 январдаги № 3 (11068) сонида босилган "Санъатга бағишлашан умр", шу газетанинг масъул ходими, таниқли журналист А.Исомитдиновни "Фарғона ҳақиқати" газетасиниш 1998 йил 3 октябрдаги № 116 (20414) сонида "Эзгуликка ошно қалб", Қўқондаги Ҳамза номли театрнинг директори - Т.Орифжонов, бош режиссёри - А.Азизов, сахналаштирувчи режиссёри, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими М.Жўраевларнинг "Фарғона ҳақиқати" газетасининг 2004 йил 13 майдаги № 20 (21038) сонида босилган "Сарҳисоб", театр директори Т.Орифжоновнинг "Театр" адабий-бадий ахборот - реклама журналининг 2004 йил 2-сонида босилган "Сарҳисоб" номли мақолалари, шунингдек ўтган асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб республикаimizда чоп этилган "Гулистон", "Хотин-қизлар", "Саодат", "Ёш Ленинчи" газеталари ва бошқа қардош республикалар матбуотида ёритилган мақолалар бунга ёрқин мисол бўла олади. А.Умаров ўзининг узоқ йиллик меҳнат фаолияти даврида ўзбек миллийчилилик санъати ва маданиятини ўстириш ва ривожлантириш ишига салмоқли ҳиссаси учун қуйидаги давлат мукофотларига сазовор бўлган.

1941-1945 йиллар фронт ортида қилган фидокорона хизматлари эвазига "Меҳнатда ўрناق кўрсатганлиги учун" медали, 1986 йилда "Ғалабанинг 40 йиллиги", ва мазкур йилнинг ўзида "Меҳнат фахрийси" медаллари, 1992 йилда "Мустақиллик эсдалик нишони", 1994 йилда "Шухрат", 1995 йилда 1941-1945 йиллардаги "Улуғ Ватан урушида фашизм устидан қозонилган ғалабанинг 50 йиллиги" юбилей медали, 2006 йилда "Ўзбекистон мустақиллигининг 15 йиллиги" медаллари шулар жумласидандир.

Булардан ташқари А.Умаров турли йилларда Маданият вазирлиги, Фарғона вилоят маданият бошқармаси ва жамоат ташкилотлари томонидан 23 та фахрий ёрлиқ ва қимматбаҳо эсдалик совғаларни олишга сазовор бўлган.


Фойдаланилган адабиётлар:

1. Аркадиева А, Тихонов И. Маргеланские народные таланты. - Ташкент: Узбекистан, 1973
2. Frederick Starr S., Ferghana valley: the heart of Central Asia. London, Routledge, 2011.

МАДАНИЯТ ЧОРРАҲАЛАРИ ПЕРЕКРЁСТОК КУЛЬТУРЫ CROSSROADS OF CULTURE

Талабоев Азизжон Набижонович
Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтининг
Фарғона минтақавий филиали катта ўқитувчиси

ЎЗБЕК МИЛЛИЙ АНЪАНАВИЙ ИЖРОЧИЛИК САНЪАТИДА МАҲАЛЛИЙ УСЛУБЛАР

 <http://dx.doi.org/10.26739/2181-0737-2019-4-3>

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада ўзбек миллий анъанавий кўшиқчилик, ижрочилик ва мусиқа санъатида маҳаллий усуллар, улардан фойдаланиш имкониятлари ҳусусида фикр юритилади. Шунингдек, Хоразм, Бухоро, Фарғона - Тошкент мақом йўллари тўғрисида маълумотлар берилади.

Калит сўзлар: мақом, ижро, анъана, маҳаллий, муғом, даража, "Шашмақом".

Талабоев Азизжон Набижонович
Старший преподаватель Ферганского регионального филиала
государственного института искусства и культуры Узбекистана

ЛОКАЛЬНЫЕ МЕТОДЫ В УЗБЕКСКОМ НАЦИОНАЛЬНОМ НАРОДНОМ ИСПОЛНИТЕЛЬСКОМ ИСКУССТВЕ

АННОТАЦИЯ

В данной статье рассматриваются способы использования узбекского национального традиционного пения, исполнительского творчества и музыкального искусства. Дана информация о специфике исполнения макомов Хорезма, Бухары, Ферганы - Ташкента.

Ключевые слова: статус, перформанс, традиция, местный, мугам, уровень, "Шашмаком".

Talaboev Azizjon Nabizhonovich

Senior Lecturer Ferghana Regional Branch State Institute
of Arts and Culture of Uzbekistan.

LOCAL METHODS IN THE UZBEK NATIONAL TRADITIONAL PERFORMING ARTS

ANNOTATION

This article discusses local ways of using the Uzbek national traditional singing, performing arts and music. It also provides information on the state of the roads of Khorezm, Bukhara, Ferghana - Tashkent.

Keywords: status, performance, tradition, local, mugam, level, "Shashmakom".

Мамлакатимизда ёш авлодни баркамол авлод қилиб тарбиялаш, жаҳон ҳамжамиятига мос мутахассислар тайёрлашга жиддий эътибор қаратилмоқда. Бунинг учун тарбиянинг турли усулларида, ҳар хил воситалардан фойдаланишга ҳаракат қилинмоқда. Жумладан, ёшларнинг мусиқий саводини ошириш, хусусан, мумтоз куй-қўшиқлар воситасида уларда миллий қадриятларни мустаҳкамлаш, умуминсоний қадриятларга ҳурмат уйғотиш йўлида бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Бинобарин, республикаимизда ўтказилиб келинаётган "Ниҳол" кўрик-танлови, "Шарқ тароналари" халқаро мусиқа фестивали, Мақом санъати ва Бахшичилик халқаро фестиваллари ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда.

Негаки, "Мустақиллик йилларида, улғу боболаримизнинг ана шундай анъаналарини давом эттирган ҳолда, мамлакатимизда мусиқа санъатини кенг ривожлантиришга қаратилган дастур ва режалар амалга оширилмоқда. Жумладан, мумтоз мусиқий меросимизни асраб-авайлаш ва ўрганиш, уни ёш авлодга безавол етказиш мақсадида кўплаб кўрик-танловлар, нуфузли халқаро мусиқа анжуманлари мунтазам равишда ўтказиб келинмоқда" [1, 140]. Бу ишлар албатта соҳада амалга ошириляётган ишлар ривожига муносиб замин яратмоқда.

Ўзбек мумтоз мусиқасида мақом жанри етакчи ўринни эгаллаб келган. Мақомлар жуда қадим замонларда Яқин ва Ўрта Шарқ халқлари мусиқа маданиятида мавжуд бўлган, етук созанда ва хонандалар, бастакорлар томонидан яратилган ва IX-X асрларда ривожланиб, янги воситалар билан бойиди. "Мақом" сўзи арабча макон сўзидан олинган бўлиб, "ўрин", "жой", "босқич", "даража" каби маъноларни англатади. Бу ислом, адабиёт, тасаввуф илмий-амалий йўналишда ва бошқа соҳаларда ҳам кенг истеъмол этилган бўлиб, махсус ибора сифатида айнан мусиқа санъатида энг кўп ва хилма-хил маъноларда ишлатилади.

Мусиқада "мақом" деганда куй, товуш қаторларининг алоҳида мусиқа асари бочқичлари - парда тизимлари (лад бирликлари) лад тизимлари, алоҳида мусиқа асари (чолғу ёки ашула); мусиқа тури (жанри) - чолғу ва ашула асарларини бирлаштирувчи катта-кичик туркумли жанр деб тушуниш керак. Турли халқлар маданиятида "мақом" иборали асар ва туркумлар мавжуд: мақом (ўзбек ва тожикларда), муғом (озарбайжон), муқом (уйғурлар), дастгоҳ (эрон), нўба (мағриб) каби ибораларнинг вариантлари кенг тарқалган [6].

Мақом йирик туркум ва асар жанри сифатида мумтоз мусиқа тоифасига киради. Мусиқа ижодиётининг бошқа турларидан у ўзининг бадиий мукамаллиги, куй ва шакл тузилишлари, лад ва усул тизимлари ҳамда илмий ва амалий асосларининг

пухта ишланганлиги билан фарқ қилади. Мақом мусиқа, шеърят ва рақс санъатларини мужассамлаштирувчи муштарак бадий жароён.

Ўзбекистонда мақом санъати чолғу ва ашула йўллари ва туркумлари - Бухоро "Шашмақоми", "Хоразм мақомлари" ва "Фарғона-Тошкент мақом йўллари" туркумлари, шунингдек, унинг локал туркумлари - Фарғона "Сурнай мақом йўллари", Хоразм "Дутор мақом туркуми", "Феруз" туркуми ва бошқалар мавжуд.

Кўринадики, мусиқани ўзига маънавий ҳамроҳ қилиб олган инсонда ҳаётга ташналик, Ватанга муҳаббат, ёрга садоқат ўзгача бир тарзда намоён бўлади. Мана шундай инсонлар ҳаёти ва ижодий фаолиятини ўрганиш, ёш авлод тарбияси учун тегишли хулосалар чиқариб олишни бугунги давр тақозо этмоқда.

Мумтоз мусиқа тарихини чуқур ўрганган ва унинг тарбиявий кадр-қимматини оширишга аҳд қилган санъаткор, академик Юнус Ражабийнинг хизматларини шу ўринда эслаб ўтиш ҳам қарз, ҳам фарз. У киши Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Хоразм, Сурхондарё, вилоятларида сақланиб қолган миллий мусиқий меросни йиғиб, ноталаштириб, буларни 12 жилдлик "Ўзбек халқ мусиқаси" ва "Шашмақом" китобига жамулжам қилди ва нашр эттирди. Бу савоб ишни амалга оширган ҳофиз "Мен ўзимизнинг ўзбек халқ оҳангларидан ҳеч қайси миллат оҳангларини устун қўя олмайман", деганида халқимиз мусиқасидаги жозибаторликни, таъсирчанликни, сеҳрни назарда тутган бўлсалар, ажаб эмас.

Мусиқа билан қандай тарбиялашимиз керак? Иймон-этиқоди мустаҳкам, тарбия деб аталмиш тилсимотдан ўзига керакли заҳирани ола билган шахс жамият, миллат учун, қолаверса, ўз оиласининг бахт-иқболи, ривожини йўлида хизмат қилишни бурчи, бош вазифаси деб билади. Аммо умрининг энг гулгун дамларида ҳам маънавий, ҳам ахлоқан, ҳам жисман бузилган авлод бундай бахтдан бенасиб бўлиши мумкин. У на оилада, на жамиятда ўз ўрнини топа олади, жиноятчиликнинг турли оқимларига кириб кетади. Хўш, миллий мусиқанинг тарбиявий таъсир кучини, аҳамиятини ошириш учун қандай иш кўриш керак, деган савол кўндаланг бўлади?

Миллий қадриятларимизни, тилимизни, мусиқий асарларни боланинг энг кичик ёшидан қулоғига сингдириб борилса, у мактаб ёшига етган пайтда ўз онгини анча бойитган ҳисобланади. Боғча ёшидаги болаларга овқатланиш, ўйнаш маҳалида дамбадам қулоққа малол келмайдиган тарзда миллий мусиқий асарлар эшиттирилиб борилиши керак. Шунингдек, мумтоз шоирларимиз ишлатган сўзлардан бир қанчасини ўрганиб олиш йўллари ҳам бор. Болаларда нарса - ҳодисани ўзига тез қабул қилувчи ақл-идрок аста-секин ривожланиб боради. Биз нима учун Навоийни тушунмаймиз? Чунки шоир ижодига мурожаатни 11-12 ёшларда бошлаймиз.

Агар болага 2-3, 4-5 ёшидан бошлаб, мумтоз мусиқамизни сингдириб борсак, у ёши улғайган лаҳзада мақомни, лирик қўшиқларни энсаси қотиб қабул қилмас эди. Шу алфозда мактабни битириб олгунча онги, тафаккури ривожланиб боради. Мактаб ёшидаги болаларга мусиқани тинглаш соатларини жорий қилиш лозим. Тинглаш маданияти, ҳис қилиш малакаси шаклланган бола ҳеч қачон ўз миллий мусиқасини четга суриб қўйиб, ўзга миллатларнинг санъатига меҳр қўймайди.

Ўзбек миллий мақомларини, лирик йўналишдаги ёхуд панд-насихатга йўғрилган қўшиқларни ёшлар орасида тарғиб этиш учун биринчи навбатда рекламага эътибор қаратишимиз лозим. Бугунги кичик ёшдаги болалар ҳам эстрада йўналишида қўшиқ куйловчиларни беш бармоқларидай билишади. Лекин мақом ижрочиларини катта ёшдаги мактаб ўқувчилари ҳам билишмайди. Нима учун мақомларни, лапар

ёки яллаларни худди шундай тартибда реклама қилмаймиз? Менимча, радио, телевидение, оммавий тадбирларда жонли ижро маҳсули бўлган миллий кўшиқларни, лирик тароналар ва ашулаларни кўпроқ узатишимиз керак.

Сизга ҳавола қилинаётган ушбу мақолада юқоридаги фикрларга ёндашган ҳолда маънавий маданиятнинг мусиқа билан боғлиқ жиҳатларини, тушунча ва моҳиятини, мусиқанинг таъсирчанлик хусусиятларини ва жанрларини кенгроқ ёритишга ҳаракат қилишдир. Зеро, бугунги кунда ёшларнинг маънавий тарбиясида мусиқанинг ўрни алоҳида аҳамият касб этмоқда. Техникавий ривож босимида жадаллаб бораётган ва ўз таъсирини ўтказаетган мусиқий тараққиёт оқимининг ёшларга таъсири ўз кучини кўрсатмоқда. Шу сабабли асрлар бўйи ота-боболаримиздан бизгача етиб келган мусиқий маданиятимизни асраган, анъанавий кўшиқчилик ва миллий мусиқа бойлигимиздан фойдаланган ҳолда бугунги замон руҳига мос мусиқалар яратиш, жаҳон классик мусиқа санъатидан унумли фойдаланиш, миллий эстрада руҳида кўшиқларнинг ёшларимиз онгида тўғри тарбиявий тушунча ҳосил қилишини бугунги куннинг долзарб вазифаси деб биламиз.

Ўзбек мусиқасида маҳаллий услубларнинг жадал шаклланиш жараёнлари XVI-XIX аср биринчи ярмига тўғри келади. Чунки айнан шу тарихий давр мобайнида мусиқа маданияти сержабҳа кўринишларда ривожланди, унинг Туркистон халқлари маънавий-ижтимоий ҳаётида тутган ўрни тобора ортди. Эндиликда мусиқанинг намоён бўлиш "саҳна"лари ҳам кўпайиб борганлигини кўрамиз. Хусусан, мусиқа ва мушоирахонлик мажлислари хон саройлари ва амалдорларнинг кошоналари қаторида бозорларнинг майдонларида, ҳунармандларнинг устахоналарида, чойхоналарда ва бошқа кўринишларда ҳозир бўлиши кузатилади. Маданият ва маърифат ўчоқлари бўлган Бухоро, Самарқанд, Хива, Кўқон, Наманган, Андижон, Тошкент каби шаҳарларда китобхонлик, газалхонлик, қиссахонлик, маддоҳлик каби ўқув йўллари ривож топди.

Лекин шунини ҳам айтиш керакки, бу даврга келиб Туркистон халқларининг ижтимоий-маънавий ҳаётида мусиқа маданиятнинг кўриниши, турли шарт-шароитлар ўлароқ, бир алфозда эмас эди, зеро мамлакатнинг уч хонликка бўлиниб кетиши пировардида жойларда мавжуд маҳаллий мусиқий анъаналар устувор аҳамият касб эта бошлаган эди.

1. Бухоро анъанавий ижрочилик мактаби. Бухоро хонлиги мусиқа маданияти. Бухоро хонлиги ҳудудида ўзбек мусиқасининг Бухоро-Самарқанд ва Сурхондарё-Қашқадарё маҳаллий услублари қарор топган эди.

Бухоро-Самарқанд услуби шу шаҳарлар ва вилоятларнинг ҳудудларида муайян ижтимоий-тарихий вазият кесимида узил-кесил қарор топган ва устуворлик мақомига юксалган мусиқий анъаналар мажмуидир. Қадимдан маданият масканлари бўлмиш бу воҳаларда чолғу куйлари, халқ кўшиқ ва ашулалари ҳамда мумтоз мусиқа ижодиёти намуналари кенг ўрин тутди. Айниқса, касбий мусиқа йўналишлари хилма-хиллиги ва мусиқа воқелигида кенг ёйилганлиги билан ажралиб туради.

XVIII аср ўрталарида Бухорода сарой касбий мусиқачилари ва мусиқашунос олимлари томонидан олти мақомдан иборат маҳобатли туркум - Шашмақом тасниф этилган эди. Ўн икки мақом тизимининг тадрижий ривожини ўлароқ юзага келган мазкур туркум қуйидаги олти мақомни ўз ичига олади:

Бузрук - маъноси - катта, улуғ, буюк.

Рост - маъноси - тўғри, чин, ҳақиқий.

Наво - маъноси - ишқ куйи.

Дугоҳ - маъноси - икки жой, икки ўрин.

Сегоҳ - маъноси - уч жой, уч ўрин.

Ироқ - маъноси - маълум мамлакат номига нисбат берилган.

Олти мақом тизимидаги ҳар бир мақом икки йирик бўлим - чолғу ва айтим (ашула) туркумларидан таркиб топади. Мақомларнинг чолғу куйлар бўлими Бухоро анъанасига кўра "Мушкилот" ("қийинчиликлар") деб юритилади. Мазкур бўлимда бешта таркибий қисм бўлиб, улар Тасниф (тасниф этилган, ижод этилган, мукамал асар), Тарже (қайтариқ, такрорлаш, такрорланувчи), Гардун (фалак гардиши, қисмат), Мухаммас (бешлик, бешланган) ва Сақил (вазмин, оғир) каби номланади.

2. Хоразм ижрочилик мактаби. Хива хонлиги мусиқа маданияти. Хива хонлиги маданияти ҳам ўзига хос мусиқий анъаналарга бой бўлган. Бу ҳудудда шаклланган мусиқа услуби фанда "Хоразм мусиқа услуби" номи билан маълум ва машҳурдир.

Хоразм мусиқа услуби - бу шу воҳадаги халқ кўшиқ ва лапарлари, турли маросим, томоша ва ўйин-рақс куйлари, ҳамда дostonчилик, ашулачилик ва мақом санъати каби касбий мусиқа анъаналаридан ташкил топган эди. Ўзбек мусиқасининг таркибий қисми бўлган Хоразм мусиқаси айни вақтда ўзгача тароватга эга. Ушбу услубнинг ўзига хослиги унинг анъанавий чолғуларида ҳам намоён бўлади. Масалан, буламон дамли-пуфлама чолғуси бу ҳудудда кенг қўлланилгани ҳолда бошқа маҳаллий услублар учун хос эмас.

Хоразм мусиқа услубида рақс ва умуман ўйин ҳаракатлари билан боғлиқ чолғу куйлари салмоқли ўрин тутиб келган. Уларни бир неча турларга бўлиш мумкин:

1. Халқ орасида оммалашган рақс куйлари (Лазги, Ганжи Қорабоғ, Уфори ва б.).

2. Дорбозларнинг ўйин куйлари (Елпазланди, Уфори Елпазланди ва б.).

3. Қизиқчи ва масхарабозларнинг ўйин куйлари (Чоғоллоқ, Аз-аз, Хоразмча, Юз бир, От эроний).

Шу каби рақс ва ўйин куйлари оммавий байрам ва сайлларда ижро этилган. Чунончи, халқ сайилларида икки бўлимдан иборат "Хатарли ўйин" номли спектакль намоёниш этилган. Биринчи бўлимда парранда (тустовуқ ўйини, каптар ўйини ва ҳакоза) ва уй ҳайвонлари (от ўйини, ва бошқалар)нинг хатти-ҳаракатлари пантомима услубида тақлид этилган, иккинчи бўлимида эса меҳнат жараёни (олма териш) ёки кичик маиший саҳналар (Кампир, Кўкнори ва ҳ.з.) комик ҳаракатлар орқали акс эттирилган. "Хатарли ўйин"даги деярли барча "чиқишлар" мусиқа жўрлигида намоёниш этилган.

Бу даврда Хоразмда ашулачилик санъати ҳам равнақ топди. Ашула жанрининг муҳим жиҳатлари қаторида унинг асосан мумтоз шеърят намуналарига асосланишини, куй-оҳанглари эса кўшиқ ва лапарга нисбатан кенг ривожланганлигини, бинобарин, овоз кўлами бир октава ва ундан ҳам ортиқ бўлишини қайд этиш мумкин.

Хоразмда "сувора" номи билан ҳам маълум ва машҳур ашула туркумлари юзага кела бошлайди. Суворалар Навоий, Машраб, Нодира, Огаҳий, Мунис, Бедил каби мутафаккир шоирларнинг шеърлари асосида айtilган. Сувораларнинг энг мукамал намуналари мақомлар таркибидан ҳам ўрин олган эди.

Суворийнинг луғавий маъноси нима? "Сувор" форс-тожик тилида "ирринмоқ", "от ёки бошқа жонзотни минмоқ" маъносини билдиради.

3. Фарғона - Тошкент ижрочилик мактаби. Кўқон хонлиги ҳудудида ўзбек мусиқасининг ўзига хос таркибий қисмларидан бири - Фарғона - Тошкент мусиқа услуби узил-кесил шаклланган эди. Бу услуб Фарғона водийси ва Тошкент воҳасида

қарор топган маҳаллий мусиқий анъаналар мажмуидан иборат бўлиб, унинг ўзига хос жиҳатлари халқ мусиқа ижодиёти (болалар қўшиқлари, аёллар фольклори, терма, лапар, ялла, ашула ва б.) ҳамда мумтоз мусиқа (достон, ашула, катта ашула, ма-қом ва б.) намуналарида кузатилади.

Хусусан, ушбу услуб доирасида халқ мусиқасининг турли даврларга мансуб куй-оҳанг ва усул намуналари ўз аксини топган эди. Жумладан, болаларнинг ("Лайлак келди", "Ола-той", "Офтоб чиқди" ва б.) мавсумий-маросим қўшиқлари ("Бойчечак", "Бинафша" ва б.)да халқ мусиқий тафаккурининг илк босқичларига оид оҳанг аломатлари яхши сақланиб қолган.

Шунингдек, инсон нутқи, сўз айтиш талаффузига яқин оҳанглар достончи бахшилар ижодида ҳам муҳим ўрин тутди. Булардан фарқли ўлароқ, куйчан хусусиятли жанрлар (ашула, ялла, мақом ва б.)да жўрनावоз чолғулар кенг қўлланилиши кузатилади. Хусусан, хотин-қизлар давраларида рақсга тушиб ялла ва лапар айтиш, ашула куйлаш (яллачилик) одат тусини олган. Якка ҳолда яллачилар ўз қўшиқларига дутор ёки доирада жўр бўлишади. Ансамбль шаклида ижрочилар эса одатда 2-3 аёлдан иборат бўлиб, улар асосан дойра жўрлигида куйланиб келинган. Яллачиларнинг репертуари асосан ялла, қўшиқ, лапар ва тўй-маросим ("Ёр-ёр", "Келин салом", "Ўлан" ва б. асар)ларидан ташкил топади.

Фарғона - Тошкент мусиқа услубида сўлим табиатли куй-оҳанглар ҳам шаклланган бўлиб, уларнинг намуналарини маҳаллий ашулаларда кўриш мумкин. Ашулалар зиёлилар, ҳунармандлар ва бошқа касб эгалари томонидан ҳам ижро этиб келинган. Бунда асосан танбур ва дутор жўрनावозлиги қўлланилган. Шунингдек, хотин-қизлар даврасида ҳам дутор чертиб ашула айтиш удуми бўлган.

Айнан шу даврларда мақом санъати ва фақат водий санъатига хос бўлган Катта ашула ижрочилиги юксала бошлайди. Катта ашула (ёки патнис ашула) икки ва ундан ортиқ ҳофизлар томонидан ижро этилган. Бу ашуланинг ўзига хос томонларидан бири шундаки, унда чолғу созлар жўрनावозлиги қўлланилмайди, эркин услубда тантанавор ифодаланувчи нутқдош оҳанглари мумтоз ғазалларга ҳамоҳанг пайваста этилади.

Мақом ва катта ашула санъатининг энг истеъдодли вакиллари Умархон, Муҳаммад Али-Хон ва бошқа Қўқон хонлари саройларида хизмат қилишган. Ашурали Маҳрам, Рустам-ҳофиз, Боймат-ҳофиз, Муҳаммад мехтар, Зебо парилар ана шулар жумласидандир. Зебо пари исмли ҳофиз бастакор, жумладан бизгача етиб келган машҳур мақом авжи куйини ижод этган бўлиб, бу куй ҳозирда унинг номи билан (Зебо пари авжи) юритилади.

Қўқон хонлигига қарашли ва асосан ҳунармандчиликка ихтисослашган Қўқон, Тошкент, Андижон, Наманган, Хўжанд, Чимкент, Хавос, Зомин, Ўратепа каби шаҳарларда халқ сайиллари катта майдонларда ўтказилган. XIX аср биринчи ярмида Қўқонда ўтказилган барча халқ байрами ва сайиллари махсус дастур асосида ўтказилган. Шунга биноан томошалар дастлаб мусиқа билан бошланиб, сўнгра катта майдон бўйлаб актёрлар ва раққослар паради ўтган.

Парад тугагач, мусиқачилар чолғу куйларни ижро этганлар, хонандалар саҳнага чиқиб 10-12 тадан ашула куйлашган ва шу тарзда ўз маҳоратларини намоиш этишган. Шундан сўнг навбат раққосларга келган, 60 иштирокчидан иборат раққослар гуруҳи "Катта ўйин" туркумини ижро этишган. Танаффусдан сўнг эса актёрлар бир неча кичик комедияларни ўйнаганлар. Байрамнинг иккинчи куни раққослар, дорбозлар, акробатлар ва фокусчилар мусиқа жўрлигида ўз санъатларини намоиш этишган [2; 4; 5].

Мусиқа, ашула ва рақс санъати халқ турмуш тарзининг бошқа кўринишларида

ҳам кенг ўрин тутган эди. Хусусан, "Хона базм", "Ҳуфия базм" рақслари оилавий маросимлар билан боғлиқ турли тантаналарда ижро этилган бўлса, аёллар орасида дойра (баъзан дутор) жўрлигида қўшиқ, ашула ва яллалар айтиш кенг тарқалган эди.

Катта ашула ва халқ орасида кенг тарқалган ашулаларнинг аксарияти ҳазрат Навоий, ҳамда водийнинг етук шоирлари - Бобур, Машраб (XVIII аср боши), Ҳувайдо, Нодира, Увайсий (XVIII аср охири, XIX аср бошлари) шеърларига басталанган эди. Бу ҳол айна вақтда Қўқон хонлиги маданиятида классик адабиёт равнақ топганлигидан ҳам далолат беради.

Тошкент ва Фарғона водийси шаҳарлари мусиқий амалиётида жорий этилган мақом йўллариغا нисбатан "Фарғона-Тошкент мақом йўллари" умумлашма ибораси қўлланилади. Бу турдаги мақомлар Бухоро ва Хоразм мақомларидан фарқли ўлароқ, яхлит бир туркумни ташкил этмайди, балки алоҳида-алоҳида бўлган чолғу ва ашула йўлларида иборатдир. Хусусан, "Насрулло I-V", "Муножот I-IV", "Ажам тароналари", "Мискин I-V", "Сегоҳ I-III", "Мушкилоти Сегоҳ", "Сайқал I-II", "Мирзадавлат I-II", "Мушкилоти Дугоҳ", "Чўли Ироқ" каби чолғу куйлари ҳамда "Чоргоҳ I-V", "Дугоҳ-Ҳусайн I-VII", "Баёт I-V", "Баёт Шерозий I-V", "Гулёр-Шаҳноз I-V", "Кўча Боғи - I-II", "Сегоҳ", "Тошкент Ироғи" сингари бошқа ашула йўллари шулар жумласидадир. Бинобарин, Фарғона-Тошкент мақом йўллари таркибида бир қисмли намуналардан тортиб, то беш-етти қисмдан иборат туркум асарлар намаён бўлади.

Ўтмишда Фарғона - Тошкент мақом йўллари нафақат хон саройларида, балки халқ ҳаёти билан боғлиқ турли шароит ва вазият (халқ томоша ва сайиллари, дорбозлар, тўй базмлари ва ҳ.к.)ларда ҳам мудом ижро этиб келинган. У ҳолат уларнинг халқ орасида машхур бўлиши сабабларидан биридир.

Фарғона - Тошкент мақом ашула йўлларида "Фарғона - Тошкент мусиқа услуби"га хос бўлган ялла, ашула ва катта ашула жанрларнинг хусусиятлари ўзгача акс этади. Ашула йўллари мумтоз шеърят (Саккокий, Навоий, Бобур, Муқумий, Увайсий, Фурқат ва б.) асосида "ўқилиб" келинган [3].

Шундай қилиб маълум бўладики, ўрганилаётган давр мобайнида халқ ва касбий мусиқа анъаналари юксалишда давом этган эди. Қолаверса, сарой мумтоз санъати ва халқчил бадий анъаналарнинг ўзаро таъсирланиш жараёнлари пировардида миллий мусиқамизнинг нодир ва ноёб намуналари юзага келиши учун муҳим замин яратилди.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, дунёда хонандалик санъатига қизиқмаган, ўзи севган ашуласини хиргойи қилмаган бирорта ҳам одам топилмайди. Уни ўрганишга бўлган қизиқиш эса мутахассисдан яхшиликка интилиш, яратиш, ўзликни англаш, комилликка томон яқинлашиш ҳис-туйғуларини уйғотади.


Фойдаланилган адабиётлар

1. Каримов И.А. Юксак маънавият - енгилмас куч. - Тошкент: Маънавият, 2008. 140-бет
2. Раҳмонов М. Ўзбек театри. 1-2 китоблар, - Тошкент: Фан, 1968; 1975.
3. Талабоев А. Наманган ижрочилик мактабининг ўрни // Магистр академик даражасини олиш учун ёзилган диссертация. ЎЗДСМИ, 2013.
4. Қодиров М. Ўзбек халқ томоша санъати. - Тошкент: Фан, 1981.
5. Қодиров М. Томоша санъати. - Тошкент:, Фан, 1993.
6. <http://www.maqom.uz/maqom-tarixi/>

МАДАНИЯТ ЧОРРАҲАЛАРИ ПЕРЕКРЁСТОК КУЛЬТУРЫ CROSSROADS OF CULTURE

Юнусходжаева Сауле Абуталибовна
Камолиддин Бехзод номидаги
Миллий рассомлик ва дизайн институти ўқитувчиси

ЁШ РАССОМНИ ЎҚИТИШДА САМАРАЛИ УСУЛЛАРДАН ФЙДАЛАНИШ

 <http://dx.doi.org/10.26739/2181-0737-2019-4-4>

АННОТАЦИЯ

Ҳозирги кунда фан ва техниканинг янги йўналишларида ўқитиш сифатини оширишга катта аҳамият берилмоқда. Тасвирий санъатга оид дастурнинг хусусиятлари, асосларини очиб бериш, ўқувчиларни тўғри дарсларни ташкил этишга ўргатиш талаб этилади.

Калит сўзлар: тасвирий санъат, педагогик маҳорат, педагогика, психология, эстетика, санъатшунослик.

Юнусходжаева Сауле Абуталибовна
Преподаватель Национальный институт художества и
дизайна имени Камолиддин Бехзода

ИСПОЛЬЗОВАНИЕ ЭФФЕКТИВНЫХ МЕТОДОВ В ОБУЧЕНИИ МОЛОДОГО ХУДОЖНИКА

АННОТАЦИЯ

В настоящее время большое значение придаётся повышению качества подготовки кадров по новым направлениям науки и техники. Требуется раскрыть особенности, основы программы по изобразительному искусству, научить учащихся правильно организовывать уроки.

Ключевые слова: изобразительное искусство, педагогическое мастерство, педагогика, психология, эстетика, искусство.

Yunuskhodjaeva Saule Abutalibovna
Teacher of National institute of art and
design named by Kamoliddin Behzod

THE USE OF EFFECTIVE METHODS IN THE TRAINING OF A YOUNG ARTIST

ANNOTATION

Using leading methods between training imitative arts helps to talents to become well qualified professional. Nowadays attach a big importance to group a quality training specialists in the direction of science and technology.

Key words: fine arts, pedagogical skills, pedagogy, psychology, aesthetics, art.

Ўзбекистонда юз берган сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар жаҳон таълим соҳасидаги интеграцион жараён, бизнинг олдимизга таълимдаги янги парадигмаларга асосланиб мамлакатимизда таълим тизимини янгилашни муҳим вазифа сифатида қўймоқда. Педагогика соҳасига эътиборни кучайтириш, ёшларга таълим беришда самарали методлардан фойдаланиш, давлатимиз ва жамиятимиз учун муҳим бўлган, ёшларнинг ички ҳис-туйғуларини бойитиб, билимларини мустақамлашга шароит яратиб беради.

Ўқитиш методикаси фаннинг мақсади, шунингдек ўқувчининг ёшига асосланиб танлаб олинади. Шунингдек иш фаолияти давомида ҳар бир педагогнинг ўз ўқитиш усули шаклланиб, такомиллашиб боради ва ана шу ўқитиш усули замон талабларига жавоб берадиган даражада эканлиги ҳам мақсадга мувофиқдир.

Тасвирий санъатни ўқитиш методикаси ҳам илм сифатида назарий ва амалий жиҳатдан ўрганилиб, педагогика, психология, эстетика ва санъатшунослик соҳаларидаги илмий тадқиқодларга асосланиб яратилмоқда, ва ўзини оқлаётган ва яхши натижалар бераётган ўқитиш методикалари тақдим этилмоқда. Ва албатта, тасвирий санъатни ўқитишнинг янги қонун ва усуллари ўсиб келаётган истеъдодли ёшларнинг етук мутахассис бўлиб етишишларига ҳизмат қилади.

"Баъзиларнинг фикрига кўра, агарда ўқитувчи ўз фанини мукамал билса, уни ўргатишга ўқитишнинг зарурияти йўқ, бу жуда осон иш. Лекин бу мутлақо нотўғри тушунча. Ажойиб рассом, ёзувчи, ижодкор бўлатуриб, ёмон педагог бўлиш ҳам мумкин" дейди В.С.Кузин. Педагог сифатида иш олиб борган ва бу жараёнда методиканинг тутган ўрнига баҳо бермаган кўпгина кўзга кўринган рассомлар омадсизликка учраган. Ўқитиш методикасини ҳамма ҳам ўзлаштириши мумкин, педагогика фани ривож топиб бораётган айни бир пайтда, бунинг учун ёш педагоглардан талаб этилаётган нарса - ҳохиш ва истакдир. Шуни ҳам айтиб ўтиш ўринлики, бир вақтнинг ўзида ҳам етук рассом, ҳам яхши педагог бўлиш барчанинг қўлидан келавермайди.

Бошқа санъат турлари каби, ўқитиш санъатида ҳам илҳомлантириш, интуиция, янгилик яратишга чорлаш, ишга ижодий ёндашиш талаб этилади. Баъзида ўқитувчининг дарсга ўзгартиришлар киритиши, қутилмаган воқеаларга бой дарслар ташкил этиши ўқувчиларнинг дарсга қизиқишини орттиради. Мисол учун, ўқувчилар янги мавзунини ўзлаштира олмаяпти, демак ўқитувчи эски мавзуга қайтиб, уни янги материал билан боғлаган ҳолда, оз-оздан тушитириб боришига тўғри келади.

Ўқитувчининг бу ҳаракатини композиторнинг ижодига ўхшатиш мумкин.

Ўқитувчи берилаётган материални ўқувчининг дунёқараши билан солиштириб билиши, шунингдек яхши натижа берувчи ўқитиш методларини излаб топиши лозим. Ўз вақтида, тез англаган ҳолда, дарсни тўғри ташкил этиш ҳам санъат ҳисобланади. Бу ўринда ўқитувчидан зукколик талаб қилинади, ҳеч бир қатнашувчини назардан четда қолдирмаслик, уларнинг асосий эътиборини мавзуга қаратиш, назарий машғулоти кўрғазмали материаллар билан бойитиш мавзунинг тушунарли бўлишига, ва ўқувчи уни қизиқиб ўрганишига ёрдам беради.

Методика педагогдан жонли, эмоционал, ижодий ёндашувни талаб этади. Ҳаттоки, педагог ўқитишнинг энг самарали усулини топди дейлик, аммо ана шу энг самарали ўқитиш усулига ҳам ҳар сафар ўзгартиришлар киритиб туриши шарт. Чунки, ҳаммага ҳар куни бир ҳил гапни уқтирисангиз уларнинг жонига тегади, бир гапни такрорлаган одамнинг ўзи ҳам оми бўлиб бораверади. Яхши педагог доимо изланганида бўлиши, янгиликлардан хабардор бўлишга ҳаракат қилиши, ва ўз билимини такомиллаштириб бориши шарт. Негаки, у ўсиб келаётган билимга чанқоқ ёшларнинг етук мутахассис бўлиб етишишларида жавобгар шахс.

Ўқитувчи ўқувчини тез ва тўғри тушуниб, унинг нимага муҳтожлигини англаган ҳолда, ўз вақтида ёрдам кўрсатиши керак, методика ўргатиш санъати сифатида мана шу талабларни олдинга суради. Педагог ўз касбини мукамал эгаллаган бўлиши керакки, унинг ҳатти ҳаракатлари жонли ва аниқ бўлиб, шу даражада ўзлаштирсинки, билганларини қийналмасдан осон тилда тушунтириб бера олсин.

Қисқа вақт ичида янги материални тушунтириб бериш учун, ушбу ўқитиш усули яхши ўзлаштирилган бўлиши лозим. Бу эса ўқитувчидан катта устамонликни талаб этади. Ўқувчи ўқитувчини тушуниши учун, биргина гапириб бериш ва мисоллар келтириш етарли эмас, шунингдек ўқитувчи ўқувчи ўқув материалини қандай ўзлаштираётганини кўра билиши, ҳис қила билиши мақсадга мувофиқ. Ўқитувчи ва ўқувчи орасида психологик алоқа пайдо бўлиши керакки, улар бири-бирини яхши тушунсин, ўқитувчи ўқувчининг юзи, кўзлари, ҳаракатларидан унга тушунарли бўлган ёки бўлмаганлигини англаб олсин.

Энг асосийси - ўз касбини севиш. Педагогик маҳоратнинг ошиши педагогнинг ўз касбига бўлган муҳаббати билан боғлиқ.

Кўпчилик рассомлар педагог бўлишдан чўчишади, улар ўзларига шундай ёлгон тушунчани сингдириб олишганки, бу касбда умуман қизиқ нарсанинг ўзи йўқ деб ўйлашади. "Улар педагог бўлишни бошқа йўли бўлмагани, рассомлик соҳасида омадсизликка учраганлари учун танлаганлар! Бўлмаса шу соҳани танлаган бўлишарми?" - деган фикрдалар.

Агарда педагог ўзини касбига ва ўқувчиларга бағишласа, у инсоннинг ўз касбига қизиқиши ортади ва албатта, бундан ҳузур олади. Киши ижодий парвоз қилиши мумкин, илҳом олиши, қувониши ва ранжиши мумкин. Ижод қилишнинг мароқлилигини, ўқувчилар ўз қўллари билан ажойиб композициялар яратишларини ўргатишнинг ўзи ўқитувчига ҳузур бағишлайди. Ўқувчининг арзимас ютуқларидан, қобилияти борлигидан ҳам қувонади. Энди у ўқувчисини на дарс вақтида, на бошқа вақт ташлаб кетолмайди.

Методикани мувафаққиятли ўзлаштириш учун биринчи навбатда мана шу вақтгача мувафаққият қозониб, яхши самара бериб келаётган методикалардан фойдаланиш зарур. Олдиндан бизгача етиб келган тасвирий санъатни ўқитиш методикаларини таҳлил қилиб, унинг ютуқ ва камчиликларини ўрганиб чиқиб, такомиллаштириб борамиз. Чунки тасвирий санъатда ҳар куни янги асарлар яратилади, уларнинг гоёси ҳам замон билан ҳамнафас тарзда ўзгариб боради, олдингилари эса ўзидан ўзи тарихга айланиб боради. Шундай ўқитиш усуллари

борки, улар ўз даврида энг самарали усул сифатида хизмат қилган, аммо бизнинг замонамизда унинг умуман кераги йўқ, ва яна шундай усуллар борки, уларни пухта ўрганиб, такомиллаштириб бориш жоиз.

Қадимги Мисрда педагог-рассом табиатни кузатиш ва ўрганишга мажбурламади, аниқ шаблонлар орқали предметнинг шаклини тасвирлашга ундади. Қадимги Мисрда тасвирий санъатни ўқитиш методикаси ана шундай кўринишда эди.

Қадимги юнон рассомлари эса ўқитиш муаммосига ўзгача ёндашишди ва ўқитиш методларини сезиларли бойитишга сазовор бўлдилар. Улар ёш рассомларни реал ҳаётни ўрганишга ундадилар, унинг чиройини тасвирлашга ўргатдилар, шунингдек ҳаётдаги энг чиройли қиёфа инсон дея эътироф этишди. Юнон рассомлари Паррасий, Эвпомп, Памфил, Апеллес ва бошқалар дунёда шундай қонуният ҳукмрон, ҳамма нарса математик жиҳатдан ҳисоб-китобли, симметрик бўлаклардан ташкил топган деган фикрни олдинга суришган. Эрамиздан аввалги 432 йилда Сикионда скульптор Поликлет одам танаси бўлакларининг пропорционал муносабатини чизган. Ана шу чизмадан хаттоки биз ҳам фойдаланиб келамиз.

Уйғониш даври рассомлари тасвирий санъатни ўқитиш методикаси борасида қимматбаҳо мерослар қолдирган. Улар жонли, яъни ўзига қараб чизиш тўғрилигини таъкидлашган. Уйғониш даврида яшаб ижод қилган рассом Альбрехт Дюррер самарали ўқитиш методикасини ўзининг назарий ишларида қолдирган. У ёш рассом фақат кўзларига эмас, аниқ далилларга суяниб чизиши кераклигини таъкидлайди. Масалан, эътиборимизни Дюррернинг одам калласининг тузилишини ўргатишига қаратадиган бўлсак, у одам калласини геометрик шаклларга ажратиб ўргатади. Бу ўқитиш услубидан ҳозир ҳам барча самарали фойдаланади. Дюррернинг бизга қолдирган мероси тасвирий санъатни ўқитиш методикасининг бойитилишига сабаб бўлди.

Дюррернинг услубномаларида таъкидланишича, ёш рассомнинг болалик давридан бошлаб унинг тана тузилишининг тўғри ривожланишига катта аҳамият бериш, боланинг фақат яхшилик ва чиройли нарсалардан хабардор бўлишига имконият яратиш, бола иштиёқ билан ўрганишини таъминлаш, шунингдек ёш рассомнинг мусиқа билан ҳам шуғулланиши, бу жуда яхши натижа беради. Яна унинг ўқитиш методикаси бўйича, педагог ёш рассомни тарбиялар экан, унинг еб-ичиши, вақтида ухлашидан хабардор бўлиши лозим.

Юқорида таъкидланган барча фикрлардан шуни хулоса қилиш мумкинки, педагог ўз касбини севиши шарт. Бу машаққатли касб тинимсиз изланишни, ўз устида ишлашни, матбуот билан доимий алоқада бўлишни талаб этади.

Ҳозирги физиология, психология ва тиббиёт олимларининг илмий тадқиқот ишларини назарда тутадиган бўлсак, ёш авлоднинг психикасини ривожлантиришда санъатнинг ўрни бўлакча. Бу эса доно халқимизнинг санъат намуналари ёшларнинг миллий дунёқарашини шакллантиришнинг педогогик шартларидан бири эканлигини исботлайди.

Фойдаланилган адабиётлар:


1. Абдулла Авлоний. Туркий гулистон ёхуд ахлоқ. - Тошкент: Ўқитувчи, 1993.
2. Алиқулов Ў., Омонбоев Р. Жомий ва Давоний таълим-тарбия ҳақида. - Тошкент: Ўқитувчи, 1981.
3. Мавлонова Р. ва бошқ. Педагогика. - Тошкент: Ўқитувчи, 2001.
4. Безрукова В.С. Педагогика: Учебное пособие. Рн/Д: Феникс, 2013.
5. Кон-Винер. История стилей изобразительных искусств. - Москва, 2000.

МАДАНИЯТ ЧОРРАҲАЛАРИ ПЕРЕКРЁСТОК КУЛЬТУРЫ CROSSROADS OF CULTURE

Юлдашева Диёра Рахматжоновна

Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти ўқитувчиси

МАДАНИЯТ ВА САНЪАТ ОРҚАЛИ ЁШЛАРНИ КАСБГА ЙЎНАЛТИРИШНИНГ ИЖТИМОЙ МАСАЛАЛАРИ

 <http://dx.doi.org/10.26739/2181-0737-2019-4-5>

АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада маданият ва санъат орқали ёшларни касбга йўналтириш ҳамда Президент Ш.М.Мирзиёев томонидан ижтимоий, маънавий-маърифий соҳалардаги ишларни янги тизим асосида йўлга қўйиш бўйича илгари сурилган 5 та муҳим ташаббуснинг ижтимоий аҳамияти ёритилган. Шунингдек, маданият ва санъат муассасалари орқали ёшларни касбга йўналтиришнинг янги механизмлари ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: маданият, санъат, маданият марказлари, ижтимоий-маданий фаолият, касбга йўналтириш.

Юлдашева Диёра Рахматжоновна

Преподаватель государственного института искусств и культуры Узбекистана

СОЦИАЛЬНЫЕ ВОПРОСЫ ДЛЯ ПРОФИОРИЕНТАЦИИ МОЛОДЁЖИ СПОСОБОМ КУЛЬТУРЫ И ИСКУССТВА

АННОТАЦИЯ

В этой статье подчеркивается социальная значимость пяти основных инициатив, направленных на профориентацию молодежи способом культуры и искусства, а также на организацию новой работы по социальной, духовной и образовательной деятельности Президента Ш.М.Мирзиёева. Кроме того, были разработаны новые механизмы профориентации молодежи через учреждения культуры и искусства.

Ключевые слова: культура, искусство, культурные центры, социально-культурная деятельность, профориентация.

Yuldasheva Diyora

Teacher of Uzbekistan State institute of arts and culture

SOCIAL ISSUES FOR PROFESSIONALIZING YOUNG PEOPLE WITH A METHOD OF CULTURE AND ARTS

ANNOTATION

This article emphasizes the social significance of the five main initiatives aimed at career guidance of young people through the culture and art, as well as the organization of new work on the social, spiritual and educational activities of President Sh.M. Mirziyoyeva. In addition, new mechanisms for career guidance of youth through cultural and art institutions have been developed.

Key words: culture, art, cultural centers, socio-cultural activities, career guidance.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда ёшларни ватанпарварлик, миллий манъана ва қадриятларимизга ҳурмат руҳида тарбиялаш, маънавий етук ва жисмонан соғлом баркамол авлодни вояга етказиш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш борасида муайян ишлар амалга оширилди.

Мазкур соҳадаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш мақсадида қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг "Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида"ги Қонуни бугунги давр талабларига мос равишда ҳар томонлама баркамол, мустақил фикрлайдиган, мамлакатимиз истиқболи учун масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир, ташаббускор, халқ манфаати йўлида бор салоҳиятини сафарбар қиладиган, шижоатли ёшларни тарбиялаш, уларнинг интеллектуал ва ижодий салоҳиятини рўёбга чиқариш учун мустаҳкам ҳуқуқий пойдевор яратди.

Олиб борилаётган ислоҳатлар самарасини янада ошириш, давлат ва жамиятнинг ҳар томонлама ва жадал ривожланиши учун шарт-шароитлар яратиш, мамлакатимизни модернизация қилиш ҳамда ҳаётнинг барча соҳаларини либераллаштириш бойича устувор йўналишларни амалга ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги "Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида"ги ПФ-4947-сон фармонининг "Ижтимоий соҳани ривожлантириш" устувор йўналишда таълим, маданият, илм-фан, адабиёт, санъат ва спорт соҳаларини ривожлантириш, ёшларга оид давлат сиёсатини такомиллаштириш каъби вазифалар белгиланган [1].

Юртимизда ёшларнинг ҳар томонлама камол топиши, ўз иқтисоди ва салоҳиятини тўлиқ намоён этиши учун улкан имкониятлар яратилмоқда. Таълим тизими, маданият ва санъат, болалар спортини ривожлантириш учун ажратилаётган сармоялар мамлакатимиз келажagini таъминлашда муҳим аҳамият касб этмоқда. Бу соҳадаги ислоҳотлар юртимизда энг замонавий шарт-шароитларга эга бўлган юзлаб коллежлар, спорт мажмуалари, маданият ва санъат марказлари барпо этилаёпти. Ҳар йили ушбу коллеж-лицейларда таҳсил олган юксак малакали минглаб ёшлар иш билан таъминланмоқда.

Шу ўринда баркамол авлод тарбияси йўлида амалга оширилаётган ишларнинг икки муҳим жиҳатига назар ташлаш ўринли бўларди. Биринчиси - ёшларни касбга йўналтириш, ҳар томонлама замонавий, малакали кадрлар сифатида тарбиялаш

бўлса, иккинчиси - ёшлар бандлиги, уларни иш билан таъминлаш, ўз бизнесини юритиш учун қулай шарт-шароит яратишдир.

Давлат сиёсатининг устувор муҳим йўналишларидан бўлган касб-хунар таълими ва бандлик нафақат ёшлар келажагини таъминлашда, балки юрт равнақида ҳам муҳим аҳамиятга эга. Замонавий техника, технологияларни эгаллаган, бозор иқтисодиёти, ҳуқуқий давлат мазмун-моҳиятини тушунган малакали кадрларгина эртанги кунимизнинг ҳал қилувчи кучига айланиши мумкин.

Мамлакат тараққиётида, иқтисодий юксалишида ёшларни ўқишга, ишга жойлаштиришнинг аҳамияти катта. Эътиборлиси, касбга йўналтириш орқали ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг олди олинадиган, қолаверса, ёшларимизнинг келажакка ишончи янада мустаҳкамланади. Айниқса, касб-хунарга йўналтириш ва ёшлар бандлигини таъминлашда замонавий ахборот технологиялар, интернет тармоғидан фойдаланишга алоҳида аҳамият берилаётир.

Ёшларни касб танлашга тайёрлашда Шарқ халқларининг бой маънавий меъроси катта аҳамият касб этади. Касбга йўналтиришнинг моддий ва маънавий меъросимиз билан ҳамоҳанг равишда ривожланиши жуда кўпгина мутафаккирларимизнинг, донишмандларимизнинг битикларида ва адабий меъросларида юксак маҳоратлари билан бирга битилди, жаҳоннинг маданият хазинасига салмоқли ҳисса бўлиб қўшилди. Турли ижтимоий-иқтисодий тузумларда яратилган ҳадислар, панднома, ривоят, ҳикоя, дoston, мақол, ғазал, рубоий, маснавий, эртак ва бошқа кўринишларида инсоннинг таълим-тарбияси ва касб-хунар ўрганишнинг афзаллиги, ҳалол меҳнат билан яшашнинг зарурлиги тўғрисидаги фикрлар бизгача етиб келган. Бундай ёзма манбаларга зардуштийларнинг улуғ асарларидан ҳисобланган IV-VI асрларда яратилган "Авесто"да болалар ёш пайтлариданоқ дарахт кўчати ўтказиш, уй-рўзғор қуроллари ясаш, ерга ишлов бериш ва чорва билан шуғулланишга ўргатилиши шарт қилиб қўйилиши тўғрисидаги сатрлар кўплаб келтирилган.

Буюк мутафаккир Абу Наср Фаробийнинг "Бахт саодатга эришув" асарида "Агар касб-хунар фазилати туғма бўлганда, подшоҳлар ҳам истаб ва ҳаракат қилиб эмас, балки подшоҳлик ҳам уларга фақат табиий равишда муяссар бўлган, табиат талаб қилган табиий бир мажбурият бўлиб қолар эди", деб айтилади.

Қомусий олим Абу Райхон Берунийнинг "Минералогия" асарида бу ҳақида: "Меҳнатсиз шон-шавкатга, мартабага эришган киши ҳурматга лойиқми? Юқори мартабага меҳнатсиз эришган киши фароғат ва роҳат соясида яшайди, яхши кийинади, аммо улуғлик либосидан маҳрум, яланғочдир". Мутафаккир олим ушбу сўзлари билан ҳақиқий улуғлик, ҳақиқий роҳат, ҳақиқий фароғатда яшаш учун киши ҳалол меҳнат қилмоғи лозим, агар киши меҳнатсиз ҳолда юқори мартабаларга чиқиб қолган тақдирда ҳам меҳнат қилмаса, бу ҳолда киши юзаки обрўга эга, аслида эса у яланғочдир дейди.

Шарқнинг буюк мутафаккирларидан ҳисобланган Алишер Навоийнинг "Ҳамса" даги йирик дostonларидан бири "Фарход ва Ширин" дostonидаги Фарход сиймосида ёшлик даврларидан илм-хунарга қизиқишини намуна келтириб, бу билан ёшларни, бир неча хунарларни эгаллаб олишга ундайди. Шунингдек, Навоий Фарходни меҳнат ва хунарга зўр ҳавасли, сартарошлик, рассомлик ва наққошлик хунарларини ҳам мукамал эгаллаб олган киши сифатида улуғлайди.

Ёшларни ҳаётга тайёрлаш, уларни касбга йўналтиришда ижтимоий-маданий фаолият технологияларидан фойдаланиш долзарб масала бўлиб, бу борада муҳтарам Президентимиз Ш.М.Мирзиёев томонидан ижтимоий, маданий-

маърифий фаолиятдаги жараёнларни янги тизимлаштириш, яъни ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш юзасидан билдирган 5 та ташаббуслари дастурул амал бўлиб хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 2019 йил 19 март куни ёшларга эътиборни кучайтириш, ёш авлодни маданият, санъат, жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб этиш, уларда ахборот технологияларидан тўғри фойдаланиш кўникмасини шакллантириш, ёшлар ўртасида китобхонликни тарғиб қилиш, хотин-қизлар бандлигини таъминлаш масалаларига бағишланган видеоселектор йиғилиши бўлиб ўтди.

Йиғилишда ижтимоий, маънавий-маърифий соҳалардаги ишларни янги тизим асосида йўлга қўйиш бўйича 5 та муҳим ташаббус илгари сурилган бўлиб, улар қуйидагилар:

Биринчи ташаббус ёшларнинг мусиқа, рассомлик, адабиёт, театр ва санъатнинг бошқа турларига қизиқишларини оширишга, истеъдодини юзага чиқаришга хизмат қилади.

Иккинчи ташаббус ёшларни жисмоний чиниқтириш, уларнинг спорт соҳасида қобилиятини намоён қилишлари учун зарур шароитлар яратишга йўналтирилган.

Учинчи ташаббус аҳоли ва ёшлар ўртасида компьютер технологиялари ва интернетдан самарали фойдаланишни ташкил этишга қаратилган.

Тўртинчи ташаббус ёшлар маънавиятини юксалтириш, улар ўртасида китобхонликни кенг тарғиб қилиш бўйича тизимли ишларни ташкил этишга йўналтирилган.

Бешинчи ташаббус хотин-қизларни иш билан таъминлаш масалаларини назарда тутди.

Ушбу 5 ташаббус ҳалқимиз, айниқса, ёшларимиз томонидан катта қизиқиш билан кутиб олинди. Йиғилишда бу тажрибани Ўзбекистоннинг барча ҳудудларида кенг жорий қилиш масалалари муҳокама қилинди.

Бугунги кунда мамлакатимиздаги 800 дан ортиқ маданият маркази, 312 та мусиқа ва санъат мактабига атиги 130 минг нафар ўғил-қиз қамраб олингани, мазкур муассасаларнинг аксарияти ўқув қўлланмалари, ноталар тўплами, мусиқа асбоблари ва жиҳозлар билан етарли даражада таъминланмагани қайд этилди.

Давлатимиз раҳбари жойлардаги маданият марказлари, мусиқа ва санъат мактабларининг моддий-техник базаси ва улардан фойдаланиш ҳолатини ўрганиб, фаолиятини яхшилаш бўйича топшириқлар берди.

Маданият вазирлиги ва Халқ таълими вазирлигига ҳокимликлар билан биргаликда туман (шаҳар) маданият марказлари ва умумтаълим мактабларида ёшларнинг қизиқишидан келиб чиқиб, қўшимча 1,5 мингта тўғарак ташкил этиш вазифаси қўйилди. Ташаббускор истеъдодли ёшлар ва маҳаллий ҳомийларни жалб этган ҳолда, маданият марказларида бадиий-ҳаваскорлик жамоалари, ёшлар театр-студиялари ва "Ёшлар клублари" ташкил қилиш зарурлиги таъкидланди.

Атоқли санъаткор ва истеъдодли ижодкорларни туманлардаги маданий ишларга кўмакчи сифатида бириктириш яхши натижа бераётганини инобатга олиб, бу тажрибани бутун мамлакатга ёйиш бўйича кўрсатмалар берилди. Унга мувофиқ, таниқли артистлар туман ва шаҳарларга ижодий маслаҳатчи сифатида бириктирилиб, ўша жойларда маданият ва санъатни ривожлантиришга масъул бўлади, туман ва шаҳарлар ҳокимлари эса ушбу ишларга моддий ва ташкилий жиҳатдан ёрдам беради.

Мусиқа ва санъат соҳасида олий маълумотли кадрларни кўпайтириш масаласига

ҳам эътибор қаратилди. Олий ва ўрта махсус таълим ҳамда Халқ таълими вазирликларига муайян мавзулар бўйича тарих дарсларини музейлар, тарихий обидалар, қадамжо ва театрларда сайёр ўтказилишини ташкил қилиш топширилди.

Иккинчи ташаббусга доир масалалар муҳокама қилинар экан, юртимизда 12 мингдан зиёд спорт иншооти борлиги, лекин ёшларни жисмоний тарбия ва оммавий спортга қамраб олиш даражаси етарли эмаслиги қайд этилди. Умумтаълим мактабларининг спорт анжомлари билан жиҳозланиш кўрсаткичи мамлакат бўйича 56 фоизни ташкил этгани ҳолда, Сурхондарё вилоятида атиги 12 фоиз, Хоразмда 14 ва Қорақалпоғистонда 15 фоиз, холос.

Йиғилишда ёшларни жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб этиш борасидаги чора-тадбирлар белгилаб берилди. Туман ва шаҳарлар ҳокимларининг ёшлар масалалари бўйича ўринбосарларига мутахассислар билан биргаликда ёшларнинг спорт турларига қизиқиши ҳамда спорт иншоотларининг жиҳозланиш даражасини ўрганиб, шу асосда таклифлар бериш, Вазирлар Маҳкамасига уларни амалга ошириш учун зарур маблағлар манбасини аниқлаш вазифаси юклатилди.

Олис ва чекка қишлоқларда енгил конструкцияли сендвич панеллардан кичик спорт заллари ва сунъий қопламали майдонлар қуриш, ташаббускор тадбиркорларга спорт иншоотлари барпо этиш учун ер ажратиш зарурлиги таъкидланди. Бундай тадбиркорларга Миллийбанк томонидан "Ёшлар - келажагимиз" Давлат дастури доирасида имтиёзли кредитлар ажратилади.

Жойлардаги спорт мактабларига таниқли халқаро мусобақалар ғолибларини раҳбар этиб тайинлаш, шунингдек, спортчиларни олий ўқув юртларининг махсус сиртқи бўлимларида мақсадли ўқитиш яхши натижа бериши қайд этилди. Болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари сонини кўпайтириш юзасидан топшириқлар берилди.

Видеоселектор йиғилишида ёшларни интернетдаги зарарли хуружлардан асраш, уларни ахборот технологияларидан унумли фойдаланишга ўргатиш масалаларига ҳам алоҳида аҳамият қаратилди.

Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигига илғор халқаро тажрибалар асосида барча шаҳарларда ва туманлар марказида Рақамли технологиялар ўқув марказларини ташкил этиш бўйича топшириқ берилди. Бу марказларда электрон тижорат ва дастурлаш бепул ўргатилади, ахборот технологиялари соҳасида бизнес бўйича инновацион кўникмалар шакллантирилади, "стартап" лойиҳаларга ёрдам кўрсатилади.

Бугунги кунда барча мактабларда компьютер техникалари бўлишига қарамасдан, интернет хизматидан етарли даражада фойдаланилмаётгани танқид қилинди. Халқ таълими вазирлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигига 2021 йилгача барча мактаблардаги компьютер синфларини замонавий технологиялар ва юқори тезликдаги интернет тармоғи билан таъминлаш бўйича чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқиш вазифаси қўйилди.

Ташаббускор тадбиркорларни жалб қилган ҳолда, компьютер ўйинлари марказларини ташкил этиш, уларда болалар ва ёшларнинг билим ва дунёқарашини кенгайтиришга хизмат қиладиган тест, викторина, ривожлантириш стратегиялари ва бошқа фойдали дастурлар бўлиши зарурлиги таъкидланди.

Ёшларда болалик чоғидан китобга меҳр уйғотиш, мустақил фикр ва кенг дунёқарашни шакллантириш уларнинг ҳаёт йўларида мустаҳкам замин бўлади. Лекин кўплаб қишлоқ ва маҳаллаларда бунинг учун зарур шароит мавжуд эмас. Илгариги кутубхоналар ўрнида ташкил этилган Ахборот-ресурс марказлари

ўзларига юклатилган вазифаларни бажара олмади. Шу ҳолатларни ҳисобга олиб, янги ташаббус доирасида ёшлар сонидан келиб чиққан ҳолда жойларга қўшимча китоблар етказиб бериш режалаштирилган.

Давлатимиз раҳбари мутасадди вазирлик ва идораларга "Маърифат карвони" лойиҳаси доирасида бадиий, маърифий, ижтимоий мавзуларда китоблар чоп этиш ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятларга 1 миллион нусхадан кам бўлмаган миқдорда етказиб бериш бўйича топшириқ берди.

Йиғилишда маҳаллий ҳокимликлар ҳар бир шаҳар ва туман марказида биттадан намунали китоб дўкони ташкил этиши кераклиги таъкидланди. Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигига барча шаҳар ва туманларда кўчма китоб павильонларини жойлаштириш, "Библиобус"ларни йўлга қўйиш орқали қишлоқ ва овуллар аҳолисига кутубхона хизмати кўрсатиш вазифаси юклатилди.

Йиғилишда хотин-қизларни иш билан таъминлаш масалалари ҳам муҳокама қилинди. Шу мақсадда 2019-2020 йилларда барча туманларда сендвич панеллардан 195 та тикув-трикотаж корхонаси ташкил этиш белгиланган. Уларни куриш учун аҳоли зич яшайдиган, меҳнат ресурслари кўп жойлар танлаб олинган. Бу корхоналарни ташкил этиш натижасида хотин-қизлар учун 24 мингдан ортиқ доимий иш ўрни яратиш кўзда тутилган.

Президентимиз меҳнат қилиш истагидаги аёллар иш ўринлари сонидан анча кўплигини ҳисобга олиб, корхоналарда ишни 2 сменада ташкил этиш, уларда харидоргир маҳсулотлар ишлаб чиқариш зарурлигини таъкидлади.

Йиғилишда қайд этилган 5 ташаббусни кенг жорий қилиш мақсадида барча ҳудудларга мутасадди раҳбарлар масъул қилиб бириктирилди. Шунингдек, бу вазифаларга Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси раиси, вилоятлар, Тошкент шаҳри, туман ва шаҳарлар ҳокимлари, "Нуроний", "Маҳалла" жамғармалари, Хотин-қизлар кўмитаси, Ёшлар иттифоқи раҳбарлари шахсан масъул ва жавобгар этиб белгиланди.

Бирон-бир жамият ўз тараққиётини таъминлашда маданият ва санъатни, ўзининг миллий-маънавий қадриятларини ривожлантирмай туриб ўз истиқболини тасаввур эта олмайди. Ўзининг қадимий ва анъанавий маданияти билан жаҳон цивилизациясига ўлкан ҳисса қўшган халқимиз томонидан яратилган бой маданий меросимиз дурдоналарини асраб-авайлаш, ўзбек халқи маданияти ва санъатининг таркибий қисми бўлган қадимий анъаналаримиз, аждодларимиздан бизгача етиб келган маънавий бойлик - халқ қўшиқлари, томошалар, достонлар, мақомлар, рақслар ва миллий маросимларни бугунги кун талабидан ўрганиш, унга катта ҳурмат билан муносабатда бўлиш, келгуси авлодларга бекаму-кўст етказиш истиқлол йилларида давлат сиёсати даражасига кўтарилди.

Халқимиз бой миллий тарбия анъаналарига эга, унган оқилона фойдаланиб етук инсонни тарбиялаш, вояга етказиш ва буюк мақсадлар ўз навбатида таълим ва тарбиянинг тажрибада синалган шакллари билан бир қаторда, жаҳондаги илғор педагогик технологиялардан фойдаланиш, малакали мутахассислар тайёрлашга, ёшларнинг қобилияти, қизиқиши ва имкониятларини ҳисобга олган вазифаларни ҳал этишга қаратилган.

Ёшларни касбга йўналтиришда маданият ва санъат муассасаларининг ўрни катта. Ёш авлод тарбиясида маданият ва санъат шундай таъсир кучига эгаки, уларнинг қизиқишига қараб бирор соҳага йўналтириш ёки ижтимоий фаоллигини оширишда муҳим воситадир. Юқоридагиларни инобатга олиб мазкур муассасаларда қуйидаги ишларни амалга ошириш тадқиқот мақсадини ёрқин ифода этишда

ёрдам беради:

маданият ва санъат муассаларида маҳаллий ёшларнинг қизиқишларига қараб тўғарақлар очиш, мавжуд тўғарақлар фаолиятини такомиллаштириш;

касблар маълумотлар бурчагини ташкил этиш ва шу мавзуда кўчма кўргазмалар ташкил этиш;

ёшларнинг сиёсий, мафкуравий, ҳуқуқий, маданий онгини ошириш мақсадида маҳаллий таълим муассасаларида давра суҳбатлари, тренинглар, баҳс-мунозаралар, викториналар ва шу кабиларни ташкил этиш ва сифатига алоҳида эътибор қаратиш;

замонавий билимларга ихтисослашган сайёр гуруҳлар ташкил этиш ва ушбу гуруҳ фаолиятини бевосита таълим муассасаларида амалга ошириш;

"Мен ва санъаткор" лойиҳаси асосида санъатга қизиқувчи ёшлар учун маҳаллий, таниқли санъаткорларни жалб этиб, "Устоз-шогирд" анъаналарида машғулотлар ташкил этиш;

маҳсус ҳисоб ва ҳомийлар ажратган маблағлар асосида фаол ёшларни раҳбатлантириб бориш.

Республикамизда шиддатли кечаётган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар ва изчил тарихий жараённинг тадрижий ривожини, халқимиз айниқса ёшлар салоҳиятини янада такомиллаштириш ва шахснинг ижодий имкониятларини фаолаштиришнинг долзарб муаммоларини кун тартибига қўймоқда. Ўзгараётган Ўзбекистон шароитидаги янги тафаккурнинг умуминсоний аҳамиятга молик истиқболлари, жамиятимизнинг ҳар бир аъзоси онгига миллий ғояни чуқур сингдириш, ижтимоий-маданий фаолиятини ҳар томонлама ривожлантириш борасида ислоҳотларни янада жадал суратларда давом эттириш Ўзбекистон сиёсий жамиятидаги энг муҳим ва ўта долзарб вазифалардан бири бўлиб қолаверади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги "Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида"ги ПФ-4947-сон фармони.

2. Мирзиёев Ш.М. Адабиёт ва санъат, маданиятни ривожлантириш - халқимиз маънавий оламини юксалтиришнинг мустаҳкам пойдеворидир // Ўзбекистон ижодкор зиёлилари вакиллари билан учрашувдаги маърузаси. Халқ сўзи. 2017 йил 4 август.

3. Абу Наср Форобий. Фозил одамлар шаҳри. - Тошкент: "Ўзбекистон миллий энциклопедияси" давлат илмий нашриёти. 2004.

4. Азимова Э.М. Ўқувчиларни касб танлашларида касбий маслаҳат таъсири. - Тошкент: Алоқачи, 2011.

5. Давлятов К. Меҳнат ва касб таълими тарбияси ҳамда касб танлаш назарияси ва методикасидан машғулотлар. -Т.: Ўқитувчи. 1995.

6. Жалолов А. Касб қандай танланади. - Тошкент: Янги аср авлоди, 2010.

7. Жамолдинова О. Ёшларнинг соғлом турмуш маданиятини шакллантиришда узвийлик ва узлуксизлик. - Тошкент: Янги аср авлоди, 2011. - 248 б.

МАДАНИЯТ ЧОРРАҲАЛАРИ ПЕРЕКРЁСТОК КУЛЬТУРЫ CROSSROADS OF CULTURE


Мадаминов Сиддиқжон

Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтининг
Фарғона минтақавий филиали ўқитувчиси

Акбаров Тошпўлат

Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтининг
Фарғона минтақавий филиали катта ўқитувчиси

МИЛЛИЙ МУМТОЗ ҚЎШИҚЧИЛИК САНЪАТИНИ ЎРГАТИШДА ЭЪТИБОР ҚАРАТИЛИШИ ЛОЗИМ БЎЛГАН ЖИҲАТЛАР

 <http://dx.doi.org/10.26739/2181-0737-2019-4-6>

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада миллий мумтоз қўшиқчилик санъатини ўрганишда эътибор қаратилиши керак бўлган жараёнлар ва асосий йўналишлар ҳақида сўз боради.

Калит сўзлар: қўшиқ, мусиқа, товуш, ритм, техника, овоз, соз.

Олимларнинг таъкидлашича, баланд тебранишли товушлар мияда акс садо бериб, фикрлаш фаолиятини қўзғайди, тасаввур ва хотирани жонлантиради. Ўртача кўламдаги товушлар хис-ҳаяжон, нафас олиш ва юрак фаолиятига таъсир кўрсатади. Паст товушлар эса жисмоний ҳаракатга ундайди. Масалан, паст тебранишли гингиллаш одамни безовта қилса, зўрга эшитиладиган бир хил оҳанг эса фикрни жамлашга, хотиржамликка қўймайди.

Табиатда хилма-хил товушлар мавжуд бўлиб, улар бир-биридан ажралиб туради. Шу боис соз ва инсон овози фарқланади, уларнинг ўзига хос жиҳатлари бошқа товушларга ўхшамайди. Бу ўзига хосликни ифодалаш учун баъзида ширали, тиниқ, титроқ, ҳазин каби нисбий сўзлар қўлланилади. Дарҳақиқат, мусиқанинг товуш тўлқинлари сеҳрли хухусиятига эга. Улар бизнинг хулқ-атворимиз, билим ва соғлигимизга таъсир кўрсатувчи омиллар сифатида муҳим аҳамият касб этади. Титроқ товушлар киши организмиде ўзгариш ясовчи образлар ва таъсирланиш кучига эга ички руҳий қувват майдонларини вужудга келтиради.

Кўпчилик мусиқанинг "қалб тили" эканини билади, лекин бу гапнинг асл моҳиятини ҳамма ҳам англайвермайди. Тажрибалардан маълум бўлишича, мусиқани тушиниш учун уни ҳар доим ҳам эшитиш шарт эмас экан. Мусиқа беқийёс қудрат манбаидир. Фаробий, Ибн Сино каби мутафаккирларнинг асарларидан мусиқанинг

жумладан, мақом санъатининг инсонга таъсири бобида назарий ва амалий хулосаларга эга бўлиш мумкин. Қадимда мусиқадан рух ва тана уйғунлигини вужудга келтирувчи восита сифатида фойдаланилган. Мусиқа ҳаётнинг бутунлай ўзгача манзарасини намоён қилишга қодир. Унда даврнинг муҳим чизгилари акс этади, оҳанг ва товушларнинг хусусиятларини уйғунлаштирган ҳолда инсоннинг туйғуларини очиб берувчи бир "тил"ни яратади.

Миллий мусиқа санъатимизнинг ижодий тажрибаси кейинги давр мусиқа санъати учун маҳорат мактаби бўлиб келган. Авлодларимиз аجدодлардан мерос бўлиб келган мусиқий асарлардаги оҳангларни ва улардаги қарашларни давр талабига муофиқ равишда янада бойитганлар.

Мусиқани нафақат санъат тури деб, балки инсон салоҳиятини юксалтирувчи табиий омил сифатида ҳам ўрганиш зарур. Мусиқа бизни она табиатнинг турли оҳанг ва товушлари билан муомала қилишимизга, уларнинг моҳиятига етиш ва одамалар ўртасидаги муносабатлар билан ички дунёмиз мутаносиблигини топишга ёрдам беради.

Мусиқа санъати масалаларига умумфалсафий нуқтаи-назардан ёндашадиган бўлсак, аввало, у маънавий-эстетик қадриятдир. Унда моддий манфаатдорликдан кўра маънавийлик кўпроқ акс этади. Шунинг учун инсонлар чинакам санъат асарларини қадрлайди. Зеро, санъат инсон фаолиятида зарур бўлган муҳим эҳтиёжларни қондиради. Бу айниқса, - ҳаёт эстетик туйғу билан туғилган эстетик эҳтиёжлардандир.

Юнус Ражабий "Ўзбек халқ чолғу мусиқаси" деб номланган тўпламида Ўрта асрлардаги ва кейинчалик яратилган мусиқа чолғу асбоблари ва улардаги ижро этиладиган асарлар тўғрисида қимматли маълумотларни келтиради.

Бу борада Абу Наср Фаробийнинг "Мусиқа ҳақидаги рисола"сига алоҳида урғу бериб, чолғу асбоби ва мусиқий оҳанг уйғунлигининг инсон эстетик оламига таъсирига доир айрим фактик мулоҳазани баён этади. Шуни таъкидлаш жоизки, Шарқ маънавий дунёсининг узвий бўлган мумтоз мусиқага оид қадим ёдгорликларни ўрганиш бутунги кун мусиқа эстетикасининг муҳим вазифаларидан ҳисобланади.

Ўзбек халқ анъанавий мусиқаси бўлмиш мақомлар, маросим мусиқалари, фолклор қошиқлари ўзига хос бадиий эстетик жанр тизимидир. Ўзбек халқ миллий, мумтоз қўшиқларини асл ҳолича келажак авлодга етказиш бизнинг вазифамиз экан биз бу борада нималарга аҳамият қаратишимиз керак?

Биз мумтоз қўшиқларимизни ёш авлодга ўргатишда қўшиқларни тўғри танлаш, талабанинг овоз имкониятига ҳам эътибор қаратишимиз лозим. Миллий мумтоз қўшиқларимизнинг нақадар бебаҳо эканлигини аниқлаш биз педагогларнинг вазифамиз экан, талабаларимиз билим ва кўникмаларини мумтоз қўшиқларимизнинг ижро йўналиши, матни, маъноси ва тарихи билан бойитишимиз керак деб ўйлайман.

Биз бирор асарни олар эканмиз, уни талабага аввало тарихини, келиб чиқишини, маъно моҳиятини, куйи ва матни ҳақида ўзимиз бутун маълумотга эга бўлишимиз ва бутунлигича қандай бўлса шундайлигича етказиб беришимиз керак.

Миллий қўшиқчилик санъати устоз - шоғирдлик анъаналари асосида ўқитилади ва айнан миллий мумтоз қўшиқларимизнинг асл ҳолича қандай яралган ва қай тарзда ижро этилган бўлса шу ҳолича ўргатиш миллий мумтоз қўшиқларимизнинг умрини узайтирди. Талабага бирор асарни берар эканмиз, уни майда-майда

элементларга бўлиб, куйнинг ҳар бир нотасини, қўшиқ матнининг ҳар бир байти, сўзини маъноларини сингдиришимиз зарур. Миллий қўшиқчиликнинг энг ёрқин намуналаридан Навоий ғазали билан Дони Зокиров мусиқаси асосида яратилган "Эй сабо" ашуласи: энг аввало талабага бу қўшиқ яралиши ҳақида тушунча бериб ўтамиз. Қўшиқнинг мусиқаси ва йўналишини ундаги ҳар бир такт, ҳар бир пауза, ҳар бир элементларга тўхталаримиз. Талаба бу ашулани аввалига қуруқ беъмано ижро этиши табиий ҳол чунки талаба бу ашуланинг тағ замирини англаши учун унга Дони Зокиров мусиқасидаги сирни, буюк бобокалонимиз Алишер Навоий ҳазратларининг "Эй сабо" дея яратган ғазалларидаги синоатни етказиб сўзлардаги туб маънони англашиб бериш мақсадимиз бўлиши керак.

Алишер Навоийнинг "Эй сабо,..." ғазалида бир қарашда ошиқнинг дил изхорига оид туйғулар ифодаси акс этаётгандай кўринса-да, аслида, объектив воқеликка бўлган эстетик муносабат ифодаси бош ўринда турганлигини пайқаш қийин эмас. Ошиқ сабога (майин эсан ёқимли шаббода) мурожаат қилади:

Эй сабо, ҳолим бориб сарви хиромонимга айт,

Йиғларимнинг шиддатин гулбарги хандонимга айт.

Сабодан кутилаётган илтифот битта: ошиқнинг ҳолатини, чекаётган изтиробларини севиклисигага етказиш. Аммо севикли инсон оддийлар қаторида турмайди. Унинг биринчи белгиси - "сарви хиромон"лигида. Ошиқнинг "ҳоли" унинг "йиғларимнинг шиддати" ифодасида очиқ кўрсатилган. Маъшуқа - "гулбарги хандон" сифатида буни англаса, ошиқ кўнгли тасалли топади.

Ёрнинг эзгу хислатлар билан ёдга олиниши тасодифий эмас. Бунинг реал асослари бор. Энг муҳими, дастлаб ёрнинг ўзи ҳам ошиққа бепарво ва лоқайд муносабатда бўлган эмас, балки аҳд-у паймон қилишга имкон яратган. Фақат бугун бу аҳддан қайтган ҳолда намоен бўлмоқда. Шунинг учун ҳам ёр "бад аҳд-у паймон" сифатига "мушарраф" бўлган:

Буки анинг аҳд-у паймонида мен ўлсам дағи

Яхши фурсат топсанг, ул бад аҳд-у паймонимга айт.

Ёрнинг-ку аҳд-у паймондан қайтганлиги аниқ. Ошиқда ўлмакдан бошқа имкон йўқ. Бу хабарни ёрга етказиш лозим бўлади. Сабонинг елкасига юкланаётган вазифалардан бири ҳам шу. Аммо буни бажариш учун истаган ҳаракатни қилиш мумкин эмас. Бунинг учун тегишли фурсат топилиши керак. Бу фурсатнинг эса, албатта, "яхши" бўлиши шартдир. Шундагина ёмон ("бад") аҳд-у паймон эгасининг кўнглига озор етмайди. Шахс кайфиятидаги фоже ҳолатнинг бундай тиниқ ифодаси, албатта, ўқувчига таъсирсиз қолмайди.

Буки анинг зулфи зуннорида диним ҳосили

Куфр ила бўлмиш мубаддал, номусулмонимга айт.

Яъни "Эй сабо, ёрнинг зулфи зуннорида диним ҳосили куфрга алмашганини номусулмонимга айт". Ошиқ айтмоқچики, ёр кўйида мен белига зуннор боғлаб бут (ҳоч)га топинувчи (насроний)лар каби ишлар қилгани боис савобларим куфр (ношаръий иш)га айланди. Мазкур байт ирфоний маъноларга ҳам эга.

Барибир, маъшуқа учун ошиқнинг жони ҳам, жаҳони ҳам садақа бўлади. Зеро, ошиқ учун маъшуқадан кўра "яхши жонон" мавжуд эмас:

Буки қилмишмен жаҳон-у жонни анинг садқаси,

Юз туман жон-у жаҳондин яхши жононимга айт.

Ошиқнинг дил изтироблари сўнгсиз, адоқсиз. У маъшуқа учун "юз жон садқа" қилса ҳам ачинмайди, пушаймон бўлмайди. Аммо ёрнинг субутсизлиги, сўзининг устидан чиқмаслиги унга азият етказди, пушаймонликлар беради:

Буки юз жон садқаси қилсам пушаймон бўлмағум,
Васлиға бир ваъда қилғандин пушаймонимға айт.

Мазкур ғазалдаги ошиқ мумтоз адабиётимиздаги бошқа ошиқлар билан бир нуқтада ҳамфикр ва ўхшаш: у ўз ёридан бошқа гўзалларни тан олмайди. Бунинг сабаби ҳам яна ёрнинг ўзи - у гўзалликда тенгсиз, қиёссиз:

Буки юз минг фитнакўзлуг бўлса пайдо онсизин,
Қилмағум назора ҳаргиз кўзи фаттонимға айт.

Кўз тасвири кейинги байтда яна давом этади. Энди у анъанавий тарзда "усрук" дейилади. Бу сузилган кўзнинг поетик ифодаси. Аслида, у луғавий жиҳатдан "маст, сархуш" маъносига эга. Бу кўз эгаси "эл қасдиға", демакки, бошқага қараган кўздир. Ошиқ учун ҳам энг изтиробли жиҳати шу: бу усрук кўзнинг ошиққа эмас, бошқаларга - "эл"га қарашидир:

Буки чок айлаб ёқа, усрук чиқар эл қасдиға,
Мен ўлуб эл жон топар, бебоки нодонимға айт.

Маъшуқанинг шарофати билан ошиқ, ўз назарида, "жон топиши", яъни ҳаёт маъносини билишга интилиши, ҳаёт шодликларидан, завқ-у суруридан баҳра топиши лозим эди. Амалда бундай бўлиб чиқмади. "Мен ўлуб эл жон топар" деган ифода "бебоки нодон" маъшуқани "фош этиш"га қаратилган. Аммо бу ерда таҳдид ҳам, таҳқир ҳам йўқ. Фақат, юмшоққина эътироз мавжуд, холос. Бу юмшоқлик ва, таъбир жоиз бўлса, ошиқнинг маъшуқа олдидаги эркалиги - им эгалик кўшимчасининг иштироки билан янада таъкидланиброқ юзага чиқмоқда. Маъшуқани инсофга чақириш мумкин. Шундай йўллардан бири умрнинг ўткинчи эканлигини, ҳусннинг абадий қолмаслигини эслатиш. Бунинг учун оламдаги, табиатдаги бошқа бир ҳодисалар эсга олинади, қиёсланади:

Даҳр боғи гуллари ҳуснин вафосиз эрканин,
Юзи гул, жисми суман, кўйи гулистонимға айт.

Бу ерда "даҳр боғи гуллари"нинг ҳам ўз, ҳам кўчма маънода қўлланганини қайд этиш керак. У ўз маъносида оламдаги гул - ўсимликларни англатади ҳамда уларнинг гўзаллиги муваққатлигини таъкидлашга хизмат қилади. Кўчма маънода эса у гўзалларни, умуман, тирик жонларнинг барчасини ҳам англатаётгани кўриниб турибди.

Ниҳоят, ошиқ кўнгил ёрнинг таърифини яна бир поғонага кўтаради. Энди у "шоҳи сухандон" сифатида таърифланади. Биринчи маротаба шу ўринда ошиқ ҳам ўзининг асл қиёфасини ошкор этишга жазм этади, ўзининг "хушнаво булбул" эканлигини билдириб ўтишни лозим топади:

Эй Навоий, ҳеч гулшаннинг сенингдек хушнаво
Булбули йўқ эрканин шоҳи сухандонимға айт.

Ушбу ғазалда қўлланган сўзлар ошиқ ва маъшуқа ҳолатининг ўзига хослиги ва даражасини баҳолашнинг мезони бўлиб хизмат қилмоқда. Бу ерда маъшуқанинг ошиқ учун нақадар азиз ва қадрли эканлиги образли тарзда акс этган.

Юқорида "Эй сабо" ғазали орқали кичик бир таҳлилни кўриб чиқдик. Миллий мумтоз кўшиқларимизнинг ҳар бирида ўқитиш жараёнида манашундай таҳлил қилишимиз ва таҳлил натижасидан олинган ҳулосани талабага тушунарли қилиб ўқитишимиз зарур.

Ҳар бир инсон нафақат ижодкор балки оддий тингловчилар ҳам кўшиқнинг туб маъносига қараб тингловчилик қилади. Муסיқа эса сўзга жило ва сайқал бериб сўзнинг таъсирини янада кучайтиради ва тингловчи онгига куй орқали етиб броман сўзнинг таъсири янада кучланади. Шунинг учун ҳар бир ашуланинг

туб-тубида жойлашган маъносини англаб ўша маънони асл ҳолича тингловчига етказиб бериш бош вазифамиздур. Биз мумтоз қўшиқларимизнинг бугунги кундаги ижросидаги камчиликларни айнан куй ва сўзнинг маъносини англамай оддий сўз ва куй бирикмаси сифатида қараётганимизда дейишимиз мумкин.

Биз мумтоз қўшиқларимизнинг нечоғлиқ сеҳрга, маънога, жозиба ва ички тарихига назар солсак чексиз уммонни кўришимиз мумкин. Ижодкорлар томонидан яратган миллий фақатгина бизнинг халқимизга хос бўлган мумтоз қўшиқларимизнинг бизгачам етиб келганлигидан вазифамизни англаб олишимиз қийин эмас. Бизга мумтоз қўшиқлар бекаму кўст устозлар томонидан етиб келган экан, бизнинг вазифамиз эса ана шу асл хазинани ёш авлодга асл ҳолича етказиб беришдан иборат.


Фойдаланилган адабиётлар:

1. Каримов И.А. Юксак маънавият - енгилмас куч. - Тошкент: Маънавият. 2008
2. Раҳмонов М. Ўзбек театри. 1-2 китоблар. - Тошкент: Фан, 1968, 1975.
3. Қодиров М. Ўзбек халқ томоша санъати. - Тошкент: Фан, 1981.
4. Қодиров М. Томоша санъати. - Тошкент: Мерос, 1993.
5. <http://www.maqom.uz/maqom-tarixi/>

МАДАНИЯТ ЧОРРАҲАЛАРИ ПЕРЕКРЁСТОК КУЛЬТУРЫ CROSSROADS OF CULTURE

Аҳмедов Зоҳиршоҳ Зокиржон ўғли
Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти
2-курс магистранти

ЎЗБЕК ПРОФЕССИОНАЛ ТЕАТРИ ТАРАҚҚИЁТИДА МИЛЛИЙ РЕПЕРТУАР МАСАЛАЛАРИ

 <http://dx.doi.org/10.26739/2181-0737-2019-4-7>

АННОТАЦИЯ

XX асрнинг бошларида вужудга кела бошлаган ўзбек миллий театрининг илк ижодий фаолияти ҳозирги профессионал театр тараққиётига ҳам маънан, ҳам шаклан ижобий таъсир кўрсатган. Мазкур мақолада мана шу даврда "Турон" театр труппасида саҳналаштирилган миллий асарларнинг маънавий аҳамияти тадқиқ этилган.

Калит сўзлар: маданият, санъат, маънавият, адабиёт, театр, саҳна, актёр, режиссёр, драматург, жадиличлик ҳаракати, миллий репертуар.

Аҳмедов Зоҳиршоҳ Зокиржон угли
Магистрант 2-курса Государственного института
искусств и культуры Узбекистана

ВОСПОСЫ НАЦИОНАЛЬНОГО РЕПЕРТУАРА В РАЗВИТИИ УЗБЕКСКОГО ПРОФЕССИОНАЛЬНОГО ТЕАТРА

АННОТАЦИЯ

Ранняя творческая деятельность узбекского национального театра, возникшая в начале XX века, оказала духовное и по форме положительное влияние на развитие современного профессионального театра. В данной статье исследуется духовное значение национальных произведений, сыгранных в этот период в театральной труппе "Турон".

Ключевые слова: культура, искусство, духовность, литература, театр, сцена, актер, режиссер, драматург, движение джадидов, национальный репертуар.

Akhmedov Zohirshokh Zokirjon ugli
The 2-year master of Uzbekistan
State Institute Arts and Culture

QUESTIONS OF THE NATIONAL REPERTOIR IN THE DEVELOPMENT OF THE UZBEK PROFESSIONAL THEATER

ANNOTATION

The early creative activity of the Uzbek national theater, which arose at the beginning of the twentieth century, had a spiritual and positive impact on the development of the modern professional theater. This article explores the spiritual significance of national works played during this period in the theater troupe "Turon".

Keywords: culture, art, spirituality, literature, theater, stage, actor, director, playwright, Jadid movement, national repertoire.

XX асрнинг 10-йиллари Туркистон маданияти тарихига янги ўзбек миллий театрининг вужудга келиш даври бўлиб киради. Ана шу тарихий шароитда - жадидчилик ҳаракатининг илк босқичи маърифатчилик, унинг яна бир муҳим тармоғи, таркиби бўлиб жадид театри ва драматургияси майдонга келди. Миллатни маърифат нури билан уйғотиб, озодлик ва тараққиёт тантанасини орзулаган жадид зиёлилар маслак йўлидаги буюк амалларидан бири театр деб тушундилар ва шу йўлда саъй-ҳаракат бошлаб, қисқа бир муддатда гоят катта самарага эришдилар.

1911 йилда Маҳмудхўжа Бехбудий "Падаркуш ёхуд ўқумаган боланинг ҳоли" номли "3 парда 4 манзарали миллий, биринчи фожеа"сини ёзади. Асарни чоп қилиш хусусидаги уринишлар икки йилгача муваффақиятсиз кечади. Фақат пьесани 1812 йили рус-француз муҳорабасининг Бородино майдонидаги руслар ғалабаси билан якунланиши 100 йиллигига бағишлаб, Тифлидаги цензорга юборилиши нашр учун имкон беради. "Матбуот ишлари Тифлис қўмитаси цензори рухсати билан Кавказ ўлкаси саҳналарида қўйиш мумкин" деган 1913 йил 23 март 19940-сон қарорига кўра, асар 1913 йил Самарқандда алоҳида китоб ҳолида чоп этилади [2, 72].

"Падаркуш"нинг нашрдан чиқиши том маънода ўзбек миллий театрининг туғилишини белгилади. Шу йилнинг ўзидаёқ Самарқандда Бехбудий, Тошкентда Мунаввар қори ва Абдулла Авлоний раҳбарлигида асарни саҳналаштириш ҳаракатлари бошланади.

"Падаркуш" илк бор ҳаваскорлар томонидан 1914 йил 15 январь куни Самарқанднинг Янги шаҳар қисмида намойиш қилинди. Шу муносабат билан "Ойна" мажалласининг 1914 йил 25 январь 14-сонида "Туркистонда биринчи миллий театр" номли давомли ахборот-тақризлар эълон қилинади. Хабарда асарнинг юқори савияси, томошабинларнинг кўплаб ташриф буюриши, томошабинларга асарни қайта қўйиб беришни ваъда беради. Лекин, асарни саҳналаштирувчи режиссёр ҳақида маълумот берилмайди. Жадид театри тарихини биринчилардан бўлиб кенг таҳлил этган Миён Бузрук Солиҳовнинг ёзишича, "Озарбайжонли Алиасқар Асқаровнинг саҳнани тартибга солишда таъсири бўлган. Ҳатто унинг режиссёрлик вазифасини бажарганини профессор Абдулла Авлоний сўзлаган эди. Иккинчи бир хабарга кўра, режиссёрликни Маҳмудхўжа Бехбудийнинг ўзи қилган эмуш" [3, 71].

"Спектаклдаги ролларни Абдусалом Абдулрахим ўғли (Бой), Аббос (Хайрулло), Мардонкул Шомухаммад ўғли (Домла), Ёздонкул Шоҳмухаммад ўғли (Бойвучча Тоштемир), Мирзо Нўъмон мулла Фозил муфти ўғли (Зиёли), Раҳимкул Муҳаммад Солиҳ ўғли, Мирҳошим Мирраҳим ўғли, Муҳиддин Жўрабой ўғли (майхонадаги бўз болалар, йигитлар), Муҳаммад Аминжон Ниёзий (бойнинг битродори - укаси), Абдулла Бадриддин ўғли (бой хотини), татар актёрларидан Аҳмаджон Шамсуддинов (Пристав)лар ижро этган. Танаффус вақтларида эса Самарқанднинг машҳур ҳофизларидан Ҳожи Абдулазиз кўшиқлар куйлаб турган" [1, 55].

Томошабинларнинг талаб ва таклифларига кўра "Падаркуш" асари иккинчи маратоба Мулла Ориф Абулрахимзода режиссёрлигида, ўша актёрлар ижросида намоиш этилди.

Абдулла Авлоний ўз "Таржимаи ҳоли"да шундай ёзади: "1913 йилдан бошлаб халқни кўзин очмоқ, маданиятга яқинлаштирмоқ учун театруга киришиб, театру ишларини йўлга қўйувчиларнинг бошлуғу бўлиб, Туркистоннинг бир неча шаҳарларига бориб ўзбеклар орасида театруга йўл очдим. ... "Турон" исмли театральни благодотворительный жамиятни юзага чиқардим". Авлонийнинг бу сўзини Миён Бузрук Солиҳов ҳам қайд этган: "1913 дан бошлаб ҳаваскор тусида тўрланган бу тўда 1914 йилнинг охирида расман "Турон тўдаси" номи билан ўтилади ва тобора ташкилий тус ола боради" [1, 60].

Демакки, биринчи ўзбек миллий театр труппаси Самарқандда эмас, Тошкентда 1913 йил ўрталарида вужудга келган. Бироқ биринчи миллий асар асосидаги спектакл Самарқанд ҳаваскорлик театрида намоиш этилган. Тошкент труппаси "Падаркуш"ни самарқандликлардан қирқ кун кейин расман саҳнага кўрсата олди. Аслида, асар устида иш икки жойда ҳам бир хил вақтда бошланган эди.

1914 йил 27 февралда Тошкентнинг Янги шаҳаридаги "Колизей" театрининг 2000 кишилиқ томошахонасида кеч соат еттида "мусулмон жамияти имдодияси фойдасига" Тошкент театр ҳаваскорлари расман ўз спектакллари намоишини бошлайдилар. Театр кечаси, Абдулла Авлоний мемориал музейида сақланаётган "маромнома" (афиша)дан маълум бўлишича, уч бўлимдан ташкил топган. Биринчиси - Маҳмудхўжа Бехбудийнинг "Падаркуш" пьесаси асосидаги спектакл намоиши, иккинчиси - озарбайжон актёрларидан Гулиасқар Асқаров, Гулузорхоним ва М.Шахбаловлар ижросида бир пардалиқ озарча "Хўр-хўр" кулгу-томошаси (С.Музагайни асари), учинчи бўлим "Миллий ўқиш ва жўрлар" бўлиб, бунда саккиз номерлик концерт кўрсатилиши маълум бўлади. Маромнома сўнгида бутун кеча учун мудир масъул Абдулла Хўжа ўғли, режиссёр Алиасқар Асқаров экани қайд қилинади [2, 75].

Илк парда очилишидан аввал саҳнага Мунаввар қори Абдурашидхонов чиқиб, тетарнинг "ибратхона" экани, унга енгил-елпи қарамаслик, актёрлар эса "бир табиби ҳозиқ мисоли" эканликларидан қисқача ваъз сўйлаб, бутун жамоани буюк маданий ҳодиса билан табрик этади.

Тошкентлик ҳаваскорларнинг катта муваффақияти, уларнинг шу йўналишдаги фаолиятлари янада кенгайиши ва ривожланмоғи учун муҳим туртки бўлди. Самарқанд труппаси 1916 йилга келиб доимий саҳна ижрочилари бўлмаганидан тарқалиб кетади. Тошкент труппаси эса янгидан янги ижодкорлар эвазига қувватланиб "Турон тўдаси" номи билан фаолият юрита бошлади.

Ушбу даврларда Кўқонда ҳам ҳаваскорлар театр труппаси тузилади. 1914 йил 24 февралда мазкур труппа Бехбудий бошлиқ Самарқанд актёрлари билан ҳамкорликда Кўқон мактаблари фойдаси учун "Падаркуш" асарини намоиш

этади.

1914-15 йилларда "Турон"га татар режиссёри Заки Боязидский ва Мустафо Мансуров ижодий жиҳатдан бошчилик қилиб турадилар. 1914 йил охирларида труппа Ҳожи Муъин ва Нусратулла Қудратулланинг "Тўй" драмасини саҳналаштиради. Спектакл худди аввалги "Падаркуш" каби муваффақият қозонади. Асардаги асосий ролларни актёрлар А.Зиёбоев, Б.Аъламов, Ш.Шоҳинойтов, М.Миразимов, Қ.Исматуллаевларнинг яхши гайрат ва маҳорат кўрсатганлари айтилиб, айниқса Абдулла Авлоний талқинида ижро этилган Олимбой роли алоҳида диққатга сазовор бўлган.

1915 йили июнь ойида труппа томонидан "Бадбахт келин" усмонли туркчадан таржима қилинган асар саҳналаштирилади. Режиссёр вазифасини Абдулла Авлоний бажаради. Абдулла Авлонийнинг режиссёрлик билан шуғулланганлиги "Турон" труппаси мисолида миллий режиссура санъати ҳам шакллана бошлаган эди, дейишимиз мумкин.

Труппада кетма-кет Абдулла Қодирийнинг "Бахтсиз кўёв", Ҳожи Муъиннинг "Мазлума хотун" асарларини саҳналаштирди. 1916 йилнинг 30 декабрида "Колизей" театрида озар ва ўзбек актёрлари иштироки билан "Лайли ва Мажнун" мусиқий драмаси намойиш этилади. Асарни озар тилидан ўзбек тилига Абдулла Авлоний таржима қилган. Спектаклни эса С. Руҳилло саҳналаштиради. Асосий ролларни Сидқий Руҳилло (Мажнун), Дуррияхоним (Лайли), А.Авлоний (Малуъ), А.Муҳаррамов (Навфал), Н.Хўжаев, Фарид Тоҳирий, Юсуф Алиев кабилар ижро этадилар. А.Авлоний мемориал музейида шу воқеа муносабати билан, худди шу куни, спектакл иштирокчилари грим ва костюмларида акс эттирилган тарихий сурат сақланади. Миён Бузрук Солиҳов қайд этилган китобида шу суратни илова этар экан, айрим ижрочиларнинг номларини келтириб, 4-рақамда Маъсумаконим деб қайд этади. Маълум бўлишича, бу аёл кейинчалик ўзбек саҳна санъатининг машҳур намояндalarидан бўлган Ўзбекистон халқ артисти Маъсума Қориева экан. У "Турон" театр труппасидаги илк аёл актрисалардан эди. Демак, Тошкент театр жамоаси саҳнага аёл актрисани олиб чиқишда ҳам биринчи бўлиб ташаббус кўрсатган [2, 77].

Миён Бузрук Солиҳов "Ўзбек театри тарихи учун материаллар" китобида "Турон" труппасининг қуйидаги актёрларини санаб ўтади: Ҳасан қори, Эшонхўжа Хоний, Самий қори, Абдулла Авлоний, Бадриддин Аъламов, Шораҳим домла Шоҳинойтов, Низомиддин Хўжаев, Шокиржон Раҳимий, Қудратулла Махзум, Муҳаммадхон Пошшахўжаев, Башруллохон Хўжаев, Абдуллазиз Хўжаев, Эшонжўжаев, Мусахон Мирзахонов, Умарқул Анорқулов, Фузаил Жонбоев, Салимхон Тиллахонов, Қудратулла Юнусий, Тўлаган Хўжамёров, Убайдулла қори Эрғозиев. Булар сафига 1916 йилдан Сулаймон Хўжаев, Маннон Уйғур, Фулом Зафарийлар кўшилган. Яна бошқа манбаларда Абдурахмон Акбаров, Юсуф Алиев, Мусо Азимов, Саъдуллахўжа Турсунхўжаев, Мирмулла Шермуҳаммедов, Муҳиддин Шарафиддинхўжаевлар ишлагани ҳақида маълумотлар учрайди.

Хуллас, "Турон" труппаси 1917 йилнинг суронли ҳодисаларига қадар ўттизга яқин муқим актёрлар гуруҳи, Низомиддин Хўжаев, Абдулла Авлоний, Бадриддин Аъламов каби миллий режиссёрларига, миллий ва байналмилал характердаги мустақам репертуарига, Тошкентнинг Эски шаҳар қисмида ўзининг қишки ва ёзги саҳнаси, ўзига хос мустақам профессионал театр труппасига эга эди.

1918 йили "Турон театр труппаси" давлат ихтиёрига олиниб, унга "давлат театри" мақоми берилди. М.Уйғур театрнинг бадиий раҳбари ва режиссёри лавозимига

тайинланади. 1918-1921 йиллардан эътиборан М.Уйғур, Ғ.Зафарий, Б.Аъломовлар бошчилигида Аброр Ҳидоятлов, Маъсума Қориева, Абдурахмон Акбаров, Карим Ёқубов, Шокир Нажмидинов, Музаффар Муҳамедов, Етим Бобожонов, Обид Жалилов, Сайфи Олимов, Боснат Қориев сингари театр келажакига йўл очган актёрлар фаолит бошлайдилар. Драматургияга А.Фитрат, Ғ.Зафарий, А.Чўлпон, М.Уйғур, Ш.Хуршиддек янги муаллифлар кириб келишади. Улар Ҳамза Ҳакимзода билан ёнма-ён театр репертуарини янги асарлар билан бойитиш ишига беминнат хизмат қиладилар. Шу муаллифларнинг "Туркистон табиби", "Ўн икки соатлик ҳокимият", "Фанний уй" (Уйғур), "Заҳарли ҳаёт", "Бой ила хизматчи", "Тухматчилар жазоси", "Иффат қурбонлари" (Ҳамза), "Ёмон ўғил", "Эрк болалари", "Ҳалима" (Ғ.Зафарий), "Заҳхоки морон" (Ғ.Юнус), "Чин севиш", "Ҳинд ихтилочилари", "Абулфайзхон" (Фитрат), "Ёрқиной", "Халил фаранг", "Ҳужум" (Чўлпон, сўнгги асар В.Ян билан ҳамкорликда), "Фарҳод ва Ширин", "Лайли ва Мажнун" (Хуршид) сингари миллий драматургия асарлари драма, мусиқали драма, болалар театри йўналишида шаклланаётган ўзбек театрининг келажак тараққиётига йўл очди. Актёр ижрочилигида кўп жанрликка риоя қилишда Аброр Ҳидоятлов ва Маъсума Қориева намуна эдилар [2, 78].

Турон театрининг уч йўналиш бўйича йигирманчи йилларда эришган натижалари эътиборга олиниб, драма, мусиқали драма ва болалар давлат театрлари қарор топди. Ўттизинчи йилдан эътиборан шу уч йўналиш ўзбек театрининг ўзига хос аломати сифатида тараққиётга юз тутди. 1929 йили Турондан М.Муҳамедов ўзбек этнографик труппасидан Қори Ёқубов бошлиқ бир гуруҳ санъаткорлар мусиқали театрга ўтказилади. Қолган асосий қисми Ҳамза номидаги ўзбек давлат драма театри сифатида қайта ташкил топади.

Ўттизинчи йилдан эътиборан Ҳамза номидаги жамоа соф драма театри йўналишида собит қадамлик билан изланишлар олиб бориш йўлига ўтади. Унинг муаллифлари жамоаси сафига К.Яшин, У.Исмоилов билан кетма-кет З.Саид, Н.Сафаров, З.Фатхуллинлар авлоди қўшилади. Уларнинг ижтимоий-тарихий, замонавий мавзудаги пьесалари қаторида жаҳон мумтоз мероси театр репертуаридан салмоқли ўрин эгаллайди.

1930-34 йилларда саҳна юзини кўрган У.Исмоиловнинг "Пахта шўмғиялари", "Рустам", К.Яшиннинг "Ёндирамит", "Тор-мор", З.Саид, Н.Сафаровнинг "Тарих тилга кирди", З.Фатхуллиннинг "Истиқлол", Лопе де Веганинг "Қўзибулоқ қишлоғи", А.Файконинг "Портфелли киши", К.Гольдонининг "Меҳмонхона бекаси" сингари пьесалари пухта режиссура, спектаклларнинг мантиқий декоратив ечими, маҳоратли актёрларнинг ўзига хос талқинлари томошабинлар, жамоатчилик ва матбуот мақтовига сазовор бўлдилар. Тарихан ижодий фаол бўлиб келаётган, халқни ўз ордидан эргаштириб, маърифат ва зиё улашиб келаётган ушбу театрга 1933 йилда улкан хизматлари учун "Ўзбек давлат академик драма театри" мақоми берилди.

1933-34 йилларда театр жамоаси В.Шекспирнинг "Ҳамлет" асари устида иш бошлади. Ҳамлет ролини А.Ҳидоятлов, Офелия ролини С.Эшонтўраева, Горациони Ш.Қаюмов, Клавдийни Х.Латипов, Гертрудани М.Қориева, Полонийни Л.Нарзуллаев, Даяртни Н.Раҳимовлар ижро этишди. Спектаклнинг муваффақияти рус томошабинларига ҳам етиб борди.

"Ҳамлет"дан кейин театр саҳнасида амалга оширилган "Ревизор"нинг иккинчи маротаба қўйилишидаги тажриба қаторида навбатдаги яна бир муҳим тажриба ҳам турарди. Бу К.Яшиннинг "Номус ва муҳаббат", Ф.Шиллернинг "Макр ва

муҳаббат" муштарак мавзудаги пьесаларни саҳналаштириш бўлиб, турли даврдаги ижтимоий шароитда инсон эрки, муҳаббат ва садоқат, эркак ва аёл шахсига хос муаммоларни бадиий образ руҳий кечинмалари билан атрофлича таъриф ва талқин этишни бош вазифа қилиб белгилаган спектакллар эди. "Макр ва муҳаббат"нинг йигирманчи йиллардаги талқинидан иккинчиси шуниси билан аҳамиятли эди. Асарда она ролини С.Эшонтўраева, Фулом ролини Ш.Бурхонов ижро этди.

1939 йили Ҳамза таваллудининг қирқ йиллигига бағишлаб театр "Бой ила хизматчи" асарини саҳналаштирди. Пьесанинг асл нусхаси сақланмагани туфайли уни 1919 йили Турон театрини Ақтепа frontiда намоиш қилинган суфлёр нусхаси асосида К.Яшин пьесани деярли қайтадан ёзар экан, театр жамоаси билан маслаҳатлашиб охирги бир кўринишни олиб ташлайди. Оқибатда пьеса Октябрь тўнтарилиши ҳақида эмас, мустақиллигини бой бериб, босқинчини қулига айланган мамлакатда халқ мустамлакачи ва маҳаллий ҳокимларнинг икки томонлама зулми остида қолгани, азалий бой ва камбағал, имкон ва чорасизлик ҳақидаги асар бўлиб қолади.

Театрнинг 1935-1940 йиллардаги спектакллари тайёрлаш жараёнида амалга оширилган ишлар ва эришилган натижалар Шекспир ижодига қизиқишни орттириб юборади ва театр "Отелло" устида иш бошлайди. Сабаб, М.Уйғур ва жамоа наздида А.Ҳидоятлов сиймосида Отелло ролининг ижроси борлиги эди. Шундай ҳам бўлди. 1941 йилнинг 28 ноябрида спектакл намоиш этилди. Аввалдан билдирилган ишончли актёрлар А.Ҳидоятлов ва С.Эшонтўраевлар оқлайди. Спектакл муваффақиятини нафақат ўзбек матбуоти, балки дунё матбуоти кенг ёритади.

1941-1945 йиллар орасида уруш мавзуга бевосита алоқадор "Ўлим босқинчиларга", "Фронт", "Она", "Олеко Дундич" сингари сафарбарликка чорловчи пьесалар қатори ҳукуматнинг ҳар бир халқнинг ўтмишидаги миллий қаҳрамонлари ҳаётини ёритишга даъват этувчи чақириғи боис Ҳ.Олимжоннинг "Муқанна", М.Шайхзоданинг "Жалолидин" каби асарлар яратилади. Театр 1961 йили М.Шайхзоданинг "Мирзо Улуғбек" трагедиясини саҳналаштиради. Мирзо Улуғбек сиймосини Шукур Бурхонов маромига етказиб ижро этади. Шундан сўнг театр саҳнасида бир қанча тарихий драмалар саҳналаштирилди. Жумладан, Уйғуннинг "Абу Райхон Беруний", "Абу Али ибн Сино", "Зебунисо", Т.Тўланинг "Нодирабегим", П.Қодировнинг "Юлдузли тунлар" билан давом этиб, ниҳоят истиқлол шарофати билан А.Ориповнинг "Соҳибқирон Темур" драмасининг спектакли туфайли тарихий драма саҳнага чиқди.

Театр санъатининг қудрати шундаки, у драматург, актёр, режиссёр, рассом, созанда, раққос ва бошқа кўплаб саҳна арбобларининг ижодий меҳнатини бир бутун қилиб бирлаштирувчи жамоавий ижодкордир. Аммо мана шу кўп сонли ижодкорлар орасида бир зот борки, у саҳна санъатининг, саҳна маданиятининг табиатини, моҳиятини белгилайди. У ҳам бўлса актёрдир.

Ўзбек театри ҳам авваламбор актёр театри бўлиб келган. Ҳозир ҳам шундай. Ўтмишда ўзбек театри фақат актёрлик санъатидан ташкил топган, актёрларнинг ижоди истеъдод ва маҳорат билан йўғрилган. Ҳамза, Маннон Уйғур, Муҳиддин Қори Ёқубовнинг изчил ижодий меҳнати ва риёзати туфайли ўзбек театрининг бағрида истеъдодли санъаткорларнинг ажойиб бир авлоди вояга келди. Мана шу авлоднинг пешқадами, машҳури жаҳон актёр Аброр Ҳидоятлов эди. У ўзбек халқининг энг яхши фазилатларини, халқ санъатининг энг яхши хусусиятларини ўзига таркибий сингдирган, ўз устида тинимсиз иш олиб борган, ўқиш ва ўрганишдан толмаган, халқчиллик учун курашган, истаган образда мукамалликка

эриша оладиган санъаткор эди. Ушбу хислатлар биргина Аброр Ҳидоятовда эмас, унинг сафдошлари бўлмиш Сайфиқори Олимов, Раҳим Пирмуҳаммедов, Абдулҳақ Султонов, Обид Жалилов, Миршоҳид Мироқилов, Абдуваҳоб Азимов, шунингдек Москва драма студиясида (1924-1927) Аброр Ҳидоятов билан бирга таҳсил кўрган Музаффар Муҳамедов, Етим Бобожонов, Саъдихон Табибуллаев. Шариф Қоюмов, Ҳикмат Латипов, Лутфулла Назруллаев, Фатхулла Умаров, Ҳожи Сиддиқ Исломов ва бошқаларда ҳам муайян даражада қарор топган эди.

XX асрнинг ўттизинчи йиллари охирига келиб ўзбек театри қадини ростлаб олди. Москва драма студияси билан Боку театр техникумини элликка яқин киши битириб келди. 1930 йилда эса Москва студиясининг иккинчи гуруҳида таҳсилни тугатиб келган Жўра Қўлдошев, Баҳодир Жамолов, Анвара Олимова, Пўлатой Раҳмонова, Мамадали Ҳайдаров, Аъзам Ҳасанов, Ҳамидулла Наримонов, Афандихон Исмоилов кабилар Ўзбекистон театрларига тарқалиб, саҳна санъатини профессионал изга солишга тушиб кетдилар. Ҳаваскорликдан Мукаррама Турғунбоева, Шукур Бурхонов, Олим Хўжаев, Наби Раҳимов, Аббос Бакиров, Амин Турдиев, Зайнаб Садриева, Гавҳар Раҳимова, Қудрат Хўжаев, Марям Ёқубова, Қамара Бурнашева, Асрор Жўраев, Хадича Аминова, Зайнаб Самиева, Розия Каримова, Муҳсин Ҳамидов каби ўнлаб истеъдодлар театр даргоҳига дадил кириб келдилар [2, 79].

Шу тарзда уч тоифа актёрлар майдонга чиқди: Москва ва Бокуда профессионал таҳсил кўрган артистлар; туғма истеъдод, синчковлик, ўз устида тинимсиз ишлаш туфайли профессионалликка эришган санъаткорлар; ўттизинчи йиллар охирида ҳаваскорликдан театрга ўтган истеъдодли ёшлар. Булар орасида Москва студиясини биринчи навбатда битирган Маннон Уйғур раҳномалигидаги актёрлар маданиятда, маҳоратда, бадииятда етакчи, нуфузли, ибратли бўлдилар. Улар бутун республикадаги санъаткорларни магнитдай ўзларига тортиб, гоҳ сўз, гоҳ санъат орқали фаол таъсир кўрсатиб турганлар. Вақт ўтиши билан қобилияти, имконияти ва интилишлари турлича, турли услубларга мансуб бўлган бу кўп сонли саҳна шунқорлари ва маликалари ўзбек актёрлик мактабини ташкил этдилар.

Ўттизинчи йилларнинг иккинчи ярмида ўзбек театри санъатида "Ҳамлет", "Бой ила хизматчи", "Отелло", "Гулсара", "Фарҳод ва Ширин", "Лайли ва Мажнун" каби йирик, шоҳона спектакллар яратилди. Классик драматургия ҳам кўз-кўз қиладиган даражада забт этилди. Ўзбек театрининг ютуқлари ҳалқаро майдонда тан олинди, чет эллик меҳмонлар томонидан ҳам қайд этилди. Собиқ Ҳамза номидаги театрнинг (ҳозирги Ўзбек Миллий Академик драма театри) "Ҳамлет" спектакли "Шекспир руҳидаги ажойиб драмадирки, ундаги фожиани қалбдан ҳис этиб турасан киши, - деб ёзган эди Юлиус Фучик, - тилни билмайсану, бироқ Шекспирнинг ҳар бир сўзини эшитиб, тушуниб турасан. Актёр хатти-ҳаракати, юриш-туриши, юз ифодаси, кўл ҳаракатлари билан ҳам гапирадикки, бу катта, зўр саҳна санъатидир. Бу қадар яхши қўйилган "Ҳамлет" Европанинг энг яхши театрлари постановкалари билан рақобат қила олади, ҳолбуки ўзбек театри барпо этилганига бор-йўғи ўн беш йил бўлди" [5]. Буюк Британия парламент делегацияси номидан Х.Жонсон театрнинг таассуротлар дафтарида шундай деб ёзган эди: "Биз ватандошимиз Шекспир трагедиясининг бундай яхши қўйилганини ҳеч қачон, ҳеч қаерда, ҳатто Лондонда ҳам кўрмаган эдик. Биз, айниқса, Отелло билан Дездемона ролини ўйнаган артистлар маҳоратига қойил қолдик" [4, 10].

Ютуқлар биз тилга олиб ўтган истеъдодлари ранг-баранг, бироқ ижодий принциплари бир бўлган актёрлар авлоди парвозини, ўзбек актёрлик мактаби

равнақини кўрамиз.

Йигирманчи йилларнинг актёрлари асрий анъаналар заминида вояга етганликлари туфайли маданий, бадий меросга чуқур ҳурмат ва эътиқод билан муносабатда бўлдилар. Уларнинг санъатида авлод-аждодлар елкасида келган энг яхши анъаналар, халқ санъати воситалари таркибий бириккан ҳолда намоён бўлди. Ҳаётийлик, ёрқинлик, самимият, жўшқинлик, романтик кўтаринкилик ва ҳоказо хислатлар ана шундан. Миршоҳид Мироқиловнинг латифагўйлиги, аскиябозлиги, Аброр Ҳидоятловнинг дуторни эшиб чертиши, Ҳалима Носированинг мақомхонлиги, Наби Раҳимовнинг хиргойилари ана шундан. Умуман, халққа, халқ ҳаётига яқинлик, халқ санъати, психологияси, эстетик дидини яхши билиш актёрлар ижодининг халқчиллигини таъминлаган.

Чуқур ғоявийлик, эътиқоднинг бутунлиги, театрни биринчи галда тарбия ўчоғи деб билиш актёрларимизнинг дастлабки авлоди учун энг муҳим хусусиятларидандир.

XX асрнинг 90-йилларигача Ўзбек театри ўз фаолиятида мураккаб даврни босиб ўтди. Бутун мамлакатда коммунистик мафкура тушунчаси янада авж олди. У асосий зарбасини ўзбек зиёлиларининг социализм ғояларидан бошқача фикрловчи ижодкорларнинг буржуа қарашлари ва нуқтаи назарлари қолдиқларига қаратилди. Баъзи спектаклар репертуарлардан олиб ташланди, унинг ўрнига ижтимоий буюртма асарлар яратилди. Н.Погодиннинг "Кузғунлар", И.Соболевнинг "Хўжайин", А.Островскийнинг "Сўнгги қурбон", Н.Леваданинг "Ассалом, юлдузлар", В.Вишневскийнинг "Ҳаётбахш ўлим" каби кўплаб таржима асарлар шулар жумласидандир.

Бироқ бу йилларни ўзбек маданияти, шу жумладан, ўзбек театри тўла тушқунлик даври дейиш ҳам хато бўлур эди. Чунки, мафкуравий тазйиқлар кучайган бўлсада, театр санъати маълум даражада ривожланди. Бу йилларда яратилган спектаклар ўта сиёсийлашган ва совет мафкураси учун хизмат қилган бўлса ҳам у барибир ўзбек халқининг шу даврдаги миллий маданияти бўлиб қолди. Халқнинг маданий-маърифий, эстетик савиясини оширишга хизмат қилди.


Адабиётлар рўйхати:

1. Ризаев Ш. Жадид драмаси. - Тошкент: Шарқ, 1997.
2. Сайфуллаев Б.С., Маматқосимов Ж.А. Актёрлик маҳорати. - Тошкент: Фан ва технология, 2012.
3. Солиҳов М.Б. Ўзбек театри тарихи учун материаллар. - Тошкент: 1935.
4. Қодиров М. Саҳнамиз лочинлари. - Тошкент: Фафур Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1986.
5. "Звезда Востока" журнали. 1955, № 7.

МАДАНИЯТ ЧОРРАҲАЛАРИ ПЕРЕКРЁСТОК КУЛЬТУРЫ CROSSROADS OF CULTURE

Мадаминава Умидахон Йўлдошалиевна
Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти
Фарғона минтақавий филиали 2-курс талабаси

ЧИНГИЗ АЙТМАТОВ ИЖОДИДА УМУМБАШАРИЙ МУАММОЛАР

 <http://dx.doi.org/10.26739/2181-0737-2019-4-8>

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақола Чингиз Айтматов асарларида намоён бўладиган глобал, умумбашарий муаммолар: экология, оммавий маданият ва унинг ортидаги маънавий қашшоқлик, азалий пок туйғу - муҳаббатнинг ҳар қандай ёвузликни енга олиши қудратини кўрсатишга қаратилган.

Калит сўзлар: туйғу, муҳаббат, экология, маданият, замондош.

Мадаминава Умидахон Йўлдошалиевна
Студент 2-курса Ферганского регионального филиала государственного
института искусств и культуры Узбекистана

ОБЩЕЧЕЛОВЕЧЕСКИЕ ПРОБЛЕМЫ В ПРОИЗВЕДЕНИЯХ ЧИНГИЗА АЙТМАТОВА

АННОТАЦИЯ

Цель статьи - показать, что процесс, присущий творчеству Айтматова, представляет собой глобальную проблему - экология, массовая культура и моральная бедность, стоящая за ней, сила вечной любви для преодоления любого зла.

Ключевые слова: эмоция, любовь, экология, культура, современность.

Замонамизнинг буюк ёзувчиси, улкан давлат ҳамда жамоат арбоби, бутун умрини тинчлик ва халқлар дўстлиги учун бахшида этган оташқалб инсон Чингиз Айтматовнинг вафоти жаҳон маданияти учун ҳам, ижтимоий тафаккур учун ҳам улкан йўқотиш бўлди. Ёзувчи ўз замондошларинининг руҳий ва маънавий изланишларини бирлаштира билди, ҳозирги замон зиёлиларининг бошларини қовуштириб, халқларни, одамларни дўстлаштира олди.

Адибнинг қисса ва романларини жинси, ёши, миллати, ижтимоий келиб чиқиши ва ҳатто бадиий дидидан қатъий назар, деярли ҳамма иштиёқ билан берилиб ўқир эди. Асарларидаги қалбни жунбушга келтирадиган лиризм ҳаммани ўзига жалб этар, ҳаммани бирлаштирар эди.

Чингиз Айтматов ижодининг марказида ЖАМИЯТ ва ИНСОН, ТАБИАТ ва ИНСОН муаммолари туради. 1970 йилда "Оқ кема" қиссаси дунёга келди ва қирғиз киноматографиясининг пешқадам режиссёри Бўлат Шамшиев томонидан шу номдаги бадиий фильм суратга олинди. Мазкур фильм Ч.Айтматов асарлари асосида суратга олинган фильмлар орасида энг муваффақиятлиси эди.

Асардаги ёвузликка тўқнаш келган ва балиққа айланган қирғиз болакайининг аянчли тақдири жуда жозибатор тасвирланган. Болакай ёлғиз. Қадимги ривоятлар билимдони, кексайиб қолган буваси - Мўмин унга ота-онаси ўрнида эди. Болакай бобосидан эшитган ривоят ва афсоналарни туйган, воқеликни гўзал эртақдек қабул қилган таассуротлари билан катталарнинг шафқатсиз дунёсига дуч келади. Ўрозкул мисолида она табиатни аёвсиз қираётган броканерлар ва ҳайвонларга емиш деб қараётган ўз нафси йулидаги манфур кимсалар дунёнинг исталган жойида учраши инсонни истиробга солади.

"Оқ кема" қиссасида у турмуш билан боғлиқ муҳим масалаларни кўтариб чиқди. У табиат ер юзидаги барча тирикликларнинг ОНАСИ эканлигини, табиатга қарши чиқиш, унга нисбатан қилинган жиноят бутун инсониятни халокатга олиб келиши мумкинлигини барчага маълум қилди. "Инсоният табиат экологиясидан қалб экологиясига ўтишга ҳаракат қилиши лозим. Бугунги замонда дин ҳам ўз қобиғида биқиниб қолмаслиги, АХБОРОТни ривожлантириш соҳасида олдинга қадам ташлаши керак",-деган эди муаллифнинг ўзи.

"Касандра тамғаси" романини ёзганидан кейин унга космополит ёзувчи сифатида қарашганини, у гоҳ кулиб, гоҳ афсус билан эсларди. Шуни ҳам унутмаслик керакки, дунёдаги глобал жараён миллий ўзликни белгилаш, ўзини ўзи англаш, ўзини индификациялаш билан диалектик жиҳатдан боғлиқдир. Булар бир-бирини ажратиб бўлмайдиган категориялардир. Уларнинг мунозараси бугунги кунда тарихни ҳаракатга келтирувчи кучга айланди.

Биз ўлим муқаррар эканлигини биламиз. Бироқ бутун инсоният халокатга маҳкум бўлиши мумкинлигини ХХ асрагина англаб етдик. Айнан мана шу туйғу - "инсон азоб чекишининг умумий баланси" (Ч.Айтматов) инсонни Исо Масиҳ ва Понтий Пилат мунозарасини қайта идрок этишга мажбур этди. Ривоят янгича талқин қилинаётганини кўпчилик аввал сезмади. "Қиёмат"даги Авдийни кўрганлари билан Гефсиман боғида Христоснинг кўрганлари бир-бирига ўхшаш - оламшумул, умумхалокатни ҳис қилишига асосланади. Замин харобага айланган, бирор бир тирик жон йўқ. "Наҳотки шафқатсиз дунё инсонни ҳам, худди чаён ўзини ўзи ўлдиргани каби, ўзини ўзи маҳв этишга мажбурласа?!".

Чингиз Айтматовнинг ўзига хос томони шундаки, у бирор-бир асарида у хоҳ "Оқ кема", хоҳ "Асрга татигулик кун" ёки ундан кейинги асарлари бўлсин, ўзини, она юртини тасвирлаш билан чекланмайди. У қандай мавзу ёки муаммони кўтармасин, нимани тасвирламасин, ҳақиқий санъаткор ва файласуф сифатида ҳаммиша ўзининг мулоҳазалари ва яратган асарлари уларни умуинсоний манфаат ва муаммо даражасида англашга ҳаракат қилади. Шу боис ҳам Чингиз Айтматов тор миллий доирани ёриб, жаҳоний миқёсга чиқди. Унинг чуқур, умумлашма мулоҳазаларга бой асарлари амеркаликларга ҳам, олмонга ҳам, япон ва поляк,

қозоқ ва рус китобхонига ҳам бир хил куч ва қудрат билан таъсир кўрсатади.

"Ўлдирма-ўлдирма..." ҳикоясининг ҳам аҳамияти катта, мавзунинг долзарблигини Чингиз Айтматов асарларининг номланишида берилган кўп маъноли кўп нуқталарчалик ҳеч нарса ифодалаб бера олмайди. Булар ҳақиқатда ҳам борлиқнинг буюк саволлари бўлиб жавоб излайди. Аммо жавоб топилган эмас.

Аслида, дин, эътиқод, ҳар нарсага доир идрокни қайта баҳолаш - булар Ч.Айтматов публицистикасида янги мавзулар эмас. Айниқса, адиб "Қиёмат" асари бу мавзуларга бевосита ёндашади. Йил ўтган сайин адибнинг метафизика оламига бўлган қизиқиши тобора ортиб баради, асарлари эса янги замоннинг янада кескин ва жиддий фикрловчи кишисини изтиробга солишда давом этади.

Моҳиятан кўп йиллар давомида Ч.Айтматов асарларининг ягона, бош мавзуси - тинчлик мавзуси эди, у "ҳеч кимни ўлдирма" деган диний ақидага қандайдир умумий ва фундаментал маъно юклаш учун бутун инсониятнинг асосий кучини бир жойга тўплашга уринди. Иккинчи жаҳон уришининг 60 йиллиги арафасида чоп этилган "Ўлдир-ўлдирма..." ҳикояси, маълум маънода, бу мавзунини ривожлантиришнинг энг юксак нуқтаси бўлди.

Чингиз Айтматовнинг Акмал Саидовга айтиб берганларига кўра, 2006 йилда у Германиянинг еттига шаҳри бўйлаб саёҳат қилган. Унинг айтишича, "немислар мени шу қадар эътибор билан тинглардики, худди барча ёзганларим уларга тегишлидек". Эҳтимол бу каби муносабатларнинг замири ва улардаги эътиборлиликнинг уйғониши - немисларнинг XX аср ўрталарида, Иккинчи жаҳон урушидан чиқарган сабоқлари билан боғлиқдир?!

Инсон ўз наслини сақлаб қолиш учун узоқ асрлардан бери давом этиб келаётган одамқушлик иллатидан бутунлай воз кечишни талаб қилади. "Чингизхоннинг оқ булут" қиссасининг қаҳрамони юзбоши Эрден хотинига: "Биз ҳали туғилмаган боладан кечишни истамадик", - дейди. Улар раҳнаомларнинг ҳужум пайтида фарзанд кўрмаслик буйруғига амал қилмадилар. Ўз наслини сақлаб қолишга ҳаракат қилдилар. Урушлар, бу ҳужум ва наслини давом эттиришга монелик қилувчи тўсиқ ҳамдир. Ч.Айтматовнинг хотирлашича, у болалик пайтида оиласининг ягона бойлиги - сигирини ўғирлаганларни ўлдиришга ҳаракат қилган. Чўлда ёш Чингизга эшак минган бир қария учраб: "Ҳеч кимни ўлдирма", "Бу дунё адолатлидир..." - дейди. Дунёнинг эса адолатсизлиги маълум бўлди. Бироқ, ожизлигидан ўкиниб йиғлаётган боланинг қалбида нимадир қолганки, у қариянинг сўзларини унутмади...

Профессор Акмал Саидовнинг адибга "Нима учун сизнинг асарларингизда ҳайвонлар образи кўп учрайди", - деб берган саволига Чингиз Тўрақулович: "Бу энди менинг табиатим, оламини идрок этишим. Мен инсонни ҳайвондан ажратмайман. Бу услуб эса асарни бутлашга ва камини тўлдиришга ёрдам беради, унга мазмун бағишлайди. "Касандра тамғаси"даги Кремль бойқушини ўзим ҳам жуда яхши кўраман. Эҳтимол у қуш ҳозир ҳам Кремль минораларида яшаб, ким қайси вақтда келаётганини кузатиб ўтиргандир. Унинг асардаги иштироки воқеани анъанавий тавсифлаб беришдан кучлороқ, - деб гапини яна давом эттирди. - Инсон ақли бор зот, у яратиши ҳам мумкин. Ҳайвонларни эса ҳаракати чекланган. Улар инсонга қарам бўлиб қолган. Шу боидан ҳам мен уларни асарга киритаман. Инсон ўзини қандай тутиши лозимлигини англаши учун..." - деб қўшимча қилган эди.

Чингиз Айтматовнинг энг яхши асарлари аллақачон янги жаҳон адабиёти классикасининг таркибий қисми бўлиб қолди. Унинг китоблари услуби жиҳатидан ҳам, кўтарилган фалсафий масалаларга кўра ҳам бир-биридан фарқ қилади, шу

билан бирга уларнинг умумий жиҳатлари ҳам бор. Шу боисдан муаллифнинг ҳар бир асарини орадан вақт ўтиши билан қайта-қайта ўқигинг келади ва ҳар гал янги ва янги жиҳатларини кашф этасан. Айтматов асарларининг китобхонни айрича ҳаяжонга соладиган таъсир кучи жамиятда пишиб етилган муаммолар ўртага ташланишидадир. Чингиз Айтматов ижтимоий воқеа-ҳодисаларни кузатиш ва таҳлил қилишда ноёб истеъдодга эга донишманд файласуф, киши руҳиятининг нозик торларини черта оладиган сеҳргар санъаткордир.

Адиб дунё миқёсида романга хос янги тафаккурнинг шаклланишига эътибор қаратди. Бунда асосан дунё ҳалокатини ҳис қилиш ВАҚТ, ИНСОН, ТАБИАТ ўртасидаги учлик муносабатлар ўта муҳим эди. Чингиз Айтматов ижоди ўзида Шарқ ва Ғарбнинг бадиий ва интеллектуал бирлиги (синтези)ни ташиди.

Ёзувчининг янги фалсафий романи - "Касандра тамғаси"ни ўқир экансиз бу фикрнинг ҳақ эканлигига яна ва яна ишонч ҳосил қиласиз. Мураккаб дунёвий фожеаларни буюк қаламкашнинг сезгир қалби ҳатто башоратчи футуролог олимлардан ҳам олдин пайқайди.

Роман фалсафа, фантастика ва сўз санъати маҳсули ўлароқ улкан санъаткорнинг мушоҳада қудратидан дунёга келгандир. Қаловини топса, қор ҳам ёнади деганларидек, нисбатни тўғри танланса, уч таркибий қисмдан иборат ҳаётини жараёнда ВАҚТ ҳам, ФАЗО ҳам, ИНСОН ҳам яхлит бир ҳолатда намоён бўлади.

Ёзувчи китобхонга бадиий тафаккурнинг янги бир қирраларини очади, уни ўйга толдиради ва ҳатто идрок этиш қийин бўлган ҳодисалар гирдобига ташлайди. Ёзувчи фантастик усулдан фойдаланган бўлса-да, роман теран реалистик асар сифатида қабул қилинади. Асарнинг бадиий тузилиши, ҳаётни тасвирлаш принципи ёзувчининг бошқа асарлариникидан тубдан фарқ қилади. Китобхон романни варақлар экан, одамларнинг инсон шаънига номуносиб хатти-ҳаракатларидан нафратланади. Роман воқеаси ўта шиддатли, психологик можаролар ва тўқнашувлар заминига қурилган. Ер кўрраси ахлоқий муаммолар синаб кўриладиган полигонга айланган.

Инсоният ҳалокат ёқасига бориб қолган. Бу ҳалокат ташқаридан келган эмас, балки бани одамнинг хатти-ҳаракатлари, мунофиқлиги, худбинлиги, ахлоқсизлиги оқибатида юзага келгандир.

Адиб ижодининг сўнгги асари "Қулаётган тоғлар" романи миллий мавзуда бўлса-да, унда глобал масалалар, жумладан инсоният учун даҳшатли офатлар бўлган маданиятсизлик, маънавиятсизлик, ахлоқсизлик каби иллатлар ҳақида ҳамда "олигарх"лар деб аталмиш бойлар ҳукмронлиги хуруж қилаётгани ҳақида сўз боради.

Шунингдек, асарда азалий ва абадий туйғу - муҳаббат мавзуси Айтматовчасига беқиёс ва бетакрор тарзда баён этилган. Роман мавзуси жуда ҳам долзарб: глобаллашув, шоу-бизнес ортидан кўр-кўрона эргашиш ва оммавий маданиятсизлик, тоғ қоплонларини тижорат мақсадида овлаш, тунги клублар ...

Романнинг асосий қаҳрамонларидан бири тоғ қоплонининг тақдири, асарнинг бош қаҳрамони - журналист Арсен Саманчин билан чамбарчас боғлиқ. Роман муҳаббат, яхшилик ва ёмонлик ўртасидаги азалий кураш ҳақида. Жамиятнинг тоғи бўлган Арсен Саманчин ва табиатнинг тоғи бўлган Жабарсининг бир пайтдаги ўлими икки тоғнинг қулашига ўхшатиш мумкин.

Асар номининг ўзи бир асар. Инсон ҳар қандай шароитда ҳам, ўзига, ўзлигига қарши чиқмаслиги ва ўлимга ҳам тик боқиши, чин инсоний позиция билан яшаши, азалий туйғу муҳаббатнинг ҳар қандай ёвузликни қайтаришга қодирлиги,

яъни Саманчиннинг Эласга бўлган муҳаббати уни қотиллик қилиш фикридан қайтариши, ҳаёт нақадар гўзал инъом эканлигини англаб етиши воқеалар ривожини орқали юксак пардаларда акс эттирилган.

Адиб профессор Акмал Саидов билан суҳбатларидан бирида: "Агар мен нимадир ёза олсам, ҳамиша инсон дунёда ёлғиз эмаслиги, унинг ён-атрофида бошқа жонзотлар ҳам яшаши ва инсон улар учун, умуман Ерда кечаётган воқеалар учун масъуллиги ҳақида ёзаман" деган эди.

Мана шу қарашлари ва ҳаётининг хулосалари билан Чингиз Айтматов олам фуқароси эди. Унинг чуқур бадиий - фалсафий қарашлари, қаҳрамонларнинг ҳаётга бўлган муҳаббати чексиз эди. У ўз ижодида жаҳон адабиётининг ҳалқ ҳаёти билан боғлиқ йўналишларини тадқиқ этди. У Шарқнинг чуқур фалсафаси ва Европа адабиётининг энг сара анъаналарини ўзида мужассамлаштирди. Шу маънода у Евроосиё адабиётининг энг улкан намояндаси ҳамдир.

Адиб ижодининг оламшумул муваффақияти, унинг бутун дунёда тан олинishi билан боғлиқ маълумотлар ЮНЕСКО нашрлардаги қуйидаги хабарлардан ҳам билса бўлади:

XXI аср бўсағасида Ч.Айтматовнинг асарлари 168 та мамлакатда, 180 та давлат тилида, 77 миллион нусхада, 860 марта нашр этилди. Бу маълумотлардаги рақамлар эндиликда кундан кунга ортиб бормоқда. Унинг кўплаб асарлари асосида фильмлар яратилди, томошабинлар уларни бугун ҳам зўр қизиқиш билан томоша қилмоқда. Бугун дунёда энг кўп ўқиладиган асарлар муаллифи рўйхатида 1-ўринда Л.Н.Толстой, 2-ўринда Шекспир ва 3-ўринда эса Чингиз Айтматов асарлари туриши бунинг яққол исботидир.

Чингиз Айтматовнинг адиб, элчи, жамоат арбоби сифатида салоҳияти ва хизматлари бутун дунёда тан олинди: Виктор Гюго номидаги ҳалқаро маданият мукофоти (Франция), "Этрурия" (Италия) адабиёт мукофоти, Адабиёт ва санъат соҳасидаги мукофот (Австрия), Жавоҳарлал Неру номидаги ҳалқаро мукофот (Ҳиндистон), Ўрта ер денгизи маданият ташаббуслар маркази таъсис этган ҳалқаро мукофотининг (Италия), Америка диний экумен фонди "Виждонга чорлов" мукофотининг, А.Мень номидаги ва ҳаказо мукофотларнинг соҳиби бўлди.

"Жаҳон адабиёти ва санъатида эришган буюк ютуқлари учун Альберт Эйнштейн номидаги катта олтин медал, Токио Шарқ фалсафаси институтининг "Ер юзида тинчлик ва тараққиёт барқ уришига, маданият ва санъатни ривожланишига қўшган буюк хизматлари учун" фахрий медали, туркий мамлакатлар маданияти ривожига қўшган ҳиссаси учун Туркиянинг Олий мукофоти, кўпчилик хорижий мамлакатларнинг (Венгрия, Польша, Россия, Ўзбекистон) орден медаллари билан тақдирланди.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Саидов А. "Тинчлик элчиси" мақоласи ва Ч.Айтматов билан қилган суҳбатларидан.

"МАДАНИЯТ ЧОРРАҲАЛАРИ" ЖУРНАЛИ

Тақдим этилаётган мақолаларга қўйилган талаблар:

1. Мақолалар ўзбек, инглиз ва рус тилларида минимал 8 саҳифадан иборат бўлиб, Microsoft Word дастурида Times New Roman шрифтида 14 кегль, 1,5 сатр оралиғида, саҳифалар барча томондан 2 см қолдирилган ҳолда бўлиши шарт.

2. Сатр боши - 1,25 см бўлиб, сатрларни энига тўғирлаш, сўзларни бошқа қаторга кўчириш автоматик тарзда бўлиши лозим.

3. Биринчи қатор марказдан муаллифнинг фамилияси, исми ва отасининг исми, иккинчи қаторда муаллифнинг иш жойи, лавозими, илмий даражаси ва унвони, e-mail ва телефон рақами, учинчи қаторда саҳафанинг ўртасида бош ва қалин ҳарфлар билан мақоланинг номи ёзилади. Ушбу маълумотлар ўзбек, инглиз ва рус тилларда берилиши лозим.

4. Кейинги қатордан ўзбек, инглиз ва рус тилларида 150-200 сўздан иборат аннотация берилади.

5. Кейинги қатордан ўзбек, инглиз ва рус тилларида калит сўзлар берилади.

6. Кейинги қатордан асосий матн бошланади.

7. Мақолалар илмий аҳамиятга эга бўлиб, улардаги факт ва фикрлар асосланган ҳамда мустақил маъно касб этиши лозим, плагиат ҳолати тақиқланади. Муаллиф фойдаланилган адабиётларни аниқ кўрсатиши, олинган иқтибосларнинг аниқ манбаларини келтириши лозим.

8. Web of science ҳамда Scopus тизимидаги журналлардан иқтибослар олиш мақсадга мувофиқдир.

9. Адабиётларнинг тўлиқ рўйхати асосий матндан сўнг алифбо тартибида кўрсатилиши лозим.

ЖУРНАЛ ПЕРЕКРЁСТОК КУЛЬТУРЫ

Требования к оформлению научной статьи:

1. Статьи должны содержать 8 страниц, в формате Times New Roman на Microsoft Word, 14 кегль, 1,5 см, со всех сторон 2 см.

2. Начала абзаца - 1,25 см, формировать строки по ширине, перенос слов в другой ряд должен быть в автоматическом порядке.

3. В первой строке от центра Ф.И.О. автора, во второй строке место работы, должность, ученая степень и ученое звание, e-mail и номер телефона, в третьей строке по центру страницы прописными буквами жирным шрифтом название статьи.

4. В следующей строке аннотация из 150-200 слов на трех языках: узбекский, английский и русский.

5. Со следующей строки ключевые слова.

6. Далее начинается основной текст.

7. Статьи должны иметь научное значение, факты и идеи должны быть обоснованными и избежать плагиатства. Автор должен точно указать использованную литературу и ссылку на источники, при помощи которых он выразил свое мнение.

8. Сноски или ссылки должны быть взяты из Web of science, а также системы журналов Scopus.

9. Полный список литературы должен быть указан после основного текста в алфавитном порядке.

JOURNAL CROSSROADS OF CULTURE

Requirements of the articles submitted:

1. Articles should be at least 8 pages, in Times New Roman, 14 pt., 1,5 inter.
2. The line head should be 1,25 cm, line spacing, and the words should be automatically moved.
3. The first and last names of the author in the first line, and the title, position, academic degree and title of the author, e-mail address and telephone number in the second line, the name of the article in bold letters in the third line. This information certainly must be entered in Uzbek, English and Russian.
4. An annotation of 150-200 words in the next line in three languages.
5. Key words from the next row in three languages.
6. The next line begins with the main text.
7. Articles must be of scientific importance and facts and opinions in the article should be well-grounded and have an independent meaning, and they must be free of plagiarism. The author must clearly demonstrate the literature used in his or her opinion, and provide the exact sources of the extracts.
8. Quotes should be from "Web of science" and "Scopus" journals.
9. A complete list of publications should be followed in alphabetical order after the main text.
10. Seals and references should be in the main text [1, 25].

МАДАНИЯТ ЧОППАХАЛАРИ

ПЕРЕКРЕСТОК КУЛЬТУРЫ

CROSSROADS OF CULTURE

№4 (2019)

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz

ООО Tadqiqot город Ташкент,
улица Амир Темура пр.1, дом-2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz

Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000